


А. БОҚИЕВ  
А. ШАЙДУЛЛАЕВ  
З. ЙЎЛДОШЕВА

# ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АНВАР БОҚИЕВ, АЛИШЕР ШАЙДУЛЛАЕВ  
ЗУБАЙДА ЙЎЛДОШЕВА

# ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

ТОШКЕНТ  
«YANGI NASHR»  
2015

УЎК: 821. 222. 8 – 1  
84(5Ў)  
Б25

*Термиз Давлат Университети Илмий Кенгашининг қарорига  
биноан чоп қилинди.*

**Боқиев, Анвар**

Окс цивилизацияси. / Боқиев А., Шайдуллаев А.,  
Йўлдошева З. Тошкент: «Yangi nashr», 2015. – 176 бет.

**КБК 84(5Ў)**

ISBN-978-9943-22-192-5

**Масъул муҳаррир:**

*т. ф. д. профессор А. С. Сағдуллаев*

**Тақризчилар:**

*т. ф. д., профессор Б. Эшов,*

*т. ф. д., профессор Ў. Мавлонов*

Монография Окс цивилизациясининг умумий таърифига бағишланган. Унда Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда цивилизация қарашларнинг шаклланиши масаласи муҳокама этилган. Ўрта Осиёнинг бронза даври маданиятларига илк цивилизациялашув жараёнлари кечган давр сифатида қаралган. Окс цивилизациясининг пайдо бўлишида миграцияларнинг ўрни, маҳаллий илдизлари ва ижтимоий хусусиятлари очиқ берилган.

Илк цивилизацияларнинг энг муҳим жиҳати бўлган ёзувлар масаласи муҳокама этилиб, ўрганилаётган даврнинг ашёларга асосланган ёзув усуллари, пиктографик белгили ёзувлари муҳокама этилган ва қадимги дунё ёзувлари билан таққослаш натижалари асосида умумий хулосалар чиқарилган.

Монография тарихчи, археолог ва Ўзбекистоннинг қадимги даврлари билан қизиқувчи барча ўқувчиларга мўлжалланган.

ISBN-978-9943-22-192-5

© «Yangi nashr», 2015

## МУНДАРИЖА

|            |   |
|------------|---|
| Кириш..... | 4 |
|------------|---|

### **I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ЦИВИЛИЗАЦИОН ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

|                                                                         |    |
|-------------------------------------------------------------------------|----|
| I.1. Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда цивилизацияон<br>қарашлар ..... | 17 |
| I.2. Окс цивилизацияси ҳақида умумий тушунчалар .....                   | 37 |

### **II БОБ. ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ, ЕТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ЖАРАЁНЛАРИ**

|                                                                           |    |
|---------------------------------------------------------------------------|----|
| II. 1. Окс цивилизациясининг пайдо бўлишида<br>миграцияларнинг ўрни ..... | 56 |
| II. 2. Окс цивилизациясининг маҳаллий илдизлари .....                     | 77 |
| II. 3. Окс цивилизациясининг ижтимоий характери.....                      | 88 |

### **III БОБ. ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ЁЗУВ ТИЗИМИ**

|                                                                                       |     |
|---------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| III. 1. Окс цивилизациясининг ашёларга асосланган ёзув усуллари.....                  | 104 |
| III. 2. Окс цивилизациясининг пиктографик белгилари ёзувлари .....                    | 121 |
| III. 3. Окс пиктографиясини қадимги дунё ёзувлари<br>билан таққослаш натижалари ..... | 138 |
| Хулоса .....                                                                          | 147 |
| Адабиётлар .....                                                                      | 151 |
| Шартли белгилар.....                                                                  | 174 |

## КИРИШ

Президент И. А. Каримов таъкидлаганларидек, «ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур»<sup>1</sup>. Тарихни ёритишда бирёқламаликка, субъектив фикрларга йўл қўймаслик зарур, «фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади»<sup>2</sup>.

Президентимиз ҳар бир ўзбек фарзанди «менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган» деган саволларни ўзига-ўзи бериши кераклигини қайта-қайта уқтиради<sup>3</sup>. Бу масалада «Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратилдими-йўқми?»<sup>4</sup> деган зарурий саволни беради ва шўролар даврида, ўзгалар ёзиб берган, сохта гоёлар асосида ёзилган тарихни қайта кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлайди.

Ўрта Осиё, қолаверса Ўзбекистон тарихида ибтидоий тарих ва цивилизация ўртасидаги чегара, илк цивилизацияларнинг шаклланиши муаммоси тўлиқ ўрганилган масала эмас. Бу масалада тарихчиларнинг бир қарорга келишлари ҳам анча қийин кечиши ҳам табиий ҳол. Негаки, ҳозиргача олимлар цивилизация тушунчаси ва унинг асосий белгилари хусусида бир фикрга келмаган бўлсалар, бу масала Ўрта Осиё ҳудуди миносида янада қийинроқ кечади. Ўрта Осиё маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи халқлар маданиятининг қоришуви кечган ҳудудлар

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. 134-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 134-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар. 136-бет.

<sup>4</sup> Ўша асар. 137-бет.

қаторига киради. Бир иқтисодий минтақада икки хил маданият, инсонларнинг икки хил яшаш тарзи, бу халқлар ўртасидаги доимий маданий таъсирлар натижасида шаклланган илк цивилизациянинг пайдо бўлиши, етилиши, ривожланиши ва инқироzi жараёнларини ўрганиш тадқиқотчилардан юксак интеллектуалликни, халқлар яратган моддий маданият тарихини чуқур ўрганиш, уларни таққослаш натижасида ретроспектив услубда хулосалар чиқаришни талаб қилади.

Илк цивилизацияларнинг шаклланиши инсоният томонидан қилинган энг йирик тарихий янгилик бўлиб, урбанизация жараёнларининг бошланиши билан изоҳланади. Дунёда халқлар кўп, миллатлар кўп, аммо ўз тарихларида цивилизация яратган халқлар бармоқ билан санарлик даражада кам. Ўзбек халқи, ўзбек халқининг қадимги аجدодлари илк цивилизация яратган халқлар қаторига киради. Президент И. А. Каримов 2009 йил 25 август куни Термиз шаҳрида бўлиб, Термиз давлат университети янги биносининг очилиши тантаналарида қатнашди. Тарих факультети аудиторияларини ва уларда намоёиш этилган Қадимги Бактрия археологияси дурдоналарини кўздан кечиран экан, Қадимги Бактрия давлати тарихига жуда катта эътибор бериш кераклиги, Қадимги Бактриянинг Марказий Осиё халқлари маданий тараққиётида ниҳоятда катта роль ўйнаганлиги, ўзбек давлатчилиги тарихининг энг қадимги даврларини Бактрия билан боғлаш зарурлигини таъкидладилар.

Бактрия ҳудудида жойлашган кўплаб археологик ёдгорликларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, бронза даврига оид Сополли, Жаркўтон, Бўстон, Тиллабулоқ, Даштли каби ёдгорликларда олиб борилган ишлар натижасида илк шаҳар ва давлатчиликка асос солинганлиги исботланмоқда<sup>5</sup>. Шубҳасиз, бу манбалар Ўрта Осиёнинг жанубий

---

<sup>5</sup> Аскарлов А. А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. – Самарканд, 1993. –162 с; Сарианиди В. И. Древ-

минтақаларини илк цивилизациялар шаклланган минтақалар каторига қўшади.

Мазкур тадқиқот ишида бронза даврида Бактрия-Марғиёна ҳудудларида шаклланган, фанга “Окс цивилизацияси” номи билан кириб келган, Марказий Осиё халқларининг маданий ривожланишида “бешик” вазифасини бажарган ушбу цивилизация Қадимги Ҳиндистон, Қадимги Эрон цивилизациялари моддий маданиятлари билан таққосланади. Окс цивилизациясининг анъаналари, шаклланишидаги инновацион жараёнлар кўрсатиб берилади.

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида бронза даврида Ўрта Осиёнинг жануби, Шимолӣ Эрон ва Афғонистон ҳудудида бошқа цивилизация моддий маданиятлариға ўхшамайдиган янги марказ кашф этилди<sup>6</sup>.

---

ние земледельцы Афганистана. – М.: 1977; Сағдуллаев А. С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент. Фан, 1987; *Avanesova N. A. Spätbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flusoase nach den Befunden der Nikropole Bustan 6* // АМИТ 29, 1997. – Р. 147-178. Қузьмина Е. Е. Бактрийский мираж и археологическая действительность // ВДИ. – М.: 1978. – № 2. – С. 12-21; Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Т. ф. д. дисс. автореферати. ЎЗР ФА Археология институти. – Самарқанд, 2009. – 47 б; [www.tilla-bulak.de](http://www.tilla-bulak.de); [www.arxeologiya.uz](http://www.arxeologiya.uz)

<sup>6</sup> Массон В. М. Алтындепе. Ашгабад, 1982; Аванесова Н. А., Ташпулатова Н. Символика огня в погребальной культуры // ИМКУ 30, 1999. – С. 27-36; Аскарлов А. А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент, Фан, 1977; Аскарлов А. А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. – Самарканд, 1993. – 162 с; Сарияниди В. И. Древние земледельцы Афганистана. – М.: 1977; Аскарлов А. А., Альбаум Л. И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент, Фан. 1979; Сарияниди В. И. Раскопки Тилля-тепе в северном Афганистане. – Вып. I. – М.: 1972; Сағдуллаев А. С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент. Фан, 1987; Қузьмина Е. Е. Бактрийский мираж и археологическая действительность // ВДИ. – М.: 1978. – № 2. – С. 12-21. Дьяконов М. М. Сложение классового общества в северной Бактрии // СА. Вып. 19, 1954. – С. 130-138; Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 1959. – № 73;


Жанубий Туркменистонда Номозгоҳ, Шимолий Афғонистонда Даштли, Жанубий Ўзбекистон ва Жанубий Тожикистонда Сополли маданиятининг ўрганилиши Ўрта Осиё археология фанидаги энг катта фан кашфиётларидан бири бўлиб, Амударёнинг юқори оқими хавзаси бронза даври тўғрисида жуда катта илмий маълумотлар тўпланди<sup>7</sup>. В. И. Сарианиди сўнгги йилларда чоп қилган мақола ва китобларида бу маданиятларни умумлашган ном билан, Бактрия – Марғиёна археологик комплекси (БМАК) деб атади ва бу атама кўпчилик тадқиқотчилар томонидан қабул қилинмоқда<sup>8</sup>.

Ушбу маданиятларнинг моддий манбалари илмий адабиётларда тўлиқ ёритилгандан сўнг чет эллик археологлар бу маданиятларга нисбатан цивилизация иборасини қўллай бошлашди. Америкалик профессор К. Ламберг-Карловский биринчи бўлиб “Окс цивилизацияси”, италиялик профессор М Тоси ва ўзбек археологи Т. Ш. Ширинов ўз асарларида “Турон цивилизацияси” ибораларини ишлатишмоқда<sup>9</sup>. Ундан ташқари адабиётларда “Ўрта Осиё цивилизацияси”, “Жанубий Ўзбекистон цивилизацияси”, “Бактрия цивилизацияси” каби атамалар ҳам қўлланилмоқда. Гап унинг қандай номланишида эмас, аммо шу масалада тадқиқотчилар бир фикрга келсалар маъқул бўлган бўлар эди. Асосий гап ҳар бир цивилизациянинг инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасидан иборатдир. Шу маънода биз

<sup>7</sup> *Массон В. М.* Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА 73, Ленинград, 1959; *Сарианиди В. И.* Древние земледельцы Афганистана. М., 1977; *Аскаров А. А.* Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977.

<sup>8</sup> *Сарианиди В. И.* Некрополь Гонура и иранское язычество. Москва, 2001; *Кузмина Е. Е.* Откуда пришли Индоарии? М., 1994; *Аванесова Н. А.* Новые материалы эпохи бронзы Зарафшанской долины // Археологические исследования в Узбекистане 2001 год. Самарканд, 2002.

<sup>9</sup> *Lamberg-Korlovsky C. C.* The Bronze Age khanates of Central Asia. Antiquity 68, 1994, 398-405; *Аскаров А. А., Ширинов Т. Ш.* Ранняя городская культура эпохи бронзы Юга Средней Азии. Самарканд, 1993.



1 расм. Бронза даври ёдгорликлари.

ҳам аجدодларимиз томонидан бронза даврида яратилган ва ривожлантирилган жамиятни “Окс цивилизацияси” деб аташни маъқул топдик. Биринчидан, шу ибора жаҳон тарихчилари томонидан жуда эркин қабул қилинаётганлигини эътироф этишимиз керак. Иккинчидан, “Окс” Амударёнинг энг қадимги, Европада, таъбир жоиз бўлса бутун жаҳонда кенг тарқалган қадимги номларидан бири. Учинчидан, Нил дарёси Миср цивилизациясининг “онаси” деган таърифни олган бўлса, Окс ҳам Бақтрия ва Марғиёна халқларининг шаклланиши ва ривожланишида Марказий Осиё халқлари маданий тараққиётида бешик ролини бажарган деб атасак хато бўлмайди.

Назариётчи ва урбанист олимлар цивилизациянинг таърифи тўғрисида гап кетганда унинг энг асосий белгиси сифатида ёзувнинг мавжудлигини эътироф этишади<sup>10</sup>. Инсоният тарихида ҳарфга асосланган ёзувга мил. авв. II минг йиллик сўнггида финикияликлар асос солган. Шу ёзув асосида оромий, юнон алфавитлари пайдо бўлган<sup>11</sup>. Ўрта Осиёда араб ёзувига қадар юнон, хитой, оромий ёзуви ва оромий ёзув асосида пайдо бўлган қадимги бохтарий, хоразмий, сўғдий ёзувлари бўлганлиги эътироф этилади<sup>12</sup>.

Цивилизациянинг асосий белгиси сифатида эътироф этилаётган ёзувнинг пайдо бўлиши муаммоси Ўрта Осиё, қолаверса Ўзбекистон тарихида алоҳида мавзу сифатида ўрганилган эмас. Негаки яқин-яқингача бу мавзу бўйича деярли манбалар йўқ эди. Маълумки, Қадимги Хоразмда жойлашган Катта Ойбуйир қалъа ёдгорлигидан топилган, мил. авв. VI – V асрларга оид хумда битилган қисқа оромий ёзуви энг қадимги ёзув

<sup>10</sup> *Toynbee A. J. A Study of History. Vol. I-X, London 1934-1954.*

<sup>11</sup> *Ртвеладзе Э. В, Саидов А. Х, Абдуллаев Е. В.* Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана... – С. 61.

<sup>12</sup> *Ртвеладзе Э. В, Саидов А. Х, Абдуллаев Е. В.* Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана... – С. 89-124.

ҳисобланади<sup>13</sup>. Хоразмдаги Қўйқирилганқалъа, Бактриядан топилган Амударё ҳазинасидан ҳам оромий ёзувида битилган хатлар топилган<sup>14</sup>. Мавжуд манбалар асосида тадқиқотчилар Ўрта Осиёда тарқалган энг қадимги ёзув оромий ёзуви деб эътироф этиб келинди.

Сўнгги йилларда Жанубий Туркменистон, Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудларида жойлашган бронза даврига оид бир қатор, илгари фанга номаълум бўлган археологик маданиятларнинг ўрганилиши натижасида Ўрта Осиёда ёзувнинг шаклланиши бўйича янги манбалар тўпланди. Бу манбалар бизга янги муаммони, Ўрта Осиёда ёзувнинг шаклланиши масаласини кўтаришга имкон беради.

В. И. Сарияниди Шимолий Афғонистон ҳудудида жойлашган Даштли ёдгорлигида тадқиқотлар олиб бориб сополлар сиртида турли хил шаклдаги белгилар чизилганлигини аниқлаган ва чоп этган<sup>15</sup>. Аммо тасвирланган белгиларни ёзув сифатида эътироф этмайди.

Худди шунга ўхшаш белгилар А. А. Асқаров томонидан Сополлитепа ёдгорлигида ҳам кузатилган<sup>16</sup>. Сополлитепа тадқиқотларига бағишланган “Сапаллитепа” китобида А. А. Асқаров бу белгиларни бир жадвалга жамлаб чоп этган, аммо ёзув сифатида мулоҳазалар юритмаган. Академик А. А. Асқаров 2001 йилда “Мозийдан садо” журналида чоп этилган “Энг қадимий шаҳар” деб номланган илмий-оммабоп мақоласида

---

<sup>13</sup> Мамбетуллаев М. Хум с городище Айбуйир-кала с древнейшей надписью в Средней Азии // Вестник Каракалпакского филиала АН Уз ССР. 1979. №1. – С. 46 – 48.

<sup>14</sup> Зеймаль Е. В. Амударьинский клад. Каталог выставки. – Л.: 1979. – С. 17.

<sup>15</sup> Сарияниди В. И. Бактрия в эпоху бронзы // СА. 4. 1974; Сарияниди В. И. Древние земледельцы Афганистана. М., 1977. – С. 83; Сарияниди В. И. Исследования памятников Дашлинского оазиса. Древняя Бактрия. Материалы 1969 – 1973 гг. М., «Наука», 1976. – С. 38.

<sup>16</sup> Асқаров А. А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973. – С. 43.

ва кейинги йилларда чоп қилинган асарларида Сополлитепа белгиларига яна қайтади ва бу белгиларнинг пиктографик ёзув эканлигини эътироф этади<sup>17</sup>.

Сополларга битилган шу сингари белгилар В. М. Массон томонидан Жанубий Туркманистоннинг Олтинтепа<sup>18</sup>, И. Н. Хлопин томонидан Сумбар<sup>19</sup>, В. И. Сарияниди Мурғоб воҳасида жойлашган Тўғолоқ, Гонур<sup>20</sup> каби бир қатор ёдгорликларда қайд этилган.

Ўрта Осиёнинг бронза даври ёдгорликларида қайд этилган ушбу белгиларнинг пиктографик характерга эга эканлигини Ш. Б. Шайдуллаев ўз асарларида ёритган<sup>21</sup>. Тадқиқотчи Жарқўтон ёдгорлиги сополларида битилган 52 типда ифодаланган белгиларни ўрганган, Эрон ҳудудида жойлашган Шахдод ёдгорлиги пиктографик белгилари билан таққослаган ва ишонч билан пиктографик белгили ёзув сифатида эътироф этган.

---

<sup>17</sup> *Асқаров Аҳмадали*. Энг қадимий шаҳар. Тошкент, 2001. 37 б. ; *Асқаров А. А.* Сополли маданияти пиктографик ёзув белгиларини ўқишдаги дастлабки изланишлар//Марказий Осиё тарихининг манбашунослиги ва тарихнавислиги масалалари/ Республика V илмий-назарий конференцияси материаллари. 5-илмий тўплам. 2-қисм [Тошкент давлат шарқшунослик институти; маъсул муҳаррир *М. М. Исҳоқов*]. – Т.: 2013. 12 – 38-бетлар.

<sup>18</sup> *Массон В. М.* Алтын- дёпе. Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. Л., 1981; *Массон В. М.* Джейтун и Карадөпе. СА, №1, 1957; *Массон В. М.* Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА СССР, №37, М-Л., 1959; *Массон В. М.* Изучение энеолита и бронзового века Средней Азии. СА, №4. 1957; *Массон В. М.* Первые цивилизации. Л., 1989.

<sup>19</sup> *Хлопин И. Н.* Образ быка у первобытных земледельцев Средней Азии. Древний Восток и мировая культура. М., 1981; *Хлопин И. Н.* Юга-западная Туркмения в эпоху поздней бронзы. Л., 1983.

<sup>20</sup> *Сарияниди В. И.* Культовые здания поселений анауской культуры. СА, 1962, №1; *Сарияниди В. И.* Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. Ашгабат, 2002; *Сарияниди В. И.* Сельский храм Тоголок I в Маргиане. ВДИ. 1990, №2. С. 10-13.

<sup>21</sup> *Шайдуллаев. Ш. Б.* Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари... 37 бет.

В. М. Массон Бактрия ва Марғиёнада бронза даврида Хараппа маданияти туридаги муҳрлар ва уларда битилган ёзувларнинг тарқалганлигини қайд этган. У Олтинтепа ёдгорлигидан топилган Хараппа маданиятига хос муҳрнинг топилишини асос қилиб, Ўрта Осиёликлар ҳам Хараппа ёзувини ўқий олган ва унинг аҳолиси дравид тилида гаплашган деб ҳисоблайди<sup>22</sup>.

Мил. авв. III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида иқтисодий юксалиш сезилади, ёдгорликларнинг ҳудудий кенгайиши кузатилади, жамоа таркиби мураккаблашиб боради. Протоэлам ёзувидан фарқ қиладиган ёзув усули шаклланади. Бу ёзув усули Эроннинг Шаҳдод, Жанубий Туркменистон, Шимолий Афғонистон, Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида тарқалган, сополларга битилган белгили ёзувдан иборатдир. Фанда бу белгилар кулолларнинг уста тамғаси деб ҳам аталиб келинди, аммо Жарқўтон ва Шаҳдодда олиб борилган изланишлар натижасида ушбу белгиларнинг пиктографик ёзув эканлиги асослаб берилди<sup>23</sup>.

Бизнинг фикримизча, илк шаҳарлар, шаҳарлар билан бир тарихий жараёнда вужудга келадиган илк давлатлар бошланғич ёзув усули, яъни инсон ўз фикрини ифода этишисиз давлатнинг ҳам вужудга келиши мумкин эмас. Бойликнинг ошиши санокқа, хўжаликни бошқариш жараёнининг мураккаблаши-

---

<sup>22</sup> Массон В. М. Печати протоиндийского типа из Алтын-депе (К проблеме этнической атрибуции культур расписной керамики Ближнего Востока). ВДИ, №4. 1977. — С. 184; Массон В. М. Основные направления культурно-исторического процесса. Становление производства в эпоху энеолита и бронзы. М., 1981; Массон В. М. Первые цивилизации. Л., 1989; Массон В. М. Формирование раннеклассовых обществ и вопросы типологии древних цивилизаций. Древний Восток и античный мир. М., 1980.

<sup>23</sup> Чориев З. У, Ш. Шайдуллаев Ш, Аннаев Т. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. Т., 2005; Hakemi Ali. Sahdad. Roma, 1977.

ши ҳа ёзувга эҳтиёж туғдирган<sup>24</sup>.

Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши хусусида Сополли маданияти ёдгорликларидан кўплаб янги маълумотлар тушланди<sup>25</sup>. Зеро, Сополли маданиятини Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги цивилизация ўчоғи деб эътироф этилаётими<sup>26</sup>, демак Сополли маданиятининг ёзуви тўғрисида ҳам мавжуд манбалар асосида фикр юритиш лозим бўлади.

Сополли маданияти пиктографик белги-ёзувларининг Жанубий Туркменистон, Эронда тарқалган пиктографик ёзувлар билан бир хиллилиги ёки ўхшашлиги ўша халқлар билан жуда яқин маданий алоқада бўлганлигидан далолат беради.

Агар ёзувни цивилизациянинг асосий белгиси эканлигини тан олсак Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Туркменистон, Шимолий Афғонистон ҳудудларида мил. авв. III минг йиллик охири ва II минг йилликда ўзига хос протоэламга хос бўлмаган Окс цивилизацияси ёзувининг тарқалганлигини кузатамиз<sup>27</sup>.

Бақтрия тарихи бўйича кўплаб ғоялар муаллифи П. Амье ҳам шу фикрни таъкидлайди, унинг фикрига қараганда “Ташқи Эрон” ҳудудида бошқа цивилизацияларга ўхшамайдиган, ўзига хос жамоа шаклланган. Бу ҳудуд халқлари яратган моддий маданият ашёлари ниҳоятда бир-бирига ўхшашлиги билан изоҳланади. Бу цивилизация вакиллари доимий равишда

<sup>24</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари... 38-бет.

<sup>25</sup> Чориев З. У, Ш. Шайдуллаев Ш, Аннаев Т. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. Т., 2005.

<sup>26</sup> Аскарлов А. А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977; Аскарлов А. А, Широков Т. Ш. Ранняя городская культура на юге Средней Азии. Самарканд, 1993.

<sup>27</sup> Sarianidi V. Margiana and Protozoroastrism. Athens, 1998; Sarianidi V. I. Seal-Amulets of the Murgab Style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. Recent Soviet Discoveries. Ed. by Kohl P. L., New York, 1981; Sarianidi V. Amiet P. L'age des echanges inter-iraniens 3500 – 3700 avant J. – C. Paris, 1986. Информационный бюллетень МАИКЦА Вып. 14, М., 1988.

бир-бири билан яқин маданий ва этник алоқада бўлган<sup>28</sup>.

В. И. Сарияниди Тўғолоқ 1, Тўғолоқ 21 ва Гонур ёдгорликларида сўнгги ўн йилликлар давомида ниҳоятда катта фан янгиликларини қўлга киритганлигини айтиб ўтишимиз, қилинган янгиликларнинг бир йўналиши ёзув соҳасида бўлганлигини эътироф этишимиз керак. 2001 йил Гонур ёдгорлигидан цилиндр шакли муҳр топилган бўлиб, унда ҳарфга асосланган миҳсимон ёзув ифодаланган<sup>29</sup>. Ушбу ёзувни АҚШнинг Филадельфия шаҳрида жойлашган Пенсильвания университети профессори Т. Шарлач ўқишга муяссар бўлди. Т. Шарлачнинг фикрига кўра Маргуш муҳри Саргон муҳрларини эслатади, аниқроғи Нарам-Син ёки ундан кейинги ҳукмдорлар даврига, милoddан аввалги 2250 – 2200 йилларга тўғри келади. Албатта, Месопотамияликлар Маргуш ёки Бактрияни ишғол қилганлиги тўғрисида тарихда ҳеч бир хабарлар учрамайди, аммо маданий ёки савдо алоқалари бўлганлигини Маргуш муҳри ҳам тасдиқлайди.

Т. Шарлач Маргуш муҳрини ҳукмдорларга тегишли эканлигини баён этади ва унда ифодаланган ёзув икки қатордан иборат бўлиб, юқори қатори ўқишга яроқсиз ҳолатгача емирилиб, ўчиб кетган. Пастки қаторда муҳр эгасининг исми ва касби “[L] u'-КА-х [s]agi arad-z[u]” шаклида ифодаланган бўлиб, “**Лукакс, коса** ва хизматкорлар ҳукмдори” маъносини англатади<sup>30</sup>. Т. Шарлачнинг фикри бўйича бу вазифа сарой ёки ибодатхона аъёнларига, вакилларига тегишли бўлиб, Лукакс қурбонликларни қабул қилувчи мансабида бўлган.

---

<sup>28</sup> *Amiet P.* Elam and Baktria. Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. Roma-Venezia, 1989; *Amiet P.* Glyptique Susienne. Des origines a L'epoque des perses Achemenides (MDAI, t. XLIII). Paris, 1972; *Amiet P.* L'age des echanges inter-iraniens 3500 – 1700 avant. P., 1986.

<sup>29</sup> *Сарияниди В. И.* Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб... 2002. – С 330.

<sup>30</sup> *Сарияниди В. И.* Маргуш. – С 331.

В. И. Сариянидининг хулосасига кўра ушбу муҳр Туркманистонга хос бўлган гипс таркибли малла рангли юмшоқ мармар тошдан ясалган. Туркменистонлик геологларнинг хулосасига кўра шу таркибли муҳрлар Жанубий Туркменистонда кенг тарқалган.

Келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, фикрлар қарама-қаршилиги мавжуд, ушбу топилмани В. И. Сарияниди ясалган ашёсига нисбатан маҳаллий Маргуш муҳри деб аташни истаса, ундаги ифода Месопотамияга оидлигини кўрсатмоқда, демак ёзув ифодаланган муҳрларнинг топилишига қадар Ўрта Осиёда бронза даврида миҳсимон ҳарфли ёзувнинг мавжуд бўлганлиги муаммоси очик қолади.

Ўрта Осиёда ёзувнинг шаклланиши бўйича қилинган илмий ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Қадимги Шарқ шаҳарларининг таъсирида Бақтрия ва Марғиёна ҳудудларида мил. авв. III минг йиллик охири ва II минг йилликда ўзига хос протозламга хос бўлмаган “Окс цивилизация”си ҳукм сурган ва бу цивилизация вакиллариининг пиктографик ёзув услуби мавжуд бўлган.

Биз мазкур ишда Ўрта Осиё ҳудудида илк цивилизациянинг пайдо бўлиши, етилиши, ривожланишини археологик манбалар асосида кўрсатиб беришни мақсад қилдик. Марказий Осиё халқлари маданий ҳаётида урбанистик тараққиёт йўлини бошлаб берган Окс цивилизациясининг ёзув тизимини ўрганиш, Қадимги Шарқ пиктографик ёзувлари билан таққослаш натижасида ушбу ёзувнинг хусусиятларини кўрсатиш ва тегишли хулосалар чиқаришдан иборат.

Монографиянинг вазифаси этиб қуйидагилар белгиланди:

– Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида бронза даврида тарқалган, археология фанида Сополли, Номозгоҳ каби номлар билан аталаётган маданиятларга нисбатан цивилизация нуқтаи назардан қараш тушунчасини шакллантириш;

– “Окс цивилизацияси” тушунчасини Ўзбекистон тарихи фанига олиб кириш, унинг пайдо бўлиш, етилиш, ривожланиш, инқирози ва ҳалокати жараёнларини очиб бериш;

– Илк цивилизациянинг асосий белгиси бўлган ёзувнинг пайдо бўлиш ва тараққиёти жараёнларини кўрсатиб бериш;

– аниқланган пиктографик ёзув тизимини Қадимги Шарқ маданиятлари марказлари ёзувлари билан таққослаш.

Мазкур монографиянинг ёзилишида яқиндан ёрдам берган, илмий йўналиш кўрсатган, шахсий архив манбаларидан, илмий картотекасидан фойдаланишга рухсат берган тарих фанлари доктори, Термиз давлат университети профессори Шопўлат Бозорович Шайдуллаевга ўз миннатдорлигимизни билдира-миз.

# І БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ЦИВИЛИЗАЦИОН ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

## 1. 1. Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда цивилизацияон қарашлар

Маълумки, тарихни даврлаштиришнинг турли хил усуллари мавжуд бўлиб, булар археологик, хронологик, сулолавий, формацион ва албатта, цивилизацияон ёндашишлардир. Тарихни даврлаштиришда бу усулларнинг ўзига хос камчилликлари ҳам бор. Ўрта Осиё халқлари тарихи биринчи марта академик В. В. Бартольд томонидан даврлаштирилган. Қадимги даврлар тарихи “Мусулмончиликкача бўлган давр”, “Мўғулларгача бўлган давр” “Мўғуллар даври”, “Темурийлар даври” каби даврлаштирилган<sup>31</sup>. В. В. Бартольднинг Ўрта Осиё халқлари тарихини даврлаштиришдаги ушбу қарашлари мавжуд ёзма манбаларга асосланган эди, ундан кейинги йилларда олиб қилинган тадқиқотлар натижасида бу даврлаштириш мақбул эмаслиги аниқланган<sup>32</sup>. Бу борада В. В. Струве Қадимги Шарқ манбаларига асосланган ҳолда Ўрта Осиёда мусулмон давригача ҳам “қулдорлик бўлганлигини асослаб берган”<sup>33</sup>.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги тарихини даврлаштиришда С. П. Толстовнинг хизматларини ҳам эслаб ўтиш керак. У ҳам мусулмончиликкача бўлган даврларда бу ўлкада “қулдорлик бўлганлигини эътироф этади”<sup>34</sup>. Ўрта Осиё Республи-

<sup>31</sup> Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. — Л.: 1927. — С. 3.

<sup>32</sup> Асқаров А. А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. — Тошкент, 2007. 15 — 24-бетлар.

<sup>33</sup> Струве В. В. Проблемы зарождения, развития и упадка рабовладельческих обществ древнего Востока // «Известия ГАИМК». Вып. 77. — М. — Л. 1934. — С. 23 — 34.

<sup>34</sup> Толстов С. П. Основные вопросы древнейшей истории Средней Азии // ВДИ, № 1. — М.: 1938. — С. 3 — 21.

каларининг қадимги даврлари тарихини даврлаштириш масаласи 1948 йилда Ленинградда ўтказилган пленум<sup>35</sup> ва 1954 йилда Тошкентда бўлиб ўтган сессияда атрофлича муҳокама этилган<sup>36</sup>. Шўролар даври тарих фанида кишилиқ жамияти тарихини бешта ижтимоий-иқтисодий формацияга бўлиб ўрганиш анъанага айланган<sup>37</sup>. Биз ўқиётган ва ўрганаётган Ўзбекистон тарихи фани ҳам асосан формацион ёндашув асосида даврлаштирилиб келинган. Маълумки, тарихни беш босқичли формация асосида даврлаштиришнинг ижодкорлари ишлаб чиққан усул Европа халқлари тарихи учун ёзилганлигини, Осиё халқлари тарихи учун мос келмаслигини гоё муаллифларининг ўзлари ҳам таъкидлашган<sup>38</sup>. Ривожланишнинг бир текисда кечмаслиги натижасида Осиёда капитализмнинг бўлмаганлиги марксистларга “осиёча ишлаб чиқариш усули”ни, ленинизмчиларга “капитализмни четлаб, сакраб ўтиш” назариясининг пайдо бўлишига олиб келган<sup>39</sup>. Демак, тарихни формацион даврлаштириш Осиё, жумладан Ўрта Осиё халқлари тарихи учун мос келмаслиги гоёнинг туғилган давридан бошлаб маълум бўлган.

Ўзбекистон тарихини сулолалар асосида даврлаштириш ҳам тарихимизни ёрқинроқ ўрганиш учун асос бўлиши мумкин. Ўзбекистон тарихи хронологиясига, давлат бошқаруви тизимига эътибор берсак, жуда катта даврларда сулолалар ва уларнинг алмашинуви жараёнини кузатиш мумкин. Аммо, Аҳамонийлар давригача ёки янги ва энг янги даврлар тарихини ўрганишда мазкур ёндашиш услубий жиҳатдан тўғри келмаслиги мумкин, шу маънода сулолавий даврлаштириш усули тарихнинг барча хронологик даврларини камраб ололмайди деган фикрдамиз.

<sup>35</sup> Материалы пленума // КСИИМКА, XXVIII. 1948. – С. 8 – 28.

<sup>36</sup> Материалы объединённой сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в до октябрьский период. Ташкент, 1955.

<sup>37</sup> История Узбекской ССР. Том 1. – Ташкент, 1967. – С. 15.

<sup>38</sup> Васильев А. С. История Востока. Том 1. – М.: 2003. – 512 с.

<sup>39</sup> Васильев А. С. История Востока... – С. 26-36.

Фикримизча, тарихни даврлаштиришнинг энг мақбул вариантларидан бири унга цивилизацияон ёндашишдир. Цивилизацияон ёндашиш, яъни урбанизация йўналиши бўйича жаҳон тарихида ниҳоятда катта ишлар қилинмоқда. Таниқли археолог ва урбанист олим К. Ренфрью цивилизацияга илмий таъриф бериб, жамиятнинг маданий ривожланган босқичи бўлиб, жамият синфий табақалашган ва давлатчилик шаклланган бўлиши керак деб ҳисоблайди<sup>40</sup>.

Ўтган асрнинг 50-йилларида Г. Чайлд Қадимги Шарқ ва Европа цивилизацияларининг хусусиятларини очиб берди<sup>41</sup>.

| Г. Чайлднинг қарашлари бўйича Сополли маданиятида илк цивилизация белгиларининг мавжудлиги |                                                                                      |                                      |                                                               |
|--------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------|---------------------------------------------------------------|
| Олимнинг 1958 йилгача бўлган қарашлари бўйича илк цивилизация белгилари                    | Жарқўтон ёдгорлигида илк цивилизация белгиларининг кузатилиши                        | 1958 йилдан кейинги қарашлари бўйича | Жарқўтон ёдгорлигида илк цивилизация белгиларининг кузатилиши |
| Давлатларнинг шаклланиши                                                                   | Сарой ва ибодатхонанинг, бошқарувнинг мавжудлиги                                     | Илк шаҳарлар                         | Жарқўтон шаҳар-давлати                                        |
| Синфий муносабатлар                                                                        | Монументал ва оддий меъморчилик биноларининг, бой ва камбағал қабрларнинг мавжудлиги |                                      |                                                               |
| Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши                                                              | Ривожланган хунармандчилик, савдо, идеологик марказга айланиши                       |                                      |                                                               |

<sup>40</sup> Renfrew C. The emergence of civilization: The Cuclades and the Aegean in the third millennium B. C. – London, 1972. – P. 213.

<sup>41</sup> Чайлд Г. У истоков европейской цивилизации. ИИЛ, М., 1952; Childe V. G. The urban revolution // Towh planning Review. Vol. 21. 1950. – P. 9 – 16; Чайлд Г. Древнейший Восток в свете новых роскопок. ИИЛ, М., 1956.

|                                                                    |                                                                                                                                |                           |                                                                    |
|--------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------|--------------------------------------------------------------------|
| Солиқ тизими                                                       | ?                                                                                                                              |                           |                                                                    |
| Ривожланган савдо                                                  | Жарқўтондан Ҳа<br>раппа, Элам, Сурин,<br>Хетит, Андроний<br>маданиятларининг<br>моддий маданияти<br>намуналарининг<br>топилиши | Ёзув                      | Пиктографик<br>белгилар,<br>ашёвий ёзув<br>тизими                  |
| Ривожланган<br>хунармандчилик                                      | Меъморчилик,<br>кулолчилик,<br>металлсозлик,<br>заргарлик                                                                      |                           |                                                                    |
| Ёзув                                                               | Пиктографик белгилар,<br>ашёвий ёзув                                                                                           |                           |                                                                    |
| Ерга эгалик<br>килишнинг авлод-<br>лардан аждодларга<br>ўтиш шакли | Сунбий суғориш<br>асосидаги<br>деҳқончилик                                                                                     | Монументал<br>меъморчилик | Жарқўтон олов<br>ибодатхонаси,<br>саройи,<br>мудофиа<br>иншоотлари |
| Монументал бино                                                    | Ибодатхона, сарой,<br>мудофаа иншоотлари                                                                                       |                           |                                                                    |
| Фан ва санъат<br>белгиларининг<br>шаклланиши                       | Геометрик ўлчов<br>бирликлари, симмет-<br>рия, лабиринт,<br>хайкалтарошлик                                                     |                           |                                                                    |

Чикаго конференцияси хулосасига кўра (1958 йил) Сополли маданиятида илк цивилизация белгиларининг мавжудлиги

|    |                                                                 |                                                                                      |
|----|-----------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|
|    | Чикаго конференциясида қабул қилинган илк цивилизация белгилари | Илк цивилизация белгиларининг Жарқўтонда ифодаланиши                                 |
| 1. | Давлатларнинг шаклланиши                                        | Жарқўтон шаҳар-давлати                                                               |
| 2. | Ёзувнинг шаклланиши                                             | Пиктографик белгилар ва ашёвий ёзув тизими                                           |
| 3. | Деҳқончиликнинг хунармандчиликдан ажралиши                      | Жарқўтонда хунармандлар кварталларининг шаклланиши                                   |
| 4. | Синфий жамиятнинг шаклланиши                                    | Монументал ва оддий меъморчилик биноларининг, бой ва камбағал қабрларнинг мавжудлиги |
| 5. | Шаҳарларнинг пайдо бўлиши                                       | Жарқўтоннинг ривожланган хунармандчилик, савдо, идеологик марказга айланиши          |

Бир қатор урбанист олимлар, жумладан Р. Мак Адамс<sup>42</sup>, В. Фейрсервис<sup>43</sup>, К. Фланнерлар<sup>44</sup> Қадимги Шарқ цивилизациясининг хусусиятларини, инсоният тарихининг маданий ривожланишидаги ўрнини, бошқа цивилизацияларнинг тараққиётидаги ролларини ўргандилар.

Жамият тараққиётида цивилизацион қарашларнинг шаклланиши ва такомиллашуви жараёнини ўрганишда инглиз олими А. Тойнбининг ҳиссаси катта эканлигини эътироф этиш керак<sup>45</sup>. У ер юзида инсоният 26 та цивилизацияни бошидан ўтказганлигини таъкидлайди<sup>46</sup>. Қуйида Арнольд Тойнбининг инсоният ривожланишидаги цивилизацион қарашларини келтирамыз.

| №   | Жамият ривожланишининг цивилизацион босқичлари | Цивилизациялар                  |
|-----|------------------------------------------------|---------------------------------|
| I.  | Ибтидоий жамият                                |                                 |
| II. | Илк цивилизациялар (Бирламчи цивилизация)      | Миср                            |
|     |                                                | Шумер                           |
|     |                                                | Хараппа                         |
|     |                                                | Миной                           |
|     |                                                | Қадимги Хитой (Шан) ва бошқалар |

<sup>42</sup> Adams R. Mc. History patterns of Mesopotamian irrigation agriculture // Irrigations impact on Society. – Tucson, 1974. – P. 345 – 357.

<sup>43</sup> Servis E. R. Privity social organisation. An evolutionary perspective. – Nev Vork, 1971. – P. 68-73.

<sup>44</sup> Flannery K. V. The cultural of civilization \ Annual Rewiew of ekology Sistematies, 1972. №3. – P. 21 – 34.

<sup>45</sup> Арнольд Жозеф Тойнби. Британия фанлар академиясининг аъзоси, Оксфорд, Лондон, Бирмингем, Принстон университетларининг профессори, Королева халқаро муносабатлар институтининг директори. Ўн томлик “Тарихий тадқиқотлар”, “A Stady of History” асарининг муаллифи.

<sup>46</sup> Тойнби А. Ж. Постигение истории. – М.: 1991; Сорокин П. А. Человек. Цивилизация. Общество. – М.

|      |                          |                                                                    |
|------|--------------------------|--------------------------------------------------------------------|
| III. | Иккиламчи цивилизациялар | Илдизи Шумер бўлган Бобил                                          |
|      |                          | Илдизи Хараппа бўлган Ҳинд                                         |
|      |                          | Илдизи Миной бўлган Сурия                                          |
|      |                          | Илдизи Миной бўлган Эллин                                          |
|      |                          | Илдизи Шан бўлган Хитой                                            |
| IV.  | Олий динлар              | Илдизи Бобил бўлган Иудаизм ва Зардуштийлик                        |
|      |                          | Илдизи Ҳиндистон бўлган Индуизм                                    |
|      |                          | Илдизи Сурия бўлган Ислом                                          |
|      |                          | Илдизи Эллин бўлган Христианлик                                    |
|      |                          | Илдизи Ҳиндистон бўлган Буддизм                                    |
| V.   | Учламчи цивилизациялар   | Илдизи Қадимги Ҳинд бўлган, буддизм таъсирида шаклланган Ҳинд      |
|      |                          | Илдизи Сурия бўлган, ислом таъсирида шаклланган Эрон               |
|      |                          | Илдизи Сурия бўлган, ислом таъсирида шаклланган Араб               |
|      |                          | Илдизи Эллин бўлган Христианлик таъсирида шаклланган Ғарбий Европа |
|      |                          | Илдизи Эллин бўлган Христианлик таъсирида шаклланган Шарқий Европа |
|      |                          | Илдизи Хитой бўлган, буддизм таъсирида шаклланган Узоқ Шарқ        |

Арнольд Тойнби ниҳоятда кучли жамиятшунос бўлганлиги боис, социалистик тузум ривожланиб, Совет Иттифоқи кучайган пайтда, яъни 1967 йилда чоп этилган монографиясида “XX асрнинг охирларига бориб “совет” ва “социалистик” деган сўзларнинг жамиятда ва жамият тараққиётида бирон-бир даражада алоҳида аҳамияти қолмайди” деб жар солган эди<sup>47</sup>. Бу фикрни у социалистик давлатларнинг энг ривожланган пайтида, социалистик давлатларнинг функциялари ва марксча-ленинча партияларнинг социалистик қурилишдаги раҳбарлик ролидан келиб чиқиб айтган эди.

<sup>47</sup> *Toynbee A. The impact of the Russian Revolution 1917 – 1967. – London, 1967. – p. 26.*

А. Тойнбининг цивилизацион даврлаштиришига эътибор берсангиз илк цивилизация босқичида келтирилган Қадимги Шарқнинг бешта ўчоғини тугалланган деб ҳисобламайди “ва бошқалар” ибораси билан яқунлаган. “Ва бошқалар” иборасида у археологлар томонидан янги кашф этилаётган цивилизацияларни инобатга олган, албатта.

Биз А. Тойнбининг ушбу хулосаси энг тўғри, шу даврлаштиришни қабул қилиш керак деган фикрдан йироқмиз. Фақат тарихни даврлаштиришда шу йўналишда қилинган энг мақбул иш деб кўрсатдик, холос.

Таъкидлаш жоизки, тарихни даврлаштиришда цивилизацион ёндашиш масаласи бўйича Ўзбекистон тарихида ҳам маълум бир ишлар қилинган. Бажарилган ишлар олинган бир давр ёки тарихий ҳудудлар бўйича амалга оширилган. Ўтган асрнинг 30 йилларидан бошлаб С. П. Толстов бошчилигидаги Хоразм археологик экспедицияси “Қадимги Хоразм цивилизацияси” ғоясини кўтариб чиқди. Қадимги Хоразм халқининг яратган бой моддий маданияти ва Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрнини кўрсатиб берди<sup>48</sup>.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ўрта асрлар даврида Ўрта Осиё мутафаккирларининг жаҳон халқларининг маданий, илмий ҳаётида тутган ўрнини инобатга олиб, жаҳон тарихида “мусулмон ренессанси даври” ғояси пайдо бўлди<sup>49</sup>. Бунда *Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Қашғарий, Аҳмад Юғнакий, Имом ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Аҳмад Яссавий* каби ўнлаб алломаларнинг

<sup>48</sup> Толстов С. П. Древний Хорезм. — М.: 1948. — С. 341; Толстов С. П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949 — 1953 гг. // Труды ХАЭЭ. Т. 2, М.: 1958. — С. 149-168.

<sup>49</sup> Мец А. Мусульманский ренессанс/ Перевод с немецкого Д. Е. Бертельса. М.: Наука, 1966; Смирнов Н. В. Мусульманский ренессанс. — М.: 1967.

умуминсоният тараққиётига қўшган тарихий ҳиссалари ёритилди, жаҳон халқи ва олимлари томонидан эътироф этилди.

Мустақиллик туфайли А. Темур ва темурийлар даври тарихига муносабат ўзгарди. Улар даврида яратилган техник тараққиёт ва моддий маданиятга, давлатчилик бошқаруви тарихида, айниқса меъморчиликда қилинган янгиликларга нисбатан “Темурийлар даври цивилизацияси” ёки “Самарқанд цивилизацияси” ибораси қўлланила бошланди.

Қадимги тарих, илк цивилизациялар борасида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Академик А. А. Асқаров кишилиқ тарихи ўз тараққиёт йўлида 5 марта йирик цивилизацияни бошидан кечирган деб ҳисоблайди:

1. Қадимги Шарқ тамаддуни.
2. Антик давр тамаддуни.
3. Мовароуннаҳр ва Хуросон тамаддуни.
4. XIV – XV аср бошларида Европа ва Осиёнинг умум уйғониш даври тамаддуни.
5. XX аср тамаддуни<sup>50</sup>.

Илк шаҳарларнинг шаклланиши мавзусида Т. Ш. Шириновнинг хизматларини таъкидлаб ўтган ҳолда, А. С. Сагдуллаевнинг Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида илк цивилизация ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши борасидаги хизматларини ҳам эътироф этиш зарур<sup>51</sup>. А. С. Сагдуллаев илк давлатларнинг ривожланишини қуйидаги давр ва типларга бўлиб ўрганган:

<sup>50</sup> Асқаров А. А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: 2007. – 18-19 бетлар.

<sup>51</sup> Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – М.: ИА АН России. 1993. – С. 42; Сагдуллаев А. С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – М.: МГУ. 1989. – С. 40; Шайдуллаев Ш. Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – Самарканд, ИА АН РУз. 2009.

1. Бронза даврига оид қадимги деҳқончилик ўлкаларида илк давлатчилик белгиларининг пайдо бўлиши.

2. Бронзадан илк темир даврига ўтишда (мил. авв. X – VIII асрлар) Арёшайана – кичик давлат бирлашмаларининг пайдо бўлиши.

3. Илк темир даврида (мил. авв. VII – IV асрлар) Қадимги Бақтрия типигаги – йирик давлат бирлашмаларининг пайдо бўлиш даври<sup>52</sup>.

Бу масалада 2001 йилда чоп этилган «Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар» китобида академик Э. В. Ртвеладзе Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги давлатларни бошқарилиш усулига қараб қуйидаги типларга бўлган:

1. Подшоҳлик, бошқарув усули – мутлақ монархия.

2. Конфедератив подшоҳлик, бошқарув усули – чегараланган монархия.

3. Ер эгалиги бошқарув усули – авлоддан авлодга ўтувчи шоҳлик<sup>53</sup>.

Айнан шу китобда Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари олти босқичга бўлинган<sup>54</sup>. А. С. Сағдуллаев ва Э. В. Ртвеладзе Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик тарихини сўнгги бронза давридан бошлайдилар ва мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида давлатчиликнинг илк куртаклари пайдо бўлган деб ҳисоблайди.

---

<sup>52</sup> Сағдуллаев А. С. Оседлые области на юге Средней Азии... – С. 40 – 41; Сағдуллаев А. С, Аминов Б, Мавлонов Ў, Норқулов Н, Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I-қисм. – Тошкент, Академия, 2000. Б. 22 – 31.

<sup>53</sup> Ртвеладзе Э. В, Саидов А.Х, Абдуллоев Е. В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент, Адолат, – 2001. – Б. 54 – 57.

<sup>54</sup> Ртвеладзе Э. В, Саидов А. Х, Абдуллаев Е. В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси... Б. 48 – 50.

Бронза ва илк темир даври бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган бошқа тадқиқотчилар, жумладан А. А. Асқаров ва Т. Ш. Ширинов – Жарқўтонда илк давлатчилигининг «Чифдом», «Карликовое государства», “ном” типигаги шаҳар-давлатлар каби кўринишлари бўлган деган хулосага келишган<sup>55</sup>.

Қадимги Шарқ илк давлатлари типологияси масаласида И. М. Дьяконов ва В. А. Якобсон тадқиқотлари диққатга сазовор. Улар илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидаги куйидаги учта босқични кўрсатиб берган:

1. Давлатларнинг энг қадимги формаси «шаҳар – давлатлар» ёки «ном».

2. Ҳудудий подшоҳликлар (ҳудудий давлатлар).

3. Йирик давлатлар – империялар<sup>56</sup>.

Ўзбекистон тарихи бўйича мутахассислар орасида назариётчи тарихчиларнинг камлиги сабабли илк давлатларнинг пайдо бўлиши масаласида ҳам ягона фикр йўқлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бизнингча бу борада Қадимги Шарқ тарихи учун яратилган илк давлатлар типологиясини такомиллаштирилган ҳолатда қабул қилиш керак, биринчидан биз эгаллаган ҳудуд Қадимги Шарқнинг ажралмас бир бўлаги бўлса, иккинчидан ушбу типология умум ривожланиш қондаси сифатида жаҳоннинг кўплаб ҳудудлари учун, жумладан Мезоамерика<sup>57</sup>, қадимги Рус давлатчилиги учун ҳам қабул қилинган<sup>58</sup>.

<sup>55</sup> А. А. Асқаров, Т. Ш. Ширинов. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии... – С. 85.

<sup>56</sup> Дьяконов И. М., Якобсон В. А. «Номовые государства», «территориальные царства», «полисы» и «империи». Проблемы типологии // ВДИ. – М.: – № 2, 1982. – С. 3 – 12.

<sup>57</sup> Гуляев В. И. Города государства Мая. (Структура и функции города в раннеклассовом обществе). – М.: 1979. – 219 с; Гуляев В. И. Типология древних государств: Месопотамия и Мезоамерика // Древние цивилизации Востока. Материалы II Советско-Американского симпозиума. – Ташкент, 1986. – С. 81 – 85.

<sup>58</sup> Илюшечкин В. П. Теория стадийного развития общества. – М.: 1996. – 296 с.

Давлатчиликнинг энг қадимги типи шаҳар-давлатлар Шумерда нисбатан яхши ўрганилган. Бу ерда шаҳар-давлатлар мил. авв. IV минг йилликнинг охирида пайдо бўлган ва III минг йиллик давомида ҳукм сурган. Улар унча катта бўлмаган ҳудудда, аниқроғи, бир жамоа эгаллаган ҳудудда ёки бир-бири билан узвий боғлиқ бир неча жамоа ҳудудларида ташкил топган. Аксарият ҳолларда шаҳар-давлатлар бирон-бир табиий чегара (тоғ, денгиз, чўл) билан чегараланган бўлган. Мана шундай аниқ чегараланган ҳудудга эга бўлган давлатлар «номлар» деб юритилган. Бундай шаҳар-давлат марказида шу ҳудуднинг бош «илоҳ»ига бағишлаб қурилган ибодатхона турган. Унинг атрофида маъмурият, озиқ-овқат, курул-яроғ омборлари, ҳунармандчилик устахоналари жойлашган. Уларнинг ҳаммаси ҳимояланиш мақсадида мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Шу тариқа, илк давлат маркази – шаҳар юзага келган. Шаҳар атрофларида эса бир неча қишлоқлар жойлашган бўлган. Улар сиёсий жамланган ҳолда илк давлатларнинг биринчи босқичи – шаҳар-давлатларни ташкил қилган<sup>59</sup>. Шумер ҳудудида 13 та мустақил шаҳар-давлатлар ҳукм сурганлиги аниқланган<sup>60</sup>.

Илк давлатлар ривожланишининг иккинчи – ҳудудий давлатлар босқичига тадқиқотчилар Қадимги Шарқдаги Хетт, Митанни, Ўрта Оссурия подшоҳликларини мисол қилиб кўрсатишади<sup>61</sup>. Бу подшоҳликлар «шаҳар- давлат»ларнинг ҳарбий иттифоқи характерида бўлган. Бунда кучсизроқ шаҳар-давлатлар ўз ички мухториятини сақлаган ҳолда, ўзидан кучлироқ марказий давлатга ўлпон солиқ тўлашга ва ҳарбий ёрдам беришга мажбур бўлган.

<sup>59</sup> Дьяконов И. М., Якобсон В. А. «Номовые государства»... – С. 3 – 12.

<sup>60</sup> В. И. Гуляев. Типология древних государств: Месопотамия и Мезамерика... – С. 76-77.

<sup>61</sup> И. М. Дьяконов, В. А. Якобсон. «Номовые государства»... – С. 5 – 6; Гуляев В. И. Типология древних государств: Месопотамия и Мезамерика... – С. 83.

Давлатчилик ривожланишининг учинчи босқичи - «империя»лар даври бўлиб, И. М. Дьяконов ва В. А. Якобсонларнинг фикрича мил. авв. IX – VII асрлардаги Оссурия империяси давридир. «Империя»лар учун давлатга зўрлик билан бириктирилган иқтисодий, жўғрофий, маданий ва этник жиҳатдан ҳар хил бўлган улкан ҳудудлар характерлидир. Ушбу ҳудудлар ягона марказдан бошқарилган. Шунингдек, ҳудудий подшоҳликлар давридан фарқли равишда «империя»лар учун маъмурий бўлинишлар (вилоят, ўлка, сатраплик) ҳам хос бўлган. «Империя»нинг бўлиши учун мукаммал қурулланган ва яхши ҳарбий тайёргарликка эга бўлган доимий қўшиннинг бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир<sup>62</sup>.

Сўнгги йилларда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудида олиб борилаётган археологик ишлар натижасида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари борасида янги маълумотлар олинмоқда<sup>63</sup>. Бу маълумотларни Қадимги Шарқ илк давлатлари ашъвий манбалари билан таққослаш имконияти туғилди. Марказий Осиё ҳудудидаги Олгинтепа, Номозгоҳтепа, Улуттепа, Гонур, Тўғолок (Жанубий Туркманистон), Даштли (Шимолий Афғонистон) ва Жарқўтон (Жанубий Ўзбекистон) ёдгорликлари барча археологик белгилари билан илк давлатлар тараққиётининг биринчи - «шаҳар-давлат» босқичига тўғри келиши кузатилмоқда<sup>64</sup>. Улар кичик бир воҳа миқёсида ташкил топган «шаҳар-давлат»лар маркази вазифасини бажарганлиги ёки Қадимги Шарқ «шаҳар-давлат»ларига

<sup>62</sup> И. М. Дьяконов, В. А. Якобсон. «Номовые государства»... – С. 3 – 11; Шайдуллаев Ш. Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореферат дис.... д. и. н. Самарканд, 2009.

<sup>63</sup> Ширинов Т. Ш. Қадимги Бактрия подшоҳлиги “Кагга Хорам” // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент, Шарқ, 2001. – Б. 7 – 13; Шайдуллаев Ш. Б., Икромов Н. М. Қадимги Бактрия подшоҳлиги кавийликми // O‘zbekiston tarixi. ЎЗР ФА Тарих институти журнали. 2010. № 3. 67 – 72 бет.

<sup>64</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореферат дис.... д. и. н. Самарканд, 2009.

монандлигини кузатиш мумкин. Бу ёдгорликларни, Қадимги Шарқ шаҳар-давлатлари билан ўзаро таққослаш ва шу асосда бу ёдгорликларнинг типини, давлатчиликнинг илк босқичи ҳисобланган ушбу «шаҳар-давлат»ларнинг хронологик даврларини аниқлаш лозим бўлади.

Қадимги Шарқдаги давлатчиликнинг иккинчи босқичи - подшоҳлик (худудий давлат)ларни ҳам археологик жиҳатдан кузатиш имконияти туғилмоқда. Археологик ёдгорликларни типларга ажратиш ва уларни сўғориш Иншоотлари асосида жойлашишига қараб, районларга, деҳқончилик воҳаларига ажратиш имкониятлари туғилди.

Тадқиқотлар натижасида илк темир даврида Сурхондарё худудида учта деҳқончилик воҳаси бўлганлиги, уларнинг марказлари (Қизилтепа, Жондавлаттепа, Хаитободтепа) археологик жиҳатдан аниқланди<sup>65</sup>. Худди шундай ҳолат Сўғдда (Сангиртепа, Узунқир, Ерқўрғон, Кўктепа, Афросиёб), Фарғонада (Далварзинтепа, Чуст, Ашқолтепа) ҳам кузатилмоқда<sup>66</sup>. Бу деҳқончилик ўлкаларини худудий давлатлар типига киритиш, уларнинг конфедерацияси натижасида эса Қадимги Бактрия, Қадимги Хоразм, Қадимги Сўғд ёки Қадимги Фарғона подшоҳликлари ҳукм сурганлиги аниқланди ва улар Марказий Осиёнинг энг қадимги давлатлари эмас, балки Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг иккинчи – худудий давлатлар босқичига оидлиги исботланди<sup>67</sup>.

<sup>65</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Северная Бактрия в эпоху раннежелезного века... – С. 18 – 21.

<sup>66</sup> Исамиддинов М. Х. Генезис городской культуры Самаркандского Согда... – С. 42; Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб. Ташкент-Самарканд, 2000; Заднепровский Ю. А. Раннежелезный век Ферганы и проблемы возникновения Даваньского государства // Раннежелезный век Средней Азии и Индии. Тезисы докладов Советско-Индийского симпозиума. – Ашгабад, 1984; Матбобоев Б. Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона... – Б. 23 – 40.

<sup>67</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореферат дис.... д. и. н. Самарканд, 2009.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, Қадимги Шарқда илк давлатлар типологиясининг учинчи – империялар босқичи Оссурия империяси билан боғланса, Ўрта Осиёда бу босқич мил. авв. VI – IV асрлар билан характерланади, яъни бу ҳудудлар ҳам Ахамонийлар империяси таркибига киритилган.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, тарихга муносабат ўзгарди, Президент И. А. Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар ва оммавий ахборот ходимлари билан учрашувидан сўнг унинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асари чоп этилди. Бу асар тарих фани ривожига янгидан-янги илмий йўналишлар, тарихга муносабат масаласида янги қарашларнинг пайдо бўлишига асос бўлди.

И. А. Каримов ўзбек халқининг тарихий ўтмишини, унинг давлатчилиги тарихини ўрганишда ягона илмий концепциянинг йўқлиги хусусида гапириб, тарихчи олимларни бу соҳага диққат-эътиборини янада кучайтиришга чақирди. Президент таъкидладики, *«ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ишбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига қўтарилиши зарур»*<sup>68</sup>. Тарихни ёритишда бирёқламалikka, субъектив фикрларга йўл қўймаслик зарур, *«фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади»*, – деб таъкидлайди<sup>69</sup>. Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда, цивилизация қарашларни шакллантиришда Президентимизнинг қуйидаги гаплари иш услубимизга айланиб бормокда: *«Ҳар қандай цивилизация кўндан-кўн халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва ўзаро самарали таъсирининг маҳсулидир...»*<sup>70</sup>.

Президентимизнинг тарихчиларга мурожаатидан сўнг Ўзбекистон тарихини даврлаштириш бўйича бир қатор ишлар

<sup>68</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. – Т.: 1999. – Б. 134.

<sup>69</sup> Ўша асар. – Б. 134.

<sup>70</sup> Ўша асар. – Б. 146.

амалга оширилди. Жумладан, академик А. А. Асқаров қуйидаги даврлаштиришни таклиф этди:

1. Ибтидоий тўда даври.
2. Ибтидоий уруғчилик жамоаси ва мулк эгалигининг шаклланиш даври.
3. Илк ўрта асрлар даври.
4. Ўрта асрлар даври.
5. Мустамлакачилик ва миллий уйғониш даври.
6. Советлар даври.
7. Миллий истиқлол, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш даври<sup>71</sup>.

Ундан сўнг академик Э. В. Ртвеладзе Ўзбекистон давлатчилиги тарихини даврлаштирди<sup>72</sup>. Профессор Б. Ж. Эшов ҳам 2011 йилдаги тадқиқотларининг бирида бу масалага тўхталиб, қуйидаги даврлаштиришни таклиф этди:

1. Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даври.
2. Илк давлатчиликка ўтиш ва давлатчиликнинг ривожланиши даври.
3. Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар даври.
4. Ўзбекистонда чоризм мустамлакачилиги ва советлар ҳукмронлиги даври.
5. Ўзбекистоннинг мустақиллик ва миллий истиқлол даври<sup>73</sup>.

Ушбу даврлаштиришларни энг мукаммал деган фикрдан йироқмиз. Мақбул бўлмаган даврлаштиришлар ҳам фикр, ғоя

<sup>71</sup> Асқаров А. А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент, 2007. – 15 – 24 бетлар.

<sup>72</sup> Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х., Абдуллаев Е. В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент, Адолат, - 2001. – 239 б; Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х., Абдуллаев Е. В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. – Ташкент, 2000. – 234 с.

<sup>73</sup> Эшов Б. Ж. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалалари/ Ўзбекистон тарихини ўқитиш муаммолари: тажриба ва истиқболлари илмий-услубий анжумани материаллари. –Тошкент, 2011. –222 – 227-бетлар.

сифатида фанда туришга ҳаққи бор, албатта. Аммо Ўзбекистон тарихини даврлаштириш бўйича назариётчи тарихчилар гуруҳини шакллантириш ва бу масалани ҳал этиш ҳозирги кун тарих фанининг энг долзарб масаласидан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим, албатта.

Юқорида Ўрта Осиёда илк шаҳар маданияти ва цивилизациялар тарихини ўрганишда Т. Ш. Шириновнинг хизматларини эслаб ўтдик. У ушбу масала бўйича тарих фанида ишлаб чиқилган концепцияларни танқидий муҳокама этади ва илк шаҳарларнинг қуйидаги белгиларини кўрсатади:

1. Жамоа бошлиқлари ёки ҳукмдорлари истиқомат қиладиган саройларнинг бўлиши.

2. Ўлканинг диний маркази бўлган маҳобатли ибодатхоналарнинг бўлиши.

3. Мудофаа деворлари билан ўралган аркнинг бўлиши ва арк худудида сарой аҳолиси яшайдиган уйларнинг жойлашиши;

4. Кенг ҳудудда шаҳар аҳолиси яшайдиган иморатларнинг бўлиши, умумжамоа учун хизмат қиладиган иншоотларнинг жойлашиши, ўша ҳудудда ишлаб чиқариш кучлари – хунармандчилик устахоналари ва дастгоҳларининг жамланиши.

5. Юқори даражада ривожланган хунармандчилик (кулолчилик, чилангарлик, тўқимачилик, қурилиш, тошга ва терига ишлов берувчи кўнчилик) кварталларининг бўлиши.

6. Муҳр ёки қимматбаҳо буюмлар учрайдиган «бой» қабрларнинг мавжудлиги.

7. Шаҳар аҳолисининг иерархиясини кўрсатувчи аҳоли истиқомат қиладиган уйларининг бир-биридан тубдан фарқ қилиши;

8. Савдонинг ривожини кўрсатувчи, бошқа маданиятларга хос бўлган ашёларнинг топилиши.

9. Глиптика, эпиграфика ва ибтидоий ёзув шаклларининг бўлиши<sup>74</sup>.

---

<sup>74</sup> Аскарлов А. А, Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии... – С. 20.

Т. Ш. Шириновнинг илк шаҳарларнинг археологик белгилари борасидаги илмий тадқиқотларини қўллаган ҳолда, Ўрта Осиё шаҳарларининг тараққиёти – ривожланиши борасида ўз қарашларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Маълумки, шаҳарлар илк синфий жамият даврида, яъни давлатлар билан бир вақтда пайдо бўлади<sup>75</sup>. Ўрта Осиё археологиясида шаҳарлар ва давлатлар ўртасидаги муносабат етарлича ўрганилмаган. Шу сабабдан шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши борасида олимлар ўртасида ягона фикр йўқ.

Сўнгги бронза даври илк шаҳар-ёдгорликларини айрим тадқиқотчилар «бронза даврининг урбанизациялашган қишлоқлари» деб таърифлашган бўлса<sup>76</sup>, бошқалари шаҳармонанд (протогород) деб атайдилар<sup>77</sup>. Илк темир даври шаҳарларини таърифлашда ҳам шу ҳолат кузатилади. Э. В. Ртвеладзе бу давр шаҳарларини «шаклланаётган шаҳарлар» тоифасига киритса, Б. А. Литвинский «шаҳарлашаётган қишлоқлар» деб таърифлайди<sup>78</sup>.

Шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши борасидаги олимлар ўртасидаги илмий мунозараларнинг асосий сабаби, шаҳар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласини алоҳида илмий муаммолар сифатида ўрганилишидир. Бу тарихий методологик жиҳатдан нотўғри, чунки илк шаҳарлар илк давлатларнинг маркази сифатида пайдо бўлади

<sup>75</sup> Дьяконов И. М., Якобсон В. А. «Номовые государства»... – С. 3 – 16.

<sup>76</sup> Ртвеладзе Э. В. Формирование городов Бактрии-Тохаристана // Городская среда и культура Бактрии - Тохаристана и Согда (IV в. до н. э. – VII в. н. э.). Тезисы докладов Советско - Французского коллоквиума. – Ташкент, 1986. С. 68 – 71.

<sup>77</sup> Литвинский Б. А. Древний среднеазиатский город. (Местные традиции и иноземные модели) // Древний Восток. Города и торговля (III-I тыс. до н. э.). – Ереван, 1973. С. 131.

<sup>78</sup> Ртвеладзе Э. В. Формирование городов Бактрии-Тохаристана... С. 69; Литвинский Б. А. Древний среднеазиатский город... С. 131.

ва уларнинг ривожланиб бориши ҳам ўзаро бир-бирига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлишини бир муаммо сифатида қараш керак ва уларнинг ривожланишини қуйидаги даврларга бўлиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Дехқончилик ўлкалари доирасида таркиб топган шаҳарлар (шаҳар-давлатлар). Бу давр шаҳарлари мил. авв. II. минг йилликда ташкил топган. Қадимги Бактрия ҳудудида ўрганилган Жарқўтон, Даштли I ёдгорликлари, яъни шаҳар-давлатлари бўлиб, бу ёдгорликлар мисолида шаҳар ва давлатнинг бир организм сифатида шаклланиши кузатилади.

2. Худудий давлат маркази ролини бажарган шаҳарлар. Бу давр шаҳарлари асосан мил. авв. I минг йиллик бошларида таркиб топган. Қизилтепа, Олтиндилёр (Бактрия), Далварзин, (Фарғона), Кўктепа, Ерқўрғон Узунқир (Сўғд) ва бошқа ёдгорликлар худудий давлатларнинг сиёсий ва мафкуравий маркази бўлган. Бу даврда битта худудий давлат доирасида фақат битта шаҳарнинг бўлиши характерлидир.

3. Марказлашган давлатлар, империялар даври шаҳарлари. Ўрта Осиё худудларида Қадимги Бактрия, Катта Хоразм подшоҳликларининг вужудга келиши ва уларнинг Аҳамонийлар империяси таркибига кириши билан шаҳарлар тараққиётининг ушбу босқичи бошланади.

Марказлашган давлатлар ҳудуди жуда катта бўлиб, бир ва бир неча ўлкаларни ўз ичига олади. Бу даврга келиб, шаҳарлар тоифаларга ажрала бошлайди. Марказлашган давлат ёки империя пойтахтлари сифатидаги шаҳарлар (Суза, Персополь), марказлашган давлат ҳудудидаги сатраплик марказлари (Бақтр).

Сатрапликлар ҳудудидаги шаҳарларни сиёсий мавқеига ва иқтисодий имкониятига қараб катта ёки кичик шаҳарларга ажратиш мумкин (Афросиёб, Қизилтепа, Хаитободтепа, Кўктепа каби).

Т. Ш. Ширинов ўз асарида Жарқўтон ёдгорлигида жамоа бошлиқлари ёки ҳукмдорлари истиқомат қилган саройга, диний марказ бўлган ибодатхонага, мудофаа деворлари билан ўралган аркка, шаҳар аҳолиси яшаган ва ишлаган кўплаб иморатларга, юқори даражада ривожланган ҳунармандчиликка, муҳр ёки қимматбаҳо буюмлар учрайдиган «бой» қабрларга, савдонинг ривожини тасдиқловчи бошқа маданиятларга хос бўлган ашёларга кенг таъриф берган ва глиптика, эпиграфика ва ибтидоий ёзув шаклларининг бўлишини эътироф этган бўлса<sup>79</sup>, шу асарнинг бошқа жойида «... урф-одатларга тамомла бўйсунувчи, оғзаки ижод ривожланган, давлат бошқаруви эса кам тараққий этган жамоаларда ёзувнинг бўлишини илк шаҳарларнинг иккинчи даражали белгиси» деб ҳисоблайди<sup>80</sup>.

Жуда кўплаб урбанист олимлар ёзувни илк цивилизациянинг асосий белгиси деб ҳисоблайди. Ёзувсиз цивилизацияни тасаввур ҳам қила олмайди. Юқорида эслаб ўтилган Қадимги Шарқ цивилизациясининг бешта ўчоғида ҳам ёзув шаклланган. Аммо Ўрта Осиёда илк ёзув тизими ҳақида, оромий ёзув тизимининг кириб келишига қадар бўлган даври аниқланган эмас. Профессор Ш. Б. Шайдуллаев Сополли маданиятининг пиктографик белги, илк темир даврига оид Ғоз пиктографик ёзуви ҳақидаги манбаларни чоп этган ва бу белгиларни дастлабки ёзув усули эканлиги ҳақидаги фикрларни баён этган<sup>81</sup>. Сополли маданиятининг пиктографик ёзувлари ҳақидаги фикрлар Ўрта Осиё халқлари ёзуви тарихи бўйича биринчи босқич ишлар

<sup>79</sup> Аскарлов А. А, Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии... – С. 20.

<sup>80</sup> Аскарлов А. А, Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура на юге Средней Азии... – С. 27.

<sup>81</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Т. ф. д. дисс. автореферати. ЎЗР ФА Археология институти. – Самарқанд, 2009. – 47 б; ЧариевЗ. У, Ш. Шайдуллаев Ш, Аннаев Т. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. Т., 2005.

ҳисобланади. Уларда Сополли маданияти сополларида чизилган белгилар аниқланган, уларнинг пиктографик белги эканлигини кўрсатиб берилган. Бизнинг фикримизча асосий иш энди бажарилиши лозим. Ҳар бир белгини шакл жиҳатдан ўрганиш, чизилиш услубини аниқлаш, белгиларни шакллар бўйича типларга ажратиш, Қадимги Шарқ пиктографик ёзувлари билан таққослаш, белгиларнинг маъносини аниқлаш каби ишлар ўз натижасини беради деган умиддамиз.

Ўзбекистон тарихига цивилизацион қарашлар ҳақидаги олимларнинг фикрлари, қилинган ишлар кўлами шулардан иборат. Ўзбек халқи жаҳон халқлари маданиятининг ривожланишига буюк ҳисса қўшган халқлар қаторига киради. Шундай экан халқимизнинг бу хизматларини, хронологик тарзда, цивилизацион қарашлар асосида кўрсатиб бериш ўзбек тарихчиларининг бирламчи вазифаси эканлигини ва бу иш ўзбек тарихчиларига юкланган катта масъулият эканлигини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда цивилизацион қарашларни нафақат шакллантириш, балки методологик асосда ривожлантириб бориш давр талаби. Бронза даврида Жанубий Ўзбекистон ҳудудида илк шаҳар-давлатларнинг ўрнатилганлиги, илк цивилизациянинг шакллланганлиги аниқланди. Шунини таъкидлашимиз зарурки, биз аجدодларимиз яратган бой моддий маданиятни, улар яратган цивилизацияларни етарли даражада ўрганганимиз ва баҳо бера олганимиз йўқ. Президентимиз И. А. Каримов «Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратилдими-йўқми?»<sup>82</sup> деган саволни бизга, биз тарихчиларга берганлигини унутмаслигимиз зарур.

Ўзбек халқи аجدодлари буюк империялар қурган, жаҳон халқлари маданиятининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган,

---

<sup>82</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ... — Б. 137.

цивилизациялар яратган халқ. Биз тадқиқ этаётган Окс цивилизациядан ташқари антик даврлардаги Кушонлар салтанати, Ўрта Осиёлик буюк мутафаккирлар яшаган мусулмон ренессанси даври, А. Темур ва темурийлар даври цивилизацияси тарихимизнинг ана шундай ёрқин саҳифаларидир. Бу саҳифалар **халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этади, ғурурини уйғотади.** Ўзбекистон тарихини даврлаштиришга цивилизация ёндашсакгина бу ёрқин саҳифалар янада равшанроқ намоён бўлади.

## **I. 2. Окс цивилизацияси ҳақида умумий тушунчалар**

Қадимги Шарқ цивилизациясидан ташқари ер шарининг бир қатор ҳудудларида, жумладан Африка, Мезоамерика, Узоқ Шарқ ва албатта Марказий Осиёда<sup>83</sup> илк цивилизацияларнинг янги ўчоқлари ўрганилмоқда<sup>84</sup>. Янги ўчоқларнинг топилиши ва тарих фанига киритилиши урбанист олимлар ўртасида цивилизациянинг шаклланиши ҳақида янги қарашларни шакллантирмоқда. Агар фанда Месопотамия инсоният тарихидаги илк цивилизация бешиги сифатида қараб келинган бўлса, юқорида эслаб ўтилган янги марказларнинг топилиши ва ўрганилиши урбанистикада полицентрик ғояларнинг шаклланишига асос бўлмоқда<sup>85</sup>.

<sup>83</sup> “Марказий Осиё” тушунчасига тўлиқ аниқлик киритилмаган. Унинг географик, тарихий, тарихий-маданий тушунчалари мавжуд. ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган, у эълон қилаётган илмий дастурларда Марказий Осиё деганда жуда кенг ҳудуд, Ғарбдан Шарққа Монголиядан Хуросонгача, Шимолдан Жанубга Қозоғистондан Покистонгача бўлган ҳудуд, тор маънода эса Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон (Синьцзян - Уйғуристон) тушунилади.

<sup>84</sup> Древние цивилизации. — М.: 1989. — С. 7.

<sup>85</sup> Ламберг-Корловский К. К. Модели взаимодействия в III тысячелетии до н. э.: от Месопотамии до долины Инда. — ВДИ, 1990, № 1. — С. 3.

Жамият ривожланишида формацион қарашлар тарихчи ва жамиятшунослар томонидан кескин танқид қилинишига қарамай айрим тарихчилар томонидан ҳозирги вақтда ҳам қўлла-ниб келинмоқда. Археологлар моддий манбалар асосида маданиятлар ва цивилизациялар тарихини ўрганганлиги сабабли цивилизацион қарашни маъқул кўрадилар<sup>86</sup>.

Ўзбекистон тарихи фанига ҳам цивилизация тушунчаси кенг кириб келди ва уни даврлаштириш масаласида цивилизацион қарашлар шаклланимоқда. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида бронза даврига оид Сополли маданияти ёдгорликларининг кенг қўламда ўрганилиши, айниқса Жарқўтонда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида ушбу ёдгорлик илк шаҳарлар тоифасига киритилди<sup>87</sup>. Илк шаҳар, илк цивилизация, илк синфий муносабатлар, илк давлатчилик каби иборалар синоним сўзлар бўлиб, бир-бирини лугавий жиҳатдан тўлдириб боради. Жарқўтон Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги шаҳар ёдгорлиги мақомини олдимиз, демак унда яшаган аҳоли ҳам цивилизацияга эришганлиги хусусида фикрлашимиз жоиз бўлади.

Марказий Осиё халқлари тарихида “илк цивилизация” иборасини қўллашда унинг иккита жиҳатиغا эътибор беришимиз керак. Биринчиси, ибтидоий тарих билан цивилизацион таракқиётнинг чегарасини, иккинчиси маданият ва цивилизациянинг фарқини аниқ белгилаб олишимиз лозим.

Қўйилаётган биринчи масала бўйича тарих фанида ҳар хил қарашлар мавжуд. Цивилизация замонавий одамнинг шаклланиши, неолит инқилоби, урбанизацион жараёнлар, синфий жамият шаклланаётган жамият ёки давлатларнинг шаклла-

---

<sup>86</sup> *Массон М. Е.* Прикладные задачи в археологии и их тематика в Средней Азии. Ташкент, 1937; *Массон В. М.* Первые цивилизации. Ленинград, 1984.

<sup>87</sup> *Аскарлов А., Ширинов Т.* Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993.

ниш давридан бошланади деган тушунчалар мавжуд<sup>88</sup>. Ундан ташқари тарихий жараёнлар ва ҳудудлар билан боғлиқ бўлган “ўрмон цивилизацияси”, “пайконлар цивилизацияси”, “шаҳар цивилизацияси” каби иборалар ҳам қўлланилмоқда<sup>89</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, Ўрта Осиё кўчманчи-чорвадор ва ўтроқ халқлар маданиятлари шаклланган ва этник қоришуви кечган ҳудудлар қаторига киради<sup>90</sup>. Кўчманчи халқлар яшаган тарихий табиий шароит ва яшаш тарзидан келиб чиқиб улар яратган жамият ва моддий маданиятга нисбатан ҳам цивилизация ибораси қўлланилмоқда ва жуда тўғри баҳоланмоқда<sup>91</sup>.

---

<sup>88</sup> Сайко Э. В. Формирование древнейших городов и становление раннеклассового общества. — М.: 1987. — С. 77.

<sup>89</sup> Аскарлов А. А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы Юга Средней Азии... — С. 24.

<sup>90</sup> Аскарлов А. А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари // ЎИФ. 1994. №6. 5 бет.

<sup>91</sup> Байпаков К. Империя древних тюрок // Тюркский мир (Этнополитический и литературно-художественный журнал). — М.: 1999. — № 1 — 2. — С. 10 — 12; Хазанов А. М. Социальная история скифов: Основные проблемы развития древних кочевников евразийских степей. — М.: Наука, 1975. — С. 275; Тойнби А. Ж. Постигание истории. — М.: 1991. — С. 239; Смирнов К. Ф. Вооружение савроматов // МИА, №101. — С. 37 — 55; Пьянкова Л. Т. Древние стотоводы Южного Таджикистана. — Душанбе, Дониш, 1989. — 208 с.; Павленко Ю. В. Раннеклассовые общества. Генезис и пути развития. — Киев, 1989. — 172 с.; Массон В. М. Формирование раннеклассовых обществ и вопросы типологии древних цивилизаций // Древний Восток и античный мир. — М.: МГУ, 1980. — С. 12 — 40; Литвинский Б. А. Древние кочевники «крыша мира». — М.: 1972. — 269 с.; Кузьмина Е. Е. Откуда пришли индо-арии? М.: 1994. — С. 224; Кузьмина Е. Е. Дискуссионные проблемы отечественной скифологии // Народы Азии и Африки. М. 1980. №6. — С. 27 — 41; Итина М. А. История степных племен Южного Приаралья // ТХАЭЭ, Т. Х. — М.: 1977. — С. 217; Зданович Д. Г. Синташтинское общество: социальные основы «квазигородской» культуры Южного Зауралья эпохи средней бронзы. — Челябинск, 1997. — 87 с.; Генинг В. Ф. Проблема социальной структуры общества кочевых скифов IV-III вв. до н. э. по археологическим данным // Ф. Энгельс и проблемы истории древних обществ. — Киев, 1984. — С. 215 —

Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончиликка асосланган жамоаларида цивилизация бронза давридан бошланганлиги урбанизация тарихи билан шуғулланиб келаётган мутахассислар томонидан эътироф этилиб, пайдо бўлиш жараёнлари Қадимги Шарқ цивилизацияси билан боғланмоқда<sup>92</sup> ва унинг янги бешинчи ўчоғи сифатида таъкидланмоқда<sup>93</sup>. Демак, ибтидо билан тамаддуннинг чегараси бронза даври бўлиб, шу даврдан бошлаб жамиятнинг шаҳарлашиши, илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши, жамоанинг синфийлашиш жараёнлари бошланган. Хунармандчилик ривожланган, халқаро савдо ва маданий алоқаларга асос солинган<sup>94</sup>.

Маданият билан цивилизациянинг фарқини ҳам кўрсатиб ўтсак китобхон билан ўртамизда тушунмовчиликлар бир қадар камайган бўлар эди. Булар таққослаб бўлмайдиган тарихий тушунча-категориялар бўлиб, маданият бир хил моддий маданиятлар тарқалган ҳудудга нисбатан ишлатилади. Шу сабабли маданиятлар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Гарчи ибтидоий бўлса-да, маданиятлар одамзоднинг пайдо бўлишидан бошлаб шаклланган. Цивилизация тушунчаси кенг, жамият тараққиётига нисбатан ишлатиладиган, унинг маълум бир босқичида пайдо бўладиган, ҳар хил цивилизациялар бўлса-да, ижтимоий, хўжалик, техник ва технологик ривожланиш жиҳатлари билан бир-бирига ўхшайди<sup>95</sup>.

---

234; Вайнберг Б. И. Изучение памятников Присарыкамишской дельты Амударьи в 70 – 80 годах // Скотоводы и земледельцы левобережного Хорезма. – М.: 1991. С. 67 – 98.

<sup>92</sup> Массон В. М. Первые цивилизации. – Л.: 1989. – С. 291.

<sup>93</sup> Сарияниди В. И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002. – 279 с.

<sup>94</sup> Ширинов Т. Ш. Қадимги Бактрия подшолиги “Қатта Хоразм” // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент, Шарқ, 2001. – Б. 7 – 13.

<sup>95</sup> Аскарлов А. А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы Юга Средней Азии. – Самарканд, 1993. – 24.

Таъкидлаганимиздек, ҳар бир цивилизациянинг баҳоси унинг жамият тараққиётига, инсоният ривожига қўшган ҳиссаси билан ўлчанади. Шундай экан Окс цивилизацияси аҳолисининг Марказий Осиё халқлари тараққиётига қўшган ҳиссасини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Окс цивилизацияси аҳолиси Марказий Осиёда марказлашган динга асос солган. Бу фикрни тўлиқ ишонч билан айтишимизга сабаб, Жарқўтон, Даштли, Тўғолок, Гонур ёдгорликларида марказлашган, монументал ибодатхоналарнинг ўрганилишидир<sup>96</sup>. Ўрганилган ибодатхоналарнинг, диннинг характери тўғрисида тадқиқотчилар бир фикрга келишмаган бўлсада, илк зардуштийлик ибодатхоналари деб ҳисоблайдиган олимлар кўпчилиқни ташкил этади.

Окс цивилизацияси жамоаси Марказий Осиёда биринчи марта илк шаҳар маданиятига асос солган. Мана шу илмий йўналиш бўйича профессорлар Т. Ш. Ширинов ва Б. Ж. Эшовлар тадқиқотлар олиб бориб, илк шаҳарларнинг археологик белгилари, пайдо бўлиши жараёнлари, ривожланиш босқичлари бўйича муҳим хулосаларга келган<sup>97</sup>.

Илк шаҳарлар билан тарихан бир вақтда бунёд этилган давлатларнинг шаклланиши масаласи Ш. Б. Шайдуллаев тадқиқотларида акс этган<sup>98</sup>. Муаллифнинг хулосасига кўра Окс цивилизацияси ҳудудида, хусусан Бактрияда бошқарув

<sup>96</sup> Аскарлов А. А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. — Самарканд, 1993. — 162 с; Сарияниди В. И. Древние земледельцы Афганистана. — М.: 1977; Сарияниди В. И. Некрополь Гонура и иранское язычество. Москва, 2001.

<sup>97</sup> Аскарлов А. А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. — Самарканд, 1993. — 162 с; Эшов Б. Ж. История формирования и развития раннегородской культуры Средней Азии. Автореф. дисс.... докт. ист. наук. —Ташкент, 2008. — С. 42; Массон В. М. Протогородская цивилизация юга Средней Азии // СА. — М.: 1967, №3. — С. 165 — 190.

<sup>98</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореферат дис.... д. и. н. Самарканд, 2009.

ибтидоий бўлса-да, давлатчиликдан аввал, жамоалар давридан бошлаб шаклланган (оила, патриархал оила, қишлоқ жамоаси бошқаруви). У Жарқўтонни Қадимги Шарқ дунёсининг шаҳар-давлатлари билан қиёсий таққослайди. Ёдгорликнинг тарихий топографияси, ривожланган бошқарув ва ишлаб чиқариш тизимининг шаклланганлиги, яратилган моддий маданият намуналарининг ривожланганлиги, маданий алоқалар даражасининг кенглиги Жарқўтонни шаҳар-давлатлар тоифасига киритишга имкон берган. Илк темир даврига келиб Бактрияда ҳудудий давлатларнинг шаклланганлигини асослаб берди. Ҳудудий давлатларнинг конфедерацияси натижасида эса мил. авв. VIII асрда Бактрия подшоҳлиги барпо этилганлиги археологик ва ёзма манбалар асосида исботланган. Ш. Б. Шайдуллаевнинг хулосасига кўра Қадимги Бактрия подшоҳлиги шаклланишига қадар давлатчиликнинг икки: шаҳар-давлатлар ва ҳудудий давлатлар босқичларидан ўтган ва ҳудудий давлатларнинг конфедерацияси натижасида Қадимги Бактрия подшоҳлиги, энг сўнгги тадқиқотларга кўра Қадимги Бактрия кавийлиги шаклланган<sup>99</sup>. Демак, Окс цивилизацияси аҳолиси Марказий Осиёда энг қадимги шаҳар-давлатларга асос солган.

Цивилизациянинг яна бир энг асосий хусусиятларидан бири аҳоли синфий дифференциялашган бўлиши керак. Окс цивилизацияси мисолида бу масала билан бир қатор тарихчилар шуғулланишган<sup>100</sup>. Улар асосан Жанубий Туркменистон ва Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида ўрганилган қабрларда учрай-

<sup>99</sup> Шайдуллаев Ш. Б., Икромов Н. М. Қадимги Бактрия подшоҳлики кавийлики // *Ўзбекистон тарихи*. ЎзР ФА Тарих институти журнали. 2010. № 3. 67 – 72 бет.

<sup>100</sup> Алексин В. А. Социальный строй раннеземледельческих обществ по погребальным памятникам культур Средней Азии и Ближнего Востока. Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – М.: ИА АН СССР. 1977. – С. 21; Ионесов В. И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Самарканд. ИА АН Уз. ССР. 1990. – 21 с.

диган, майит билан кўшиб кўмилган моддий маданият намуналарининг сон ва сифат миқдориға қараб Окс цивилизацияси аҳолисининг ижтимоий табақалашганлигини таъкидлашган. Кейинги йилларда бронза даврига оид бир қатор ёдгорликларда арк, сарой ва ибодатхоналарнинг тадқиқ этилиши бу масалага тўлиқ ечим берди ва Окс цивилизацияси аҳолиси ижтимоий табақалашганлиги илмий асосланди<sup>101</sup>.


Албатта, юқори ривожланган хунармандчилик цивилизация белгиси эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Бу борада биз ўрганаётган цивилизация вакиллари жуда кўп соҳаларга асос солган ва ривожлантирган. Кулолчилик бўйича Марказий Осиё халқлари тарихида сопол чархини кашф этган аҳоли Олтинтепаликлар ҳисобланади<sup>102</sup>. Бу аёнани санъат даражасига кўтарганлар эса Окс цивилизацияси аҳолисидир. Кулолчилик чархининг кашф этилиши идишларнинг стандарт, симметрия услубида ясалишига имкон яратган ва кулолчилик соҳасида нафис санъат буюмларининг ясалишига замин яратган.

Марказий Осиёда нафақат кулолчилик чархи, балки икки ярусли хумдонларнинг кашф этилиши ҳам олтинтепаликлар

<sup>101</sup> *Массон В. М.* Становление раннеклассового общества на Древнем Востоке // *ВИ*, 1967, №5. – С. 82 – 94; *Ширинов Т. Ш.* Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – М.: ИА АН России. 1993. – С. 42; *Сагдуллаев А. С.* Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика). Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – М.: МГУ. 1989. – С. 40; *Ртвеладзе Э. В.* Древняя Бактрия - Средневековый Тохаристан. Динамика историко-культурного развития (по материалам амударьинского правобережья). Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – М.: МГУ. 1988. – С. 42; *Абдуллаев У. И.* Историография древней системы управления и ранней государственности Средней Азии (XX – начала XXI в. ). Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Ташкент, ИИ АН РУз., 2008. – 21 с.

<sup>102</sup> *Массон В. М.* Протогородская цивилизация юга Средней Азии // *СА*. – М.: 1967, №3. – С. 165 – 190; *Рахманов У.* Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана. Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Самарканд, ИА АН РУз. ССР 1987. – С. 19.

чекига тушган, у Олтинтепа аҳолисининг ижодий маҳсули на-  
тижасидир<sup>103</sup>. Сополли маданияти хумдонлари тарихини А. А.  
Аскаров ва У. В. Рахмоновлар ўрганган. Хумдонлар типология  
қилинган, эволюцион ривожланиши ва такомиллашиб бориши  
кузатилган<sup>104</sup>.



2-расм. Окс цивилизацияси кулолчилигидан намуна.

Икки ярусли хумдонлар Месопотамия худудида мил. авв. VI  
минг йилликда, Қадимги Ҳиндистон худудида (Мохенждаро)  
мил. авв. III минг йилликда, Эрон худудида (Тепа Гавр) 3900  
йил аввал, Жанубий Туркманистонда Номозгоҳ IV даврдан  
бошлаб учрайди (Ҳапуз, Теккем, Учтепа, Гонур, Номозгоҳ).

<sup>103</sup> *Массон В. М.* Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. Л.: 1981. – 324 с;

<sup>104</sup> *Аскаров А. А.* Сапаллитепа. Ташкент, 1973, с. 12 – 41; *Аскаров А. А.* Бронзовый век Южного Узбекистана (к проблеме развития локальных очагов древневосточных цивилизаций). Дисс. д. и. н. М., 1976, с. 10; *Аскаров А. А.* Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977, с. 36 – 38; *Рахмонов У.* Керамическое производство... Авто. дисс. к. и. н. Самарканд, 1987, с. 6-9.

Келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкин-ки, Қадимги Шарқда кулолчиликка жуда катта эътибор берилган. Кулолчиликнинг илк давридан сифатли сополлар ишлаб чиқарилган. Маълумки, икки ярусли хумдонлар технологик ва конструкцияси жиҳатидан мукамаллиги билан бошқа хумдонлардан ажралиб туради ва шу типдаги хумдонлар сўнгги ўрта асрлар давригача қўлланиб келинган.

Икки ярусли хумдонни яшаш, сопол пишириш инсондан катта билим ва тафаккурни, маълум касб кўникмасини ва тинимсиз хизмат қилишни талаб қилган. Э. Сайконинг маълумотларига қараганда сополлар шу типдаги хумдонларда 800 – 900 ҳароратда пишган<sup>105</sup>.

Икки ярусли хумдон кулолчилик соҳасида инсоният томонидан яратилган энг мукамал қурилмалардан бири бўлиб, доимий ишлаш ва термостат технологиясининг кашф этилиши билан изоҳланади. Термостат технологиясининг кашф этилиши кулолчиликда яроқсиз маҳсулотнинг олдини олган. Сополли маданияти ёдгорликларидан биронта ҳам яроқсиз сопол-маҳсулотнинг учрамаслиги ушбу технологияни яхши ўзлаштирилганлигидан дарак беради.

Металлсозлик Окс цивилизациясининг энг ривожланган соҳаларидан биридир. К. Раҳимовнинг тадқиқотларига кўра Сополли маданияти ёдгорликларида жами 23 та металл эритиш ўчоқлари ўрганилган<sup>106</sup>. Жарқўтон олов ибодатхонасининг бир хонасида 8 та металл эритиш ўчоғи, устахона, қудуқнинг жойлашиши металлсозликнинг марказлашганлигидан, тигелларнинг бутун ҳолатда топилганлиги эса уни эритиш технологиясидан хабар беради.

<sup>105</sup> Сайко Э. В. Техника и технология керамического производства Средней Азии в историческом развитии. Москва, 1982. С. 154.

<sup>106</sup> Раҳимов К. Сополли маданияти ёдгорликларида олов билан боғлиқ қурилмалар ва ошхона идишлари типологияси. Т. ф. н.... дисс. автореферати. ЎЗР ФА Археология институти. Самарқанд, 2011. 21 бет.

Окс цивилизацияси металлари бўйича ҳозирги даврда икки-та мутахассис илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. В. Рузановнинг тадқиқотлари металлarning химик таркибини аниқлаш, руда конлари маконларига бағишланган бўлса, Кай Каниут металл буюмларининг типологияси билан шуғулланмоқда<sup>107</sup>.

Жарқўтон ёдгорлигининг тадқиқотчиларидан бири Ш. Б. Шайдуллаевнинг маълумотларига қараганда Окс цивилизацияси аҳолиси темирни ҳам билган<sup>108</sup>. Жарқўтон аркидан топилган бронзадан ишланган пичоқ дастасининг гулмихлари темирдан ясалганлиги кузатилган. Тарихдан маълумки, темирни Окс цивилизацияси билан хронологик жиҳатдан бир вақтда яшаган хеттликлар кашф этишган. Хетт ёзувлари шуни кўрсатмоқдаки, хеттликлар темирдан ҳар хил тақинчоқлар, худо ҳайкаллари ва диний маросимларда ишлатиладиган ҳар хил буюмларни ясаганлар<sup>109</sup>. Хеттликлар метеорит ва қазилма темирдан фойдаланишган<sup>110</sup>. Сўнгги йилларда фанда темирнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши тўғрисида янги маълумотлар тўпланди. Дж. Вальдбаумнинг изланишларига қараганда энг қадимги темир предмет мил. авв. V – IV минг йилликларга оид бўлиб, метеорит темирдан ясалган. Илк бронза даврига оид жуда кўплаб темир буюмлар Месопотамия, Анадоли ва Мисрдан топилган<sup>111</sup>.


<sup>107</sup> Рузанов В. В. Еще раз о хронологии Чустской культуры ферганы // Российская археология, №4. – М.: 1999. – С. 233 – 239; Kaniuth K., Teuffer M. Zur Sequenz des Gräberfeldes von Rannij Tulchar und seiner Bedeutung für die Chronologie des spätbronzezeitlichen Baktrien // AMIT. Band 33. – Berlin, 2001. – P. 89 – 115.

<sup>108</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореферат дис.... д. и. н. – Самарканд, 2009. – С. 14.

<sup>109</sup> Goetze A. Kleinasien. – München, 1957; Laroche Em. Etudes de vocabulaire. VI. Revue hittite et asianique, 1957.

<sup>110</sup> Wertime T. A. Pyrotechnology: Man's First industrial Uses of Fire // American Scientist. 1973, Vol. 61. 6. – P. 682.

<sup>111</sup> Waldbaum J. C. The First Archaeological Appearance of Iron and the Transition to the Iron Age // The Coming of the Age Iron. Ed. by Th. A. Wertime and J. D. Muhly. – New Haven-London, 1980. – P. 69 – 98.



3-расм. Окс цивилизацияси металл (бронза)  
буюмларидан намуналар.

Қадимги Шарқда темир жуда қимматбаҳо металл ҳисобланган. Темир олтиндан 9 – 10, қумушдан 35 – 40, қўрғошиндан 400 марта қиммат бўлганлигини тасдиқловчи маълумотлар бор<sup>112</sup>.

Темир тўғрисидаги энг қадимги ёзма манба ҳам Хетт миххат ёзувларидан маълум. Энг қадимги «Анитти» матни мил. авв. XIX – XVIII аср воқеликлари ҳақида ҳикоя қилади. Унда Хуррит шахридан бўлган Пурусхонди ҳокими ўз вассали Аниттини темир тахтга ўтказгани ва темирдан ясалган салтанат ҳасасини бергани ифодаланган<sup>113</sup>.

Эрон ҳудудидан топилган энг қадимги темир мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмига оиддир. Гиан I тепалигидан топилган темир қилич ва темир пайкон, Сиалк қабристонида топилган темир қилич ва темир тўғноғич бу фикрнинг исботи ҳисобланади<sup>114</sup>.

Ўрта Осиё ҳудудида темирнинг пайдо бўлиш вақти, тарқалиши ҳозирча ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири ҳисобланади. В. М. Массон темирнинг пайдо бўлишини мил. авв. I минг йилликнинг бошлари деб ҳисоблайди ва Ўрта Осиёга темир Эрон ҳудуди орқали тарқалган деб ёзади<sup>115</sup>. Далварзинтепадан топилган темир пичоқ ва шлак асосида Ю. А. Заднепровский мил. авв. X – VIII асрларни илк темир даври деб аташни таклиф этган<sup>116</sup>. А. С. Сагдуллаев эса X – VIII асрларни сўнгги бронза давридан илк темир даврига ўтиш, VII – IV аср-

<sup>112</sup> *Waldbaum J. C.* The First Archaeological Appearance of Iron... – P. 75.

<sup>113</sup> *Георгадзе Г. Г.* «Текст Анитты» и некоторые вопросы ранней истории хеттов // ВДИ. – М.: 1965, 4. – С. 3 – 17; *Георгадзе Г. Г.* Протзводство и применение железа в центральной Анатолии по данным хеттских клинописных текстов // Древний Восток (этнокультурные связи). LXXX, М.:1988. – С. 238 – 261.

<sup>114</sup> *Forbes R. J.* Metallurgy in Antiquity. – Leiden, 1950. – P. 443.

<sup>115</sup> *Массон В. М.* Древнеземледельческая культура Маргианы... – С. 108.

<sup>116</sup> *Заднепровский Ю. А.* Чустская культура Ферганы и памятники железного века Средней Азии. Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – М.: Л., 1978. – С. 32.

ларни эса илк темир даври деб аташни таклиф этади<sup>117</sup>.

Жарқўтондан топилган бронза пичоқ дастасидаги темир гулмих бу борада янги фикр юритишга мажбур этади. Эрон худудида Гиан I ва Сиалкдан топилган темир қилич ва пайконлар ёрдамида илк темир даврининг бошланиши Ўрта Осиёга нисбатан қарийиб 500 йилга қадимийлаштирилган<sup>118</sup>. Жарқўтон аркидан топилган бу буюм Окс цивилизацияси аҳолисининг темирни билганлигини кўрсатувчи ашёвий манба бўлиб хизмат қилади. Ушбу топилманинг пайдо бўлиши тарихи билан қизиқиб, М. В. Гореликнинг Қадимги Шарқнинг меҳнат ва жанг қуролларига бағишланган тадқиқотларига мурожаат этдик. Жарқўтондан топилган пичоқ дастасига ўхшаш пичоқлар Месопотамия, Сурия ва Хетитлар ёдгорликларидан топилган<sup>119</sup>. Бактриянинг бронза даврида Сурия ва Хетитлар юрти аҳолиси билан маданий алоқада бўлганлигини В. И. Сарияниди, С. Салватори каби олимлар ҳам ёзган<sup>120</sup>. Шундай алоқалар натижасида Жарқўтондан топилган пичоқ ҳам «импорт» сифатида келган бўлиши табиий ҳол, албатта.

Оксликлар меъморчилик соҳасини санъат даражаси кўтарган. Бу соҳада улар бошқа цивилизация вакилларида тубдан фарқ қилувчи анъана яратганлар. Энг аввал Ўрта Осиёнинг табиий шароитидан келиб чиқиб маҳаллий тупроқдан гишт тайёрлаб қурилиш ашёси тайёрлашган. Йирик гиштлардан (64x32x14см) уйлар, монументал обидалар, жумладан сарой, ибодатхоналар қурган. Лабиринт тизимли фортификация усули фақат Сополлитепа, Даштли, Тўғолоқ, Гонур ёргорликлари-

<sup>117</sup> Сагдуллаев А. С. Заметки о раннем железном веке Средней Азии // СА. – №2. 1982. – С. 229 – 234.

<sup>118</sup> Forbes R. J. Metallurgy in Antiquity. – Leiden, 1950. – P. 443.

<sup>119</sup> Горелик М. В. Оружие Древнего Востока (IV тысячелетие – IV в. до н. э.). – М.: Наука, 1993. – Табл. I.

<sup>120</sup> Сарияниди В. И. Сиро-Хеттское происхождение Бактрийско-Маргианской глиптики // ВДИ. – М.: №1, 1999. – С. 55.

га хос бўлиб, ҳозирча бошқа маданият меъморчилигида ўхшаши топилгани йўқ. Меъморчиликда симметрия усулини ҳам шу цивилизация вакиллари қашф этишган<sup>121</sup>.

Цивилизацияга эришган жамоалар бошқа халқлар билан маданий ва этник яқинликда бўлади. Марказий Осиёда оксликлар халқаро савдо ва маданий алоқаларга ҳам асос солган<sup>122</sup>. Бронза даврида Ўрта Осиёда кечган маданий алоқалар, савдо ишлари ва алоқа йўллари ҳақида тадқиқотчилар маълум даражада изланишлар олиб боришган<sup>123</sup>. Қадимги Шарқ ва Окс цивилизацияси ўртасида ўрнатилган маданий алоқалар анча яхши ўрганилган. Айниқса, Бактрия худудида Шўртўғай ёдгорлигининг очилиши бу мавзунинг асоси бўлиб хизмат қилган<sup>124</sup>.

Окс цивилизацияси вакиллари нафақат ривожланган шарқ маданияти, балки Евроосиёнинг кўчманчи халқлари билан ҳам маданий алоқалар олиб борган. Сўнгги йилларда Ўрта Осиёнинг бронза даври ёдгорликларида, Афғонистон, Эрон ва кўп-

---

<sup>121</sup> Аскарлов А. А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. — Самарканд. — 1993. — 187с; Массон В. М. Алтын-Деле // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. Л.: 1981. — 324 с; Сарианиди В. И. Исследования памятников Дашлинского оазиса // Древняя Бактрия. Материалы 1969 — 1973 гг. — М.: Наука, 1976. — С. 21 — 86; Сарианиди В. И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. — Ашгабат, 2002. — 279 с.

<sup>122</sup> Массон В. М. Проблема древней Бактрии и новый археологический материал // СА. — М.: 1958. — № 2. — С. 49 — 65; Массон В. М. Протогородская цивилизация юга Средней Азии // СА. — М.: 1967, №3. — С. 165-190.

<sup>123</sup> Щетенко А. Я. О торговых путях эпохи бронзы по материалам Туркменистано-Харапских параллелей // КСИА. Вып. 122. — М.: 1970. — С. 17 — 21; Сарианиди В. И. Об одной группе культовых изделий Бактрии // СА №3, 1979. — С. 262 — 265; Ширинов Т. Ш. Древнейшие торговые пути Средней Азии (III — II тыс. до н. э.) // Формирование и развитие трасс великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. Тезисы докладов международного семинара ЮНЕСКО. — Ташкент. 1990. — С. 34 — 39.

<sup>124</sup> Frangfort H. P. Fouilles de Shortughai. Recherches sur L'Asie Central protohistoriques. V. I. II. — Paris: Bocard, 1989.

лаб Хараппа маданияти ёдгорликларида кўчманчи Андроново маданиятига хос бўлган сополларнинг учраши табиий ҳолга айланиб бормоқда<sup>125</sup>. Фандаги кейинги хулосаларга кўра Оксликлар Хараппа, Қадимги Эрон, Андроново маданиятлари билан бевосита, Сурия, Хетт, Месопотамия билан эса билвосита алоқада бўлган<sup>126</sup>.

Ўрганилаётган цивилизация вакиллари Марказий Осиё халқлари тарихида санъатнинг бир қатор турларига асос солишганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Булар ҳайкалтарошлик ва глиптика соҳаларидир. Санъатнинг бу турлари халқларнинг дунёқарашларидан шохидлик беради.

Жарқўтондан топилаётган терракот ҳайкалчалар мисолида зоолатрик дунёқарашлар ҳам ривож топганлигини кузатишимиз мумкин. Маълумки, терракот ҳайкалчалар ўша замон кишиларининг идеологик қарашларини ўзида мужассам этади. Сигир (хўкиз), туя, илон, бургут, икки ўрқачли туя каби ҳайвонлар шаклида ифодаланган терракот ҳайкалчалар асосида Окс цивилизацияси аҳолисининг зоолатрик диний қарашларини аниқлашимиз мумкин. Жарқўтонда аجدодлар руҳига ибодат каби дин турининг мавжуд бўлганлигини бу ердан топилган, лойдан ясалган иккита эмбрион шаклли, иккиқат аёлнинг қорин қисми ва ўлган эркак кишининг бюст ҳайкали мисолида кузатиш мумкин<sup>127</sup>.

---

<sup>125</sup> Рахманов У. В., Шайдуллаев Ш. Б. О влиянии культур степной бронзы... – С. 58 – 63.

<sup>126</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореферат дис.... д. и. н. – Самарканд, 2009. – С. 28.

<sup>127</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Этапы возникновения и развития государственности... – С. 34.



4-расм. Окс цивилизацияси муҳрларидан намуна.

Бақтрия ва Марғиёналиклар Марказий Осиёда глиптика соҳасига ҳам асос солган. Бронза даври глиптикаси муҳрларда, туморларда, мунчоқларда ифодаланган. Глиптика моддий маданият манбалари орасида энг кўп тарихий маълумотлар бериб, уларда ифодаланган тасвирлар бронза даври аҳолисининг санъати, мифологик ва диний дунёқарашлари, табиат манзаралари, ҳайвонот дунёси, бошқа халқлар билан маданий алоқалари, қадимги халқлар миграцияси каби маълумотларни беради.

Окс глиптикаси тарихини ўрганишни икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр ўтган асрнинг 70 – 80-йилларини ўз ичига олиб бу давр глиптика бўйича манбаларнинг йиғилиши ва глиптикага оид тасвирлар ифодаланган муҳрларнинг вазифалари хусусидаги билимларнинг тўпланиши билан характерланади<sup>128</sup>. Бу даврда Даштли, Сополли, Жарқўтон, Тўғолоқ, Гонур каби ёдгорликлардан кўплаб муҳр ва тақинчоқлар

<sup>128</sup> Антонова Е. В. К проблеме функций печатей ранних земледельцев Востока. СА. №4, 1984. – С. 26 – 34.

стратиграфик жиҳатдан аниқликлар киритилган ҳолда фанда ёритилган бўлса<sup>129</sup>, Афғонистон бозорларида сотилаётган юзлаб муҳрлар антиквар маҳсулот сифатида намоён бўлди<sup>130</sup> ва ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Окс глиптикаси бўйича кейинги 20 – 25 йилдаги тадқиқотлар асосан чет эллик олимлар фаолияти билан боғлиқ<sup>131</sup>. Бактрия тарихи бўйича кўплаб ғоялар муаллифи П. Амее илк марта Бактрия глиптикасида Сурия ва Хетт маданиятларининг таъсири масаласини кўтарган<sup>132</sup>. Унинг фикрича, Бактрия глиптикасида ифодаланган қанотли одамлар, қанотли ҳайвонлар илк марта Кичик Осиёда шаклланиган ва Эрон, Жанубий Туркменистон орқали Бактрияга тарқалган. Бактрия ва Марғиёна глиптика мактабининг шаклланишида Кичик Осиёнинг таъсири масаласи йирик археолог олимлар, жумладан, италиялик профессорлар С. Салватори ва М. Тоси<sup>133</sup>, япониялик шарқшунос олимлар ва археологлар К. Танаби, А. Хори, К. Ишида томонидан ҳам эътироф этилган<sup>134</sup>.

<sup>129</sup> Масимов И. С. Новые находки печатей эпохи бронзы с низовий Мургаба. СА. №2, 1981. – С. 132 – 150.

<sup>130</sup> Sarianidi V. I. Seal-Amulets of the Murgab Style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. Recent Soviet Discoveries. Ed. by Kohl P. L., New York, 1981.

<sup>131</sup> Amiet P. Elam and Baktria. Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. Roma-Venezia, 1989; Amiet P. L'age des echanges inter-iraniens 3500 – 1700 avant. P., 1986; Baghestani Suzanne. Metallene Compartimentsiegel aus Ost-Iran, Zentralasien und Nord-China. Archäologie in Iran und Turan. Band 1. Leidorf, 1997.


<sup>132</sup> Amiet P. Glyptique Susienne. Des origines a L'epoque des perses Achemenides (MDAI, t. XLIII). Paris, 1972;

<sup>133</sup> Salvatori S. Bactria and Margiana Seals. East and West. Vol. 50, 2000, P. 97 – 145; Tosi M. A Topographical and Stratigraphical Periplus of Sahre Suxteh. Proc. ASARI 1975, 1976, P. 130 – 158; Tosi M. Excavations at Shahr-i Sokhta. Preliminary Report on the Second Campaign, Sept. –Dec. 1968, EW 19, 1969, P. 283 – 386.

<sup>134</sup> Tanabe K., Hori A., Ishida K., Nagasawa M., Itami S. Animals in the Art of the Ancient Orient. The Ancient Orient Museum, Tokyo, 1983.

Келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Марказий Осиё халқларининг маданий ривожланиши Окс цивилизацияси давридан бошланади. Илк шаҳар маданияти, жамиятнинг синфий дифференцияси, давлатчилик, ички ва ташқи маданий алоқалар заминида шаклланган ва ривожланган техник ва технологик янгиликлар (айланма механизмининг кашф этилиши, яъни сопол чархи ва арава каби), диннинг марказлашув жараёнининг кечиши Окс цивилизацияси даврига хосдир.

Шундай қилиб, мил. авв. III минг йиллик сўнгида Бақтрия ва Марғиёнада Окс цивилизацияси шаклланган, II минг йиллик давомида унинг буюк тарихий даври бошланган ва ниҳоятда кенг ҳудудга, Шарқий Афғонистон, Белужистон, Шарқий Эрон, Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларига тарқалган. Бу цивилизация умумлашган моддий маданият белгилари билан характерланади ва доимо шимолдан янги этник гуруҳларнинг, Андроново маданиятининг қўшилиб туриши билан ва жануб томон кенгайиб бориши билан характерланади.



5-расм. Сополлитепа ер юзидаги энг қадимги лабиринт тизими қўлланилган меъморчилик иншооти.

## **II БОБ. ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ, ЕТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ЖАРАЁНЛАРИ**

### **II. 1. Окс цивилизациясининг пайдо бўлишида миграцияларнинг ўрни**

XIX аср охири ва XX аср бошларидан бошлаб жамият тараққиётини ўрганишда цивилизацион ёндашишлар бошланган. Урбанистлар М. Вебер, А. Тойнби, О. Шпенглер, Ф. Бродел, Ж. М. Гофф каби олимлар жамиятнинг ривожланишини локал цивилизацияларнинг доиравий – спирал тарзида ривожланиш ғоясини илгари сура бошладилар<sup>135</sup>. О. Шпенглернинг "... ҳар бир цивилизация ривожланиш босқичларидан ўтиш керак"-лиги тўғрисидаги фикрнинг пайдо бўлиши ҳам цивилизацион тараққиёт ғоясининг ривожланишида муҳим босқич бўлди<sup>136</sup>.

Рус тадқиқотчилари орасида ҳам тарихни ўрганишда цивилизацион ёндашувни ёқлаб чиқувчилар сони ортиб бормоқда, жумладан Н. Я. Данилевский, К. Леонтьев, П. Сорокин, Л. Н. Гумилевлар биринчилардан шу йўлни танлаган ва ўз асарларини ёритишда цивилизацион ривожланиш йўлига алоҳида эътибор берган. Улар мисолида тарихни даврлаштиришда марксча формацион усулдан воз кечиш ва цивилизацион тараққиёт усулини қўллаш тарафдорлари пайдо бўлди десак хато бўлмайди. Бу соҳада биринчилардан бўлиб формацион қарашларни танқид қилган олим И. М. Дьяконов бўлиб, у жаҳон халқлари тарихий тараққиётини саккизта фазага бўлиш ғояси билан чиқди ва ўзи истамаган ҳолда формацион қарашларга яқин бўлган даврлаштиришни тақдим этди<sup>137</sup>.

<sup>135</sup> Тойнби А. Дж. Постигжение истории. – М.: 1991. – С 86, 87.

<sup>136</sup> Шпенглер О. Закат Европы: очерки морфологии мировой истории. Т. I. – М.: 1993. – С. 55.

<sup>137</sup> Дьяконов И. М. Пути истории: От древнейшего человека до наших дней. – М.: 1994.

Йирик назариётчи олим Ю. В. Яковец тарихнинг эволюцион тарзда ривожланиш ғоясини илгари суради ва жамиятнинг босқичма-босқич тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлайди. У ҳам формацион ёндашув ғоясини танқид қилади ва жамият тараққиёти коммунистик формация билан тугалланиши тарихий тараққиётга зид эканлигини кўрсатиб берди<sup>138</sup>. У ўз тадқиқотларида жаҳон цивилизацияларнинг таркибини ва биридан иккинчисига ўтиш давридаги чегараларни кўрсатиб, уларнинг таъсирида бошқа жамоаларнинг динамик ривожланишини ҳам асослаб берди. Ҳар бир цивилизациянинг туғилиш, тарқалиш, етилиш, кризис ва ҳалокати тарихий жараён эканлиги ва бу жараёнлардан сўнг ўтиш даври бошланишининг муқаррарлигини, ўтиш даври давомида эса янги идеологик ғоялар асосида, ривожланган моддий маданиятнинг пайдо бўлиши натижасида янги цивилизациянинг шаклланиши янги тарихий жараён эканлигини асослади<sup>139</sup>.

Цивилизация тушунчаси умумжамят тизимини англашда категория бўлиб, жамиятнинг ҳар хил элементларини ўзида мужассам этади. Буларнинг энг асосийлари дин, маданият, иқтисод, сиёсий ва ижтимоий ташкилотлар бўлиб, улар ҳар бир цивилизацияга ҳар хил характер бағишлайди.

Археология фанининг асосий предмети нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, таъкидлаш жоизки жамият тараққиётини ўрганишда цивилизацион қараш энг мақбул вариантлардан биридир<sup>140</sup>. Ҳар хил археологик маданиятларга хос моддий манбаларни ўрганиш давомида цивилизацияларнинг туғилиши, уларга хос бўлган анъаналар ва инновацион жараёнлар археологик артефактларда ўз ифодасини топади. Айниқса, қўплаб

<sup>138</sup> Яковец Ю. В. История цивилизации. – М.: 1997. – С. 44.

<sup>139</sup> Яковец Ю. В. История цивилизации... – С. 39 – 52.

<sup>140</sup> Массон В. М. Ритмы культурогенеза и концепция ранних комплексных обществ // Вестник российского научного гуманитарного фонда. СПб. 1998. № 3. С. 1-95.

маданиятларнинг қоришуви натижасида, Ўрта Осиёда кечган халқларнинг этномаданий жараёнлари тарихини ўрганишда бу усул янада мақбулдир.

Милoddан аввалги IV – III минг йилликларда Нил, Евфрат, Ҳинд ва Хуанхе каби дарё ҳавзаларида шаклланган Миср, Шумер, Шан, Ҳинд (Хараппа), Миной маданиятлари жаҳон халқлари тарихида бирламчи, Қадимги Шарқ цивилизацияси номини олди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XX аср давомида Ўрта Осиёда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида илгари номаълум бўлган кўплаб археологик маданиятлар кашф этилди<sup>141</sup>.

Бу кашфиётлар тарих фани олдига янги масалаларни, яъни Қадимги Шарқ цивилизацияси тизимида Ўрта Осиёнинг тутган ўрнини аниқлаш вазифасини қўймоқда. Бу ҳудудда шакл-

---

<sup>141</sup> Аскарлов А. А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд. – 1993. – 187с; Аскарлов А. А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана. – Тошкент, Фан, 1977. – 248 с; *Заднепровский Ю. А.* Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. Вып. 118. 1962 – 278 с; *Исаков А. И.* Саразм. – Душанбе, 1991. – 328 с; *Итина М. А.* История степных племен Южного Приаралья // ТХАЭЭ, Т. X. – М.: 1977. – С. 217; *Кузмина Е. Е.* Классификация и периодизация памятников Андроновской культурной общности // Бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып. 9. – М.: 1985. – С. 43 – 62; *Литвинский Б. А.* Бронзовый век // ИТН. Том I. – М.: 1963. – С. 56 – 68; *Литвинский Б. А.* Древние кочевники «крыша мира». – М.: 1972. – 269 с; *Массон В. М.* Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. Л.: 1981. – 324 с; *Массон В. М.* Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 1959. – № 73. – 239 с; *Сагдуллаев А. С.* Усадьбы Древней Бактрии. – Ташкент, 1987. – 127 с; *Сарианида В. И.* Древние земледельцы Афганистана. – М.: Наука, 1977. – 184 с; *Сарианиди В. И.* Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002. – 279 с; *Хиберт Ф., Мур К.* Новые стратиграфические раскопки в Гонур-депе(север) // Информационный бюллетень МАИКЦА. Вып. 19. 1994. – С. 109 – 119; *Хлопин И. Н.* Юга-западная Туркмения В эпохе поздней бронзы. – Л.: 1983. – 259 с.; *Шайдуллаев Ш. Б.* Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент, 2000. – 119 с.

ланган маҳаллий ўтроқ маданиятлар илк цивилизациялар даражасигача ривожланган ва бу жараёнда ташқи таъсир масаласи ҳеч бир тадқиқотчи томонидан инкор этилмайди. Ўрта Осиё халқлари маданиятларининг шаклланишида миграция жараёнлари ниҳоятда катта роль ўйнаган ва унинг уч хил характери кўрсатиш мумкин:

Биринчиси колонизация характерида бўлиб, тайёр маданиятларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши билан характерланади;

Иккинчи кўринишда ташқаридан келган маданиятлар маълум вақтгача маҳаллий маданиятлар билан алоқага кирмаган. Миграциянинг ушбу кўринишида ташқаридан келган маданиятлар маҳаллий халқлар маданиятидан паст даражада бўлганлиги кузатилади;

Учинчи ҳолатда миграциялар илғор ривожланган цивилизациялар ҳудудидан бошланган, ушбу ҳолда маҳаллий халқ келгиндилар маданиятини қабул қилган ва ассимиляция жараёнлари бошланган<sup>142</sup>.

Ўрта Осиёда қадимги цивилизацияларининг шаклланишида миграцион жараёнларнинг ҳар учта кўриниши кенг археологик манбалар асосида кузатилади ва қуйида бу жараёнларни кўриб чиқамиз.

Умуман олганда, бронза даврига оид Қадимги Шарқ цивилизациялари минтақалари тарихи буюк миграция жараёнлари билан чамбарчас боғлиқдир<sup>143</sup>. Мил. авв. IV минг йилликда Мисрға янги қабилаларнинг миграцияси ва халқларнинг қо-

---

<sup>142</sup> Кузьмина Е. Е. О некоторых археологических аспектах проблемы происхождения индоиранцев // Переднеазиатский сборник. Древняя и средневековая история и филология. М., 1986. С. 175; Титов В. С. К изучению миграций бронзового века. // Археология Старого и Нового Света. М., 1982. С. 99 – 100.

<sup>143</sup> Титов В. С. К изучению миграций бронзового века // Археология Старого и Нового Света. М., 1982. С. 89 – 145.

ришув и натижасида этномаданий жараёнларнинг юз бериши, моддий маданиятда янги анъаналарнинг шаклланиши кузатилади ва тадқиқотчилар томонидан ҳақли равишда бу маданий қоришув Месопотамиядан келган жамоалар билан юзага келганлиги таъкидланади.

Бронза даврида аккадликлар миграцияси ҳам кузатилади. Улар бевосита Шумер шаҳар-давлатлари, ибодатхоналаригача кириб борган ва натижада Месопотамия халқининг семитлашиш жараёнига асос солинган. Ундан сўнг гиксослар, касситлар, амморитлар, хурритлар, лувийлар ва албатта индоевропалар ва индоарийларнинг миграция жараёнлари кузатилади<sup>144</sup>. Таъкидлаб ўтиш жоизки, мил. авв. III минг йиллик охиридан бошлаб Ўрта Осиёда ҳам ҳар хил маданият соҳибларининг, айниқса индоарийларнинг миграцияси кучаяди<sup>145</sup>.

Марказий Осиё, қолаверса бутун шарқда энг қадимги ўтроқ маданиятлардан бири Жойтун бўлиб, у Копетдоғ ён бағриларида неолит давридан бошлаб, маҳаллий анъаналар асосида шаклланган. Ўтроқ, деҳқончиликка асосланган маданият сифатида унинг тарқалиш географиясининг кенгайиши, ривожланиши кузатилади ва Жанубий Туркменистоннинг Сумбар, Атрек, Номозгоҳ ҳудудларига тарқалади<sup>146</sup>.

В. И. Сариянидининг фикрига кўра милoddан аввалги III минг йиллик охирлари – II минг йилликнинг бошларига келиб

<sup>144</sup> История древнего Востока. Зарождение древнейших классовых обществ и первые очаги рабовладельческой цивилизации. Часть первая. Месопотамия. Под. Ред. И. М. Дьяконова. – М.: 1983; История древнего мира. Часть I. – М.: 1983. – С. 148.

<sup>145</sup> Кузьмина Е. Е. Арии – путь на юг. – М.: - С. Пб. Летний сад, 2009. 557 с.; Кузьмина Е. Е. Откуда пришли индоарии? М.: 1994. – С. 224.

<sup>146</sup> Сарияниди В. И. Энеолитическое поселение Геоксюр (Результаты работ 1956 – 1957гг // Тр. ЮТАКЕ, Т. X. Ашгабат, 1960. – С. 34 – 48; Массон В. М. Первые цивилизации. – Л.: 1989. – С. 291; 3. 129. Массон В. М. Поселение Джейтун. – Л.: 1971. – С. 324; Массон В. М. Средняя Азия и Древний Восток. – М.: -Л., 1962. – 423 с.

Жанубий Туркменистоннинг Келели, Ажикуй, Аучин, Таип, Гонур, Тўғолоқ, Адам-Басан, Тохирбой каби деҳқончилик ўлкалари илк шаҳар маданиятига эга бўлган, хунармандчиликнинг деярли барча соҳалари ривожланган маданият соҳиблари томонидан, экспансион миграция натижасида эгалланган<sup>147</sup>. Бир вақтнинг ўзида Келели деҳқончилик воҳасида 13 та, Ажикуй деҳқончилик воҳасида 7 та, Аучин деҳқончилик воҳасида 14 та, Таип деҳқончилик воҳасида 8 та, Гонур деҳқончилик воҳасида 15 та, Тўғолоқ воҳасида 30 дан ошди, Адам-Басан воҳасида 10 та, Тохирбой деҳқончилик воҳасида 12 та, Мурғоб дарёси бўйида жами 100 дан ортиқ бронза даври ёдгорликлари пайдо бўлган. Тадқиқотчилар томонидан ёдгорликларнинг хронологик даврлари ҳам аниқланган<sup>148</sup>. Бу аҳоли ўзига хос юқори моддий маданият яратишлари билан бирга Месопотамия ва Ҳиндистон билан яқин маданий алоқада бўлишган ва бронза даврида халқларнинг миграцияси жараёнида фаол иштирок этган.

Мурғоб воҳасида пайдо бўлган бу маданият соҳибларининг иккинчи миграцион тўлқини, яъни Бактрия колонизацияси даври бошланади. В. И. Сариянидининг тадқиқотларига кўра илк цивилизация вакиллари Жанубий Бактриянинг тўртта суғориш районига – дарёлар бўйларида жойлашган. Булар Давлатобод, Фаррухобод, Даштли ва Ничкин ҳудудий деҳқончилик воҳалари бўлиб, кўчиб келган аҳоли табиий суғоришга қулай бўлган жойларга ўрнашган<sup>149</sup>. Давлатобод деҳқончилик воҳасида 4 та, Даштли деҳқончилик воҳасида 40 дан ортиқ бронза даври ёдгорликлари жойлашганлиги аниқланган.

Ничкин ва Фаррухобод деҳқончилик воҳаларида ҳам моддий маданияти Даштли маданиятига хос бўлган бронза даври

<sup>147</sup> Сарияниди В. И. Древности страны Маргуш. – Ашгабад, 1990. – С. 6.

<sup>148</sup> Кошеленко Г. А., Губаев А. Г., Гаиров В. А., Вадер А. Н. Мервский оазис: динамика систем расселения и ирригация // ВДИ. – М.: 1994, №4. – Карты 1 – 4.

<sup>149</sup> Сарияниди В. И. Исследования памятников Дашлинского оазиса // Древняя Бактрия. Материалы 1969-1973 гг. – М.: Наука, 1976. – С. 21-86.

ёдгорликлари борлиги хусусида маълумотлар келтирилган, аммо илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган<sup>150</sup>.

Шимолий Бактрия, Сурхон воҳасида ҳам бронза даври ёдгорликлари сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Сополли, Жарқўтон, Тиллабулоқ, Арабулоқ каби ёдгорликлар деярли бир вақтда пайдо бўлган ва эволюцион тарихий тараққиёт натижасида Молали ва Бўстон ёдгорликлари шаклланган. Янги пайдо бўлган маданият соҳиблари миграцион жараёни, янги ерларни ўзлаштиришни жамоа олдидиги бирламчи вазифалардан бири деб билганлиги сабабли бу жараёни тўхтатмаган. Навбатдаги миграцион ҳудуд Жанубий Тожикистоннинг Вахш, Кафирнихон бўйлари бўлиб, бу ҳудудларда ҳам ўнлаб янги ёдгорликлар бунёд этилади<sup>151</sup>. Археология фанида бу маданиятларга нисбатан БМАК ёки Окс цивилизацияси номлари қўлланмоқда<sup>152</sup>.

Окс цивилизациясининг шаклланиши муаммоси тадқиқотчи – археологлар томонидан кенг муҳокама этилмоқда ва шу нарса аниқки Бактрия ва Марғиёнада бу цивилизациянинг илдилари кузатилмайди. Шу нарса ҳам аниқки, тадқиқотчилар илдизи маҳаллий халқлар анъанаси билан боғланмайдиган маданиятларнинг асосини ташқаридан излайдилар. Кўпчилик олимларнинг умум фикрига кўра Окс цивилизацияси Қадимги Шарқ халқларининг миграцияси натижасидир<sup>153</sup>.

<sup>150</sup> *Сарианида В. И.* Древние земледельцы... – 184 с.

<sup>151</sup> *Vinogradova N.* Die spatbronzezeitliche Siedlung Tasguzor in Sudtadzikistan // AMIT. Band 31, - Berlin, 1999. – P. 33 – 46; *Пьянкова Л. Т.* Древние стоговоды Южного Таджикистана. – Душанбе, Дониш, 1989. – 208 с; *Пьянкова Л. Т.* К вопросу о семейных и общественных отношениях в эпоху поздней бронзы (по материалам могильников Вахшской культуры) // МКТ. Вып. 4. – Душанбе, 1987. – С. 43-70.

<sup>152</sup> *Аскаров А. А.* Древнеземледельческая культура на юге Узбекистана. Т., 1977; *Сарианиди В. И.* Древние земледельцы Афганистана. М., 1977; *Сарианиди В. И.* Древности страны Маргуш. Ашхабад 1990; *Sarianidi V. I.* Civilisation of Margiana. Athene, 1999.

<sup>153</sup> У истоков цивилизации. Сборник статей к 75-летию В. И. Сарианиди. – М.: 2004. – 466 с.

Марказий Осиёнинг ўнлаб бронза даври ёдгорликлари тадқиқотчиси ва кўплаб ғоялар муаллифи В. М. Массон Мурғоб воҳасида пайдо бўлган янги маданиятнинг илдизларини Копетдоғ ён бағриларида неолит ва энеолит даврларида шаклланган маданият соҳибларининг миграцияси билан боғлайди ва Шимоли-Шарқий Эрон ҳудудидан кўчиб келган аҳоли билан қоришуви натижасида Марғиёна археологик комплекси шаклланган деб ҳисоблайди<sup>154</sup>. Академик А. А. Асқаров Марғиёнада шаклланган бу янги маданият Бақтрия бўйлаб тарқалган деган ғояни илгари суради<sup>155</sup>.

В. И. Сарияниди Мурғоб воҳасининг Копетдоғликлар томонидан ўзлаштирилганлигини инкор этмаган ҳолда, БМАКнинг шаклланишини Эроннинг бронза даври ёдгорликлари билан боғлайди ва моддий маданиятдаги яқинликни ўз фикрига асос қилиб олади<sup>156</sup>.

М. И. Филанович Окс цивилизациясининг пайдо бўлиши тўғрисидаги тадқиқотида, миграция ғоясини қўллаб-қувватлайди<sup>157</sup>. Унинг фикрича, биринчи цивилизация ҳудудларида энг аввало иқтисодий таназзул, мумкинки табиатда юз берган ксеротермик ҳолат натижасида аҳолининг шимолга, янги ерларни ўзлаштириш мақсадида миграцион ҳаракатлар бошланган ва Марғиёна ва Бақтриянинг деҳқончиликка қулай бўлган ҳудудларига келиб жойлашган. Окснинг биринчи цивилизациялар моддий маданиятига ўхшамаслигининг сабабини мигра-

<sup>154</sup> Массон В. М. Адтындепе. Л., 1981. С. 91, 130 – 131.

<sup>155</sup> Асқаров А. А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана – Ташкент, 1977. – 248 с

<sup>156</sup> Сарияниди В. И. Первые индоиранцы в Центральной Азии. // Комплексные общества Центральной Азии в III – I тыс. до н. э. региональные особенности в свете универсальной модели. Материалы к международной конференции. Челябинск-Аркаим. 1999. С. 276.

<sup>157</sup> Филанович М. И. Интеграция в формировании древних цивилизаций на территории Узбекистана (эпоха бронзы и раннего железа) // International Journal of Central Asian Studies. Volume 8. 2003. – С. 22 – 32.

ция давомиди транзит ҳудудлар моддий маданияти билан ассимиляциялашиш жараёнини бошидан кечирган деб ҳисоблайди.

Эслаб ўтганимиздек, Окс цивилизациясининг пайдо бўлиши муаммоси билан асосан моддий манбалар асосида фикрловчи археологлар шуғулланган. Фикримизча, бу цивилизацияни ўрганиш борасида жамиятшунос, урбанист олимларнинг тадқиқотлари етишмайди. Урбанист олимларнинг умумий фикрларига кўра, жамият тараққиёти, цивилизациялар бир гуруҳ “иждоқор гуруҳ”лар, даҳолар, буюк инсонлар томонидан амалга оширилади<sup>158</sup>. Ўрганилаётган цивилизация энг қадимги, ёзувсиз даврларга оидлиги боис шахслар-даҳолар ҳақида гапириш ноўрин бўлса-да, таъкидлаш жоизки, бу цивилизация вакилларида қолган меъморчилик бинолари, алоҳида сарой ёки ибодатхона сифатли, умумжамоа учун хизмат қилган бинолар “иждоқор гуруҳ”лар манфаати учун хизмат қилган бўлиши мумкин.

Урбанист олимлар томонидан ҳар бир цивилизациянинг туғилиш, ривожланиш, синиш, парчаланиш ва ҳалокати даври бўлиши таъкидланмоқда. Бизнинг фикримизча ибтидоий жамиятдан цивилизацияон тараққиётга ўтиш даврида “иждоқор гуруҳ”лардан ташқари яна учта омил зарур бўлади. Биринчи ва энг асосийси табиий шароит бўлса, иккинчиси жамиятнинг ички тараққиёти ва сўнггиси жанговар қўшниларида ҳарбий хавфидир. Мана шу учта омил цивилизациянинг шаклланишини тезлатиши ва ёки секинлаштириши мумкин.

Бақтрия ва Марғиёнада илк бронза даврида аҳоли зич эмаслигини, аҳолининг асосан Копетдоғ тоғ бағриларида яшаганлигини инобатга олиб Окс цивилизациясининг шаклланишида аҳоли миграциясини тан оламиз. Аммо, Қадимги Шарқнинг қайси ҳудудидан келганлигини бош масала қилиб қўйиш жамият тараққиётини ўрганишда тўғри йўл эмаслигини таъ-

<sup>158</sup> *Toynbee A. J. A Study of History. Vol. III. — p. 111.*

кидлаган ҳолда, цивилизация тараққиётдаги кейинги, унинг ривожланиш босқичи тўғрисида тадқиқот ишларини олиб бориш лозим бўлади.

Цивилизацияларнинг ривожланиш даври унинг “олтин даври” ҳисобланади. Шу даврда жамоанинг ягона мақсад сари бирлашуви жараёни кузатилади. Кам сонли ижодкор - йўлбошчилар жамиятни ривожлантириш ғояларини, йўлларини топади, жамоа эса уларга эргашади. Айнан ривожланиш даврида цивилизациянинг характери намоён бўлади. Бизга маълумки, эллин цивилизациясига эстетика, ҳинд цивилизациясига диний ҳамоҳанглик, европа цивилизациясига илмий-техник хусусиятлар характерли бўлса, оқс цивилизациясига яратувчанлик хусусиятлар хосдир.

Оқс цивилизациясининг характерли белгилари қуйидаги жиҳатларда кўринади:

– меъморий жиҳатдан симметрик услубда, юқори ривожланган фортификация анъанасида қалъа кўринишга эга бўлган ибодатхона ва саройларнинг бунёд этилиши (Жаркўтон саройи ва ибодатхонаси, Келели саройи ва ибодатхонаси, Даштли саройи ва қалъаси, Тўғолоқ ибодатхонаси ва бошқалар)<sup>159</sup>;

– Қадимги Шарқ меъморчилигида янгилик бўлган, фортификацияда уч қаторли муҳофаа деворларининг лабиринт тизимда қурилиши фақат шу цивилизация вакиллари хосдир (Сополлитепа, Даштли)<sup>160</sup>;

– гипс, тупроқ ва сомон қўшиб тайёрланган массадан пол ясаш ва деворларини суваш анъанаси илк бор шу халқ меъморчилигида кузатилади<sup>161</sup>;

<sup>159</sup> Аскаров А. А, Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд. – 1993. – 187с; Сариянида В. И. Древние земледельцы Афганистана. – М.: Наука, 1977. – 184 с; Сариянида В. И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002. – 279 с.

<sup>160</sup> Аскаров А. А. Сапаллитепа..., ; Сариянида В. И. Древние земледельцы Афганистана...

<sup>161</sup> Huff D, Pidaev Ch, Chaydoullaev Ch. Uzbek-German archaeological

– майитларни яшаётган уйларининг поллари, деворлари, эшиклари, йўллар тагига кўмишлари билан бирга алоҳида жойлашган катта қабристонларга ҳам эга бўлган. Майитлар чакалоқ она қорнида ётгани сингари, ғужанак ҳолатда, атрофига ҳар хил шаклли сопол идишлар, металл, тош, суяк, ёғочдан ясалган предметлар, курул-аслаҳа ва тақинчоқлар қўшиб кўмиш анъана бўлган<sup>162</sup>;

– жинсий дифференция ниҳоятда кучли бўлган, аёллар чап, эркаклар ўнг биқини билан кўмилиши муқаррар белгилаб қўйилган<sup>163</sup>;

– қабрларнинг 5 – 7 % ини кенотўфлар ташкил этган<sup>164</sup>;

– Окс цивилизациясида майитларга муносабат масаласида доимий инновацион ҳолатларнинг қабул қилиниши характерлидир. Майитни хумга солиб кўмиш, анатомик бутун бўлмаган, таҳлаб қўйилган скелетларнинг учраши, скелет ўрнида ҳар хил ҳайвон суяқларининг учраши (кўпроқ қўй скелети), майит ўрнига лойдан ясалган ҳайкалларнинг қўйилиши, қабрда кул қолдигининг кузатилиши, қабристонда крематорияларнинг қурилиши каби белгилар инновацион жараёнлар жумласига киради<sup>165</sup>;

---

researches in the Surkan Darya region // *La Bactriane au carrefour des routes et des civilisations de l'Asie centrale*. – Paris, 2001. – Fig. 10.

<sup>162</sup> Аскарлов А. А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана – Ташкент, 1977. – 248 с

<sup>163</sup> Алексин В. А. Социальный строй раннеземледельческих обществ по погребальным памятникам культур Средней Азии и Ближнего Востока. Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – М.: ИА АН СССР. 1977. – С. 21.

<sup>164</sup> Ионесов В. И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Самарканд. ИА АН Уз. ССР. 1990. – 21 с.

<sup>165</sup> Avanesova N. A. Spätbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flusoase nach den Befunden der Nikropole Bustan 6 // *AMIT* 29, 1997, – P. 147 – 178.

– Оксликлар сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликни ҳар томонлама ривожлантирган ва Ўрта Осиёда ортиқча бойликнинг пайдо бўлишига олиб келган бир ер участкасидан бир неча маротаба ҳосил олиш усулини қўллашган<sup>166</sup>;

– деҳқончиликда ерга ишлов беришда ҳайвон кучидан фойдаланишни бошлаб берган<sup>167</sup>;

– кулолчилик ашёлари икки ярусли хумдонларда жуда сифатли пиширилган ва бошқа маданиятларга хос бўлмаган бетакрор шаклларда ясалган. Узун оёқчали қадах, ваза, ҳар хил шакл бериб ишланган жумракли чойнаклар, конус шакли идишлар шулар жумласига киради<sup>168</sup>;

– гардишларига ҳар хил ҳайвонларнинг терракот ҳайкалчалари қўйиб ясалган сопол ва металлдан ясалган идишлар мажмуаси ҳам шу цивилизацияга хос бўлиб у оксликларнинг зоолатрик мифологик дунёқарашларини ифода этади<sup>169</sup>;

– кулолчилик буюмларининг стандарт шаклларда ясалиши ва оммавий ишлаб чиқарилиши ҳунармандлар уюшмасининг ва товар алмашиш муносабатларининг шаклланганлигини кўрсатади<sup>170</sup>;

– металл, юмшоқ таркибли тошлар, сопол, суяк, ёғочдан ясалган ҳар хил мифологик ва реал тасвирлар ифодаланган муҳр ва туморлар оксликлар санъатининг бетакрор жиҳатидир. Окс глиптикасида анъана ва инновацион жараёнлар ниҳоятда

---

<sup>166</sup> *Массон В. М.* Протобактрийский блок древневосточных цивилизаций (К выходу книги: Amiet P. L'age des echanges inter-iraniens 3500 – 3700 avant J. – С. Paris, 1986) // Информационный бюллетень МАЙКЦА Вып. 14, М.: 1988. – С. 56 – 78.

<sup>167</sup> *Аскаров А. А., Ширинов Т. Ш.* Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд. – 1993. – 187с;

<sup>168</sup> *Рахманов У.* Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана. Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Самарканд, ИА АН РУз. ССР 1987. – С. 19.

<sup>169</sup> *Sarianidi V.* Margiana and Protozoroastrism. – Athens, 1998. – P. 241.

<sup>170</sup> *Массон В. М.* Экономический и социальный строй древних обществ. – Л.: Наука, 1976. – С. 184.

яхши кузатилади. Хараппа маданиятининг цилиндрик шакли муҳрлари, қаҳрамон - паҳлавонларнинг ҳайвонот дунёси билан жанги ифодаланган Сурия тасвирлари анъанаси шулар жумласидандир<sup>171</sup>;

– ҳар хил юмшоқ таркибли тошлардан ясалган, эллин меъморчилик маданиятига хос бўлган колонналар кўринишидаги предметлар. Ушбу предметлар ҳам бошқа маданиятлар моддий маданиятида учрамайди. Бажарган вазифасига кўра ҳам турли тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда ва илоҳийликка дахлдор деган фикр тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади<sup>172</sup>.

– Оксиклар Марказий Осиёда халқаро маданий алоқаларга асос солган. Шимолда Евроосиёнинг Андроново, Жанубда Хараппа ва Элам маданиятлари билан маданий алоқалар ўрнатилган<sup>173</sup>;

– тақинчоқлар стандарт шаклларда ясалган ва Яқин Шарқ ва Олд Осиё маданиятларидан стилистик ва ясаиш техникаси жиҳатидан тубдан фарқ қилади ва ўзига хослик характериға эга<sup>174</sup>.

Қадимги Шарқ марказларида илк цивилизация белгиларининг ифодаланиши

|    | Цивилизация<br>белгилари    | Ур<br>(Месопотамия) | Калибанган<br>(Хараппа) | Суза<br>(Элам) | Жаркўтон<br>(Окс) |
|----|-----------------------------|---------------------|-------------------------|----------------|-------------------|
| 1. | Давлатларнинг<br>шаклланиши | +                   | +                       | +              | +                 |

<sup>171</sup> *Сарианиди В. И.* Змей и драконы в глиптике Бактрии и Маргиании // Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культур древнего и среднего востока. – М.: 1986. – С. 66 – 71.

<sup>172</sup> *Sarianidi V.* Margiana and Protozoroastrism. – Athens, 1998. – P. 241.

<sup>173</sup> *Кузьмина Е. Е.* Арии – путь на юг. – М.: - С. Пб. Летний сад, 2009. 557 с; Кузьмина Е. Е. Откуда пришли индоарии? М.: 1994. – С. 224.

<sup>174</sup> *During Caspers E.* Some Motifs as Evidence For Maritime Contact Between Sumer and Indus Valley // Persica, V, 1970. – P. 112 – 134.

|     |                                           |   |        |        |        |
|-----|-------------------------------------------|---|--------|--------|--------|
| 2.  | Синфий муносабатлар                       | + | +      | +      | +      |
| 3.  | Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши             | + | +      | +      | +      |
| 4.  | Солиқ тизими                              | + | ноаниқ | ноаниқ | ноаниқ |
| 5.  | Ривожланган савдо                         | + | +      | +      | +      |
| 6.  | Ривожланган хунармандчилик                | + | +      | +      | +      |
| 7.  | Ёзув                                      | + | +      | +      | +      |
| 8.  | Ерга эгалик қилиш (аждодларга ўтиш шакли) | + | ноаниқ | ноаниқ | ноаниқ |
| 9.  | Монументал бино                           | + | +      | +      | +      |
| 10. | Фан ва санъат белгиларининг шаклланиши    | + | +      | +      | +      |

А. Ж. Тойнбининг кузатувларига қараганда цивилизацияларнинг ривожланиш, “олтин даври” дан сўнг унинг “брэждавн”, яъни синиш даври бошланади. Бу давр жамоани бошқарувчи ижодкор гуруҳларнинг азалий тақдирий хатолари даври бўлиб, сабабларини ташқаридан эмас, балки жамиятнинг ичкарасидан қидириш керак бўлади ва жамиятшунос олим буни кўпроқ психологик ҳолатлар билан боғлайди<sup>175</sup>. Эришган ютуқлардан эсанкираш, ўзларига ҳаддан ташқари ишонч, кўпроқ ўз манфаатларини қондириш истагининг устунлиги натижасида бошқарувда эпчиллик, уддабуронлик, тадбиркорлик, мослашувчанлик хусусиятлари йўқолади. Археологик жиҳатдан Жарқўтон жамоасида ҳам шу ҳолатни меъморчилик Иншоотлари асосида кузатиш мумкин. Д. Хуфф томонидан очиб ўрганилган, пол ва деворлари оқ гипс билан сувалган, “оқ сарой”ни эслатувчи монументал бинонинг кўп ишлатилмай бузиб ташланиши ва ўрнига янгисининг бунёд этилиши ижодкор бошқарувчиларнинг ўз яшаш шароитларини яхшилаш учун ҳаракатлари деб баҳо-

<sup>175</sup> *Toynbee A. J. A Study of History. Vol. III. – p. 120.*

ланиши мумкин<sup>176</sup>. А. Тойнбининг тадқиқотларига қараганда тарихдаги барча цивилизацияларга синиш ҳолати характерлидир<sup>177</sup>.

Цивилизациянинг “брэкдаун” дан кейинги ҳолати “дезинтеграция”, яъни парчаланиш давридир<sup>178</sup>. Назарийетчи, урбанист олимларнинг тадқиқотлари бўйича цивилизациянинг бу даврига келганда ижодкор камчиллар жамоанинг янада ривожланишига йўналиш бераолмай, жамоа олдидаги магик хусусиятларини йўқотиб боради ва ҳокимиятни куч билан бошқариш йўлига ўтади. “Ижодкор бошқарувчанлик” хусусиятидан “буйруқ асосида бошқарувчилик” ҳолатига ўтади. Бу ҳолатда цивилизацияда бирлик йўқолади, кўпчил халқда ихтиёрий бўйсунувчанлик истаги сусаяди, омма бирлиги пасаяди, бўлинишлар, инқирозлар даври бошланади.

Дезинтеграция (парчаланиш) даврининг биринчи босқичида қоронгулик юз беради. Ички низолар, қўзғолонлар, ташқи ва фуқаролар урушлари, революциялар худди шу даврда юз беради. Динлар ўзининг илоҳийлик хусусиятларини йўқотиб боради, жамоада ҳар хил “касалликлар” ортиб, нафақат жамият, балки санъат соҳаларида ҳам варварлашиш жараёни юз беради.

Буюк кишиларнинг, ижодкор шахсларнинг фаолиятлари бу вақтда тўхтаб қолмайди, аммо уларнинг ҳаракатлари жамиятни ривожлантиришдан кўра қутқариб қолиш муаммоларига қаратилган бўлади. Уларнинг бу ҳаракатлари вақтинчалик муваффақиятларга олиб келиши мумкин, аммо тубанликка юз тутган цивилизацияни ҳалокатдан қутқариб қолаолмайди. Вақт ўтиши билан янги ижодий фикрловчилар, иккиламчи цивилизациялар пайдо бўлади<sup>179</sup>.

<sup>176</sup> Huff D, Pidaev Ch, Chaydoullaev Ch. Uzbek-German archaeological researches in the Surkan Darya region // La Baktriane au carrefour des routes et des civilisations de l'Asie centrale. – Paris, 2001. – Fig. 8.

<sup>177</sup> Toynbee A. J. A Study of History. Vol. III. – p. 128.

<sup>178</sup> Toynbee A. J. A Study of History. Vol. III. – p. 134.

<sup>179</sup> Toynbee A. J. A Study of History. Vol. III. – p. 316.

Давлатчилик сари дадил ривожланиш йўлидан борган цивилизацияларнинг ижтимоий ҳолатини К Ренфрью, К Кристенсен ва В. М. Массон аввал «chiefdom», кейинги асарларида эса “илк ривожланган жамоа” деб белгилашган<sup>180</sup>. Окс цивилизациясига ҳам “илк ривожланган жамоа” хослиги тадқиқотчилар томонидан таъкидланган<sup>181</sup>. Бу цивилизацияда ёдгорликлар иерархияси мавжуд. Ҳар бир деҳқончилик ўлкасида бир ёдгорликнинг шаҳар сифатида гегемонлик вазифасини бажарганлиги, ибодатхона ва саройларда фаолият кўрсатган диндорлар ва ҳукмдорларнинг, бой қабрларнинг мавжудлиги ривожланган бошқарувга эга эканлигини тасдиқлайди. Ибодатхоналар қадимги Месопотамия ва Мисрдаги сингари ҳўжаликни ташкиллаштирувчи вазифани бажарган.

Окс цивилизацияси иккита тарихий ўлкада Марғиёна ва Бактрия ҳудудларини бирлаштирган, биринчисининг маркази Гонур бўлса, иккинчисиники Жарқўтон илк шаҳарлари ҳисобланади. Иккита марказда ҳам бир хил ҳолат, ибодатхона ва саройларнинг ўрганилиши шаҳар бошқарув тизимида диний ишлар мутасаддилари – мубодлар (қоҳинлар) ва ҳукмдорлар бошқарганлиги кузатилади. Илк синфий муносабатларнинг шаклланиши даврида ҳукмдорлар ва қоҳинлар алоҳида ижтимоий гуруҳлар сифатида бўлинмаганлигини инобатга олсак бу ёдгорликларда сарой ва ибодатхоналарнинг ёнма-ён, қоҳида битта монументал бинода фаолият кўрсатиши табиий ҳолдир<sup>182</sup>. Ижтимоий тарихий жараёнлардан маълумки, қоҳинлар-

<sup>180</sup> Renfrew C. Before civilization: radiocarbon revolution and prehistoric Europe. New York. 1973; Kristens H. Chiefdoms, States and social evolution. // Earle T. (ed.) Chiefdoms: power, economy and ideology. Cambridge. 1991.

<sup>181</sup> Массон В. М. Феномен ранних комплексных обществ в древней истории. // Социогенез и культурогенез в исторической перспективе. СПб., 1991.

<sup>182</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореферат дис.... д. и. н. Самарканд, 2009.

нинг ибодатхона хўжаликларини ўз хусусий ерларига айлантириши натижасида янги ҳукмдорлар – шоҳларнинг шаклланишига олиб келган. Кучайиб келаётган янги коҳин-шоҳлар ён атрофдаги ерларни эгаллаб, ўз ҳокимиятларини бутун дарё ҳавзаларига ёйган. Шу тариқа бир ёки бир неча кичик дарё ўзанида илк давлатлар пайдо бўлган<sup>183</sup>. Гонур ва Жарқўтон ёдгорликларида мубодлар ва шоҳларнинг бир бутунлиги, жамиятни бошқариш ва ривожлантиришда ягона мақсад сари бирга хизмат қилганлиги кузатилади, аммо жамоани бошқаришда ҳарбийларнинг, ҳукмдорларнинг ҳарбий ҳолатда бўлганлиги сезилмайди.

Окс цивилизацияси иқтисодининг асосини деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари хунармандчилик ва савдо ташкил қилган. Маданий алоқа ва савдо муносабатларида яқин ва узоқ халқлар билан ҳам маданий алоқалар ўрнатилган (Яқин Шарқ, Элам, Ҳиндистон). Жамиятдаги ижтимоий дифференция синфий характерда бўлмаган. Илк шаҳар-давлатларни бошқаришда бюрократик институтлар шаклланмаган.

Таҳлил қилиб ўтганимиздек, бу цивилизация ҳамма цивилизациялар сингари ўз бошидан туғилиш, тарқалиш, етилиш, инқироз, таназзулга юз тутиш босқичларидан ўтган ва тарих саҳнасидан жамиятдаги ўз ички низолари ва ташқи таъсир натижасида ҳалокатга учраган. Бунинг сабабларини ЕврооСИё минтақасидан кўчманчи халқларнинг Ўрта ОСИёга кириб келиши ҳолати ва халқлар диффузиясининг содир бўлганлигида деб биламиз.

ЕврооСИё чўл минтақаларида ҳам мил. авв. II минг йилликда “илк ривожланган жамоа” ўрнатилганлиги кузатилади. Аммо уларнинг ривожланиш йўли ва тақдири Ўрта ОСИё илк цивили-

<sup>183</sup> Дьяконов И. М. Община на Древнем Востоке в работах советских исследователей // ВДИ. 1963. – № 1. – С. 34; Қудратов С. Марказий ОСИё худудидаги илк давлатларда бошқарув тизими ва ижтимоий муносабатлар // O'zbekiston tarixi. 1999, №4, – Б. 3.

зацияларидан тубдан фарқ қилган. Евроосиёда “илк ривожланган жамоа”нинг туғилиши, тарқалиш нуқтаси Андроново маданияти асосида шаклланган Синташта-Аркаим минтақаларидан бошланган<sup>184</sup>. Кўчманчилар ижтимоий ҳаётида юз берган бу революцион жараёнларнинг асосида чорвачиликнинг, асосан йилқичиликнинг жадал тараққиёти, деҳқончилик, металл ишлаб чиқариш, аҳоли сонининг ошиши, ижтимоий тараққиёт, аристократиянинг шаклланиши, аравали ҳарбийлар гуруҳи намоёндаларининг шаклланиши каби омиллар ётади. Бу тараққиётда аҳоли гуруҳлари орасида ўзаро алоқа йўлларининг қурилиши ҳам энг асосий факторлардан бири бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Бу борада жанубий йўналиш энг асосий йўллардан ҳисобланган. Мил. авв. II минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёда пайдо бўлган, кўчманчи маданиятларга хос бўлган ёдгорликларнинг шаклланиши шундан далолат беради<sup>185</sup>.

Юқорида эслаб ўтганимиздек, бронза даврида юз берган аҳоли миграцияларининг иккинчи кўринишида, яъни ташқаридан келган маданиятлар маълум вақтгача маҳаллий маданиятлар билан алоқага кирмайди. Миграциянинг ушбу кўринишида ташқаридан келган маданиятлар маҳаллий халқлар маданиятидан паст даражада бўлиши кузатилади деб таъкидладик. Бу миграцияга Андроново маданиятининг Ўрта Осиёга кириб келиши тўлиқ мисол бўлади<sup>186</sup>. Тошкент, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида айрим гуруҳларнинг келиб ўрнашиши кузатилган бўлса, Орол бўйларига келиб жойлашган Андроново маданияти аҳолисининг ўтроқ жануб халқлари билан ўзаро маданий алоқалари натижасида маҳаллий, теримчилик ва ов-

<sup>184</sup> Зданович Г. Б. Южное Зауралье в эпоху средней бронзы. // Комплексные общества Центральной Азии. — С. 42 — 43; Генинг В. Ф. Могильник Синташта и проблемы ранних индоарийских племен. // СА. 1974. № 4. — С. 55.

<sup>185</sup> Кузьмина Е. Е. Арии — путь на юг. — М.: — С. Пб. Летний сад, 2009. 557 с.

<sup>186</sup> Кузьмина Е. Е. Откуда пришли индоарии? М.: 1994. —С. 224.

чилик билан шуғулланиб келган Калтаминор маданиятининг емирилишига олиб келганлигини айтишимиз мумкин<sup>187</sup>. Худди шу жараён Ҳисор маданияти мисолида ҳам кузатилади.

Кўчманчи халқлар ўтроқ, илк шаҳар маданияти ва цивилизацияга эришган халқлар билан ёнма-ён яшаб тўлиқ ассимиляция жараёнини бошидан кечирган. Кўчманчи халқлар билан Окс цивилизацияси ўртасидаги моддий маданиятнинг яқинлашиши, ўзаро бир-бирига таъсири масаласи кулолчилик, металлсозлик соҳаларида кузатилган ва мутахассислар томонидан ўрганилган<sup>188</sup>. Кўчманчи Андроново маданиятининг Ўрта Осиёга миграцияси босқинчилик ва уруш характерида бўлмай, ташкилий ва бир неча йўналиш ва тўлқинлар жараёнида кечганлиги ойдинлашмоқда. Улар нафақат бу минтақага келиб жойлашган, балки маҳаллий халқлар билан ўзаро маданий алоқалар ўрнатган ва икки халқ ўртасида этник аралашув жараёнлари юз берган. Натижада, икки илдизли қоришган (синкретик) маданиятлар юзага келган. Бу жараён Жанубий Тожикистон ҳудудида жойлашган Тулхар, Бабашов қўрғони, Бишкент, Вахш маданиятлари мисолида жуда яхши ўрганилган<sup>189</sup>. Бу маданиятларнинг қабрларида кўчманчиларга хос бўлган кремация, ўтроқ халқларга хос бўлган ингумация бир хил қўлланган. Ўтроқ ва кўчманчи халқлар бир ҳудудда яшаган, ўзаро бир-бирига таъсири натижасида аралаш жамоа ҳосил бўлган.

---

<sup>187</sup> *Филанович М. И.* Интеграция в формировании древних цивилизаций на территории Узбекистана (эпоха бронзы и раннего железа) // *International Journal of Central Asian Studies*. Volume 8. 2003. – С. 22 – 32.

<sup>188</sup> *Рахманов У., Шайдуллаев Ш.* О влиянии культуры степной бронзы на керамические комплексы Сапаллинской культуры. // *Общественные науки в Узбекистане*. 1985. № 11. С. 62.

<sup>189</sup> *Мандельштам А. М.* Памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане. Л., 1968. С. 135; *Ававесова Н. А.* Новое в погребальном обряде Сапаллинской культуры. // *Археологические вести*. № 4. СПб., 1995. С. 63; *Lyonnnet B.* Prospections archeologiques en Bactriane Orientale. Vol. 2. Ceramique et peuplement du Chlcolitihique a la cijnquet arabe. Paris 1997. P. 74.

Бу Ўрта Осиё халқлари генезисида юз берган энг биринчи йирик ассимиляция жараёни бўлиб, бу жараёнда миграция бош ролни ўтаган. Ўрта Осиё халқларининг кейинги иқтисодий, маданий, этник шаклланиши тарихида йўналиш бўлиб хизмат қилган.

## II. 2. Окс цивилизациясининг маҳаллий илдизлари

Иқтисодий базаси деҳқончиликка ва шу асосда урбанистик йўл билан ривожланиб илк шаҳар маданиятига кўтарилган цивилизацияларнинг илдизларини аниқлашда жамоаларнинг ривожланишини кузатиш аниқ маълумотлар беради. Бу соҳада ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб тарих ва археология фанларида француз тадқиқотчиси Ж. Дюмезилнинг бронза даври деҳқончилик жамоалари аҳолисининг ижтимоий таркиби тўғрисидаги тадқиқотлари чоп этилди<sup>190</sup>. У индоарий ва индоиранларни учта қатламга бўлади – диндорлар, ҳарбийлар ва меҳнаткаш аҳоли. Аммо, археологик тадқиқотлар натижасида француз социологи фикрларининг кўп жиҳатлари тасдиқланмади ва деҳқон жамоалари аҳолисининг вертикал ва горизонтал қатламлари мавжуд эканлиги, кўп қатламли эканлиги ойдинлашмоқда<sup>191</sup>. Тарихий антропология ва этнография фанлари соҳаларида ибтидоий жамиятдан синфий жамиятга, давлатчиликка ўтиш даври аҳолисининг таркиби тўғрисидаги тадқиқотлар олиб борилиб жуда кўплаб ғоялар айтилди. Ҳозирги кунда уларнинг қайси бири тўғри, жамият тараққиёти учун

<sup>190</sup> Dumezil G. L' Ideologic tripartite des indo-européens. Bruxelles, 1958.

<sup>191</sup> Медведев А. П. В поисках древнейших социальных структур индоевропейцев // Вестник ВГУ. Сер. 1, Гуманитарные науки. Воронеж, 1997. С. 99 – 113; Медведев А. П. Об атрибуции “жреческих” погребений у ираноязычных кочевников II – I тысячелетия до н. э. // Ист. записки. Воронеж, 1997. Вып. 2. С. 165 – 171.

кайси бирини қўллаш мақсадга мувофиқлиги ҳам қийин масалага айланиб бормоқда. Жумладан, “умумлашган жамоа”, “илк синфий жамоа”, “вождество”, “илк давлатлар” каби ижтимоий атамалар пайдо бўлди<sup>192</sup>. Эслаб ўтилган иборалар билан бирга деҳқончилик жамоалари учун “цивилизация” атамаси ҳам қўлланила бошландики, бу қараш жамиятнинг формацион ривожланиш қонуниятига қарама-қарши қўйилмоқда. Цивилизация ибораси ўтроқ жамоалар билан бир қаторда кўчманчи жамоалар учун ҳам кенг қўлланила бошланди<sup>193</sup>. Натижада фанда уларга нисбатан “кўчманчи чорвадорлар цивилизацияси”, “кўчманчи мегацивилизация”, “протоцивилизация”, “протошаҳар цивилизацияси” “цивилизациянинг қадимги ўчоқлари”, “цивилизацион жараёнлар”, “аравалашган цивилизация”, “шақлланмаган цивилизация” каби атамалар ҳам пайдо бўлди<sup>194</sup>.

<sup>192</sup> Куббель Л. Е. Очерки потестарной и политической этнографии. М., 1988; Павленко Ю. В. Раннеклассовые общества (генезис и пути развития). Киев, 1989; Павленко Ю. В. Архаическое общество: узловые проблемы социологии. М., 1991. Вып. 1 – 2; Павленко Ю. В. Ранние формы социальной стратификации. М., 1993; Крадин Н. Н. Вождество: современное состояние проблемы изучения // Ранние формы политической организа. М., 1995. С. 1 – 61; Крадин Н. Н. Альтернативные пути к ранней государственности. Владивосток, 1995; Крадин Н. Н. Потестарность: генезис и эволюция. СПб. 1997.

<sup>193</sup> Мартынов А. И. Степи Евразии в истории человечества // Проблемы археологии Степной Евразии. Кемерово, 1987. Ч. 1. С. 3 – 8; Мартынов А. И. О степной скотоводческой цивилизации I тыс. до н. э. // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Алма-Ата, 1989. С. 284 – 291; Башилов В. А. Можно ли считать скифо-сибирский мир “цивилизацией кочевников”? // КСИД АН СССР. 1993. № 207. С. 36 – 37; Зуев В. Ю. К вопросу о “скифской цивилизации” // Древние культуры и их археологическое изучение: Материалы к пленуму ИИМК 26 – 28. 11. 1991. СПб., 1991. С. 58 – 63.

<sup>194</sup> Зданович Г. Б. Феномен протоцивилизации бронзового века Урало-Казахстанских степей. Культурная и социально-экономическая обусловленность // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Алма-Ата, 1989. С. 179 – 189; Буровский А. М. Степная скотоводческая цивилизация: критерии описания, анализа и сопоставления // Цивилизации. М., 1997. Вып. 3. С. 151-164.

Натижада, жамиятга оид цивилизация иборасининг ҳақиқий луғавий маъноси унутилиб, бу сўзнинг эвристик, жозибадорлик хусусиятлари ҳам йўқолиб бормокда<sup>195</sup>.

Цивилизацион тараққиёт борасида илмий тадқиқот олиб борган тадқиқотчиларнинг асарлари таҳлили бўйича унинг куйидаги тушунчалари, кўринишлари мавжуд эканлиги тўғрисида мулоҳаза қилиш мумкин:

1. Тарихий-даврий – илк синфий муносабатлар ва давлатчиликнинг шаклланиши жамият тараққиётининг сифат ўзгаришлари давридан бошланади ва цивилизацияга инсоният тарихининг энг ривожланган босқичи сифатида қаралади. Бу тушунча ўз илдизларига кўра А. Фергюсон, Л. Морган, Ф. Энгельсларнинг жамият тараққиёти ҳақидаги уч босқичли, “ёввойилик – варварлик – цивилизация” тушунчасига бориб тақалади<sup>196</sup>.

2. Культурологик тушунчаси – О. Шпенглер ва А. Тойнби-ларнинг қарашлари бўйича дин маданиятнинг энг олий категорияси бўлиб, цивилизация ҳам бетакрор ва ўзига хос жиҳатлари билан маданиятнинг жамиятдаги кўринишидир<sup>197</sup>.

3. Аксиологик тушунчада – цивилизацияга бутун жаҳонда кечаётган, инсонларнинг кунлик ҳаёт ташвишлари, моддият тарзида маданият категориясига қарши қўйилади ва илоҳий сифатлар берилади (И. Кант)<sup>198</sup>.

---

<sup>195</sup> *Fisch J. Zivilization, Kultur // Geschichtliche Grundbegriffe. Historisches Lexikon zur politisch-sozialen Sprache in Deutschland. Stuttgart: Klett-Gotta. Bd. 7. S. 679 – 774; Гринин Л. Е. Формации и цивилизации // Философия и общество. 1998. № 2. С. 10 – 13; Мchedlova M. M. Понятие “цивилизация”: история, методология // Философия и общество. 1999. № 1. С. 139 – 153.*

<sup>196</sup> *Энгельс Фридрих. Оила, хусусий мулк ва давлатларнинг пайдо бўлиши // К Маркс, Ф Энгельс. Асарлар тўплами. Том 21. – С. 169 – 218.*

<sup>197</sup> *Toynbee A. J. A Study of History. Vol. III. – p. 111.*

<sup>198</sup> *Энгельс Фридрих. Оила, хусусий мулк ва давлатларнинг пайдо бўлиши // К Маркс, Ф Энгельс. Асарлар тўплами. Том 21. – С. 169 – 218.*

4. Французча тушунчаси – француз тилида “civilisation” ибораси жамият тараққиётидан қатъий назар унинг ҳар қандай даври учун ишлатилади<sup>199</sup>. Шу маънода француз олимлари томонидан Африка тропик минтақалари учун қўлланилган “ўрмон цивилизацияси”, “ёй цивилизацияси”, “омбор цивилизацияси” каби ибораларнинг қўлланилиши табиий ҳолдир<sup>200</sup>.

Ўрта Осиё археологияси, Ўзбекистон тарихи фанларида ҳам цивилизация ибораси кенг қўлланилмоқда, жуда кўплаб археологлар ўзлари ўрганаётган бронза даврига оид маданиятлардан цивилизацияга оид белгиларни топишга ҳаракат қилишмоқда. В. М. Массоннинг асарларида бу масала кенг, илмий, назарий ва археологик манбалар асосида ёритилган<sup>201</sup>.

Бизнинг фикримизча, Ўрта Осиё археологиясида, яъни бронза даврига оид деҳқончиликка асосланган маданиятларни, жумладан, “Окс цивилизация”сининг илдизларини аниқлашда унинг учта жиҳатига эътиборимизни қаратишимиз керак:

- биринчиси, шу ҳудудда ўрганилган, олдинги даврларга оид маданиятларнинг моддий маданияти билан солиштириш;

- иккинчи йўли Қадимги Шарқ цивилизациялари моддий маданияти билан таққослаш;

- учинчиси шу ҳудудда ўрганилган, кейинги даврларга оид, ёзма манбалар ёрдамида асосланган цивилизациялар билан таққослаш.


Биринчи йўналиш борасида бизга Жанубий Туркменистон ҳудудида жойлашган, энеолит ва илк бронза даврларига оид Олтинтепа ёдгорлиги моддий маданияти билан Окс цивилизацияси моддий маданиятининг асосий жиҳатларини таққослаш ва хулосалар олиш услубидир.

<sup>199</sup> Французча-ўзбекча лугат. – Тошкент, 1979. – 127-бет; Starobinski J. Le mot civilisation // Le temps de la réflexion. – Paris, 1983. Т. 4. – Р. 30.

<sup>200</sup> Маке Ш. Цивилизации Африки южнее Сахары. – М.: 1974.

<sup>201</sup> Массон В. М. Ритмы культурогенеза и концепция ранних комплексных обществ // Вестник РГНФ. 1998. № 3. – С. 41 – 47; Массон В. М. Первые цивилизации. – Л.: 1989.


Олтинтепада ўтказилган археологик тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, бу ёдгорликда мил. авв. III минг йилликнинг иккинчи ярмида, ўрта бронза даврида протоцивилизацияга асос солинганлиги исботланган<sup>202</sup>. Умумий майдони 25 гектар бўлган бу ёдгорликда монументал архитектурага эга бўлган ибодат маркази, табақалашган жамиятни кўрсатувчи уй қурилиши услублари, юқори ривожланган коммуникация, кенг кўчалар, аравалар ҳаракатига мўлжалланган ва юқори фортификация услуги асосида қурилган шаҳар дарвозаси каби меъморий мажмуалар ўрганилган. Ёдгорлик аҳолисининг иқтисодий асосини деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари хунармандчилик (кулолчилик, металлсозлик, тошга ишлов бериш) ташкил этган. Ривожланган, дифференциялашган ижтимоий жамиятга, мураккаб идеологик тасаввурларга эга бўлган, ёзув соҳасида белгили тизимнинг шаклланишига асос солган аҳоли истиқомат қилган. В. М. Массоннинг фикрига кўра, Олтинтепа Қадимги Шарқ тизимидаги, Месопотамия, Элам, Ҳинд ўлкасига нисбатан иккиламчи, периферияда жойлашган ёдгорлик.



6-расм. Олтинтепа. Илк шаҳарнинг мудофаа девори ва дарвозаси.

<sup>202</sup> Массон В. М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. Л.: 1981. — 324 с.

Бу ёдгорликда Л. Б. Кирчо тадқиқот ишларини давом эттириб энг янги фан янгиликларини қўлга киритмоқда<sup>203</sup>. Унинг маълумотларига қараганда Олтинтепа ёдгорлигига энеолит даврининг бошларида асос солинган. Шу даврда Жанубий Туркменистон ҳудудида Номозгоҳ, Даштли, Яланғоч, Қоратепа каби бир қатор ёдгорликларда ҳам деҳқон қабилалар истиқомат қилишган. Олтинтепада мил. авв. IV-III минг йилликларда ҳаёт узлуксиз давом этган. Маданий қатламнинг умумий қалинлиги 12 метрни ташкил этади, шаҳар ҳудудида 17 марта қайта қурилиш бўлганлиги кузатилган ва унинг ҳудуди доимий кенгайиб борган<sup>204</sup>.



7-расм. Олтинтепа. Зиккурат шаклидаги ибодатхона.

<sup>203</sup> Кирчо Л. Б. Формирование древнейшей протогородской цивилизации бронзового века Средней Азии (по материалам Алткн-депе) // У истоков цивилизации. М., 2004. С. 142 – 160.

<sup>204</sup> Кирчо Л. Б. Формирование древнейшей протогородской цивилизации... – С. 153.

Ёдгорликни ўрганиш давомида унинг илк даврларида кичик оилаларнинг квартал бўйлаб жойлашганлиги кузатилган. Бу ҳолат кичик оилалар бирлашиб ягона хўжалик юритганлигидан далолат беради. Илк бронза даврига келиб оилалар яшайдиган уйларнинг кўлами ошган, ҳовлилар пайдо бўлган. Бу оила хўжалигининг шаклланганлигини тасдиқлайди. Ҳар бир кварталда идеологик марказлар барпо этилган. Аёллар орасида ҳукмдорлар ҳам бўлганлигини тасдиқловчи манбалар, яъни бой қабрлар ҳам учрайди<sup>205</sup>.

Аҳоли асосан чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Қурилиш ягона план асосида олиб борилган, қурилиш модулларининг топилиши ва режали қурилиш усули бундан далолат беради. Албатта, муҳофаа девори ва монументал ибодатхона жамоавий меҳнат маҳсулидир.

Ҳунармандчиликнинг энг оғир ва нозик турларидан бири металлсозлик ривожланган. Ҳар хил иш ва жанг қуроллари, тақинчоқлар, муҳрлар шундан далолат беради. Муҳрлардаги тасвирлар, ойналардаги безаклар қолипли, қуйма металлсозликнинг шаклланганлигини тасдиқлайди.

Тоштарошликда Копетдоғ тоғ жинсларига хос бўлган гипс, диорит, гранитлардан ҳар хил меҳнат ва жанг қуроллари ясалган. Мармар, доломит каби тошлардан мунчок, урчук бош, мўтти идишлар, муҳрлар, шамдонлар, антропоморф шаклли ҳайкаллар ясалган. Стеотит, агат, холцедон, сердолик, лазурит каби қимматбаҳо тошлар маданий алоқалар натижасида олиб келинган ва улардан тақинчоқлар ясалган. Тошларнинг хилма хиллигига монанд унга ишлов бериш технологияси ҳам ривожланиб борганлиги кузатилади<sup>206</sup>.

<sup>205</sup> Кирчо Л. Б. Формирование древнейшей протогородской цивилизации... – С. 154.

<sup>206</sup> Кирчо Л. Б. Формирование древнейшей протогородской цивилизации... – С. 156.

Кулолчилик энеолит давридан токи ёдгорликнинг сўнгги давригача маҳаллий анъаналар асосида ривожланиб борган. Илк бронза даврида сопол чархи, икки ярусли хумдонлар кашф этилади. Техник ва технологик жиҳатдан амалга оширилган бу янгиликлар кулолчилик ашёларининг сифат ва сон ўзгаришларига олиб келган. Энеолит даврига хос бўлган қўлда ясалган ва ташқи тарафдан бўёқлар билан безалган сопол идишлар ўрнига чархда ясалган, бежирим шаклли кубок, ваза сингари идишлар ясала бошлайди.

Олтинтепа ёдгорлигида В. М. Массон ва Л. Б. Кирчо томонидан олиб борилган тадқиқотларга шундай хулоса қилса бўладики, бу ерда энеолит даври давомида маҳаллий маданият шаклланган, бронза даврига келиб “протогород” даражасигача ривожланган, илк цивилизациясига асос солинган ва мил. авв. III минг йиллик охиригача давом этган.

Демак, Олтинтепа ёдгорлигида Окс цивилизациясига хос бўлган жуда кўплаб анъаналарга асос солинган. Булар шаҳар-созлик (қурилиш услублари, монументал архитектура, мудофаа иншоотлари), хунармандчиликнинг энг асосий йўналиши бўлган кулолчиликда икки ярусли хумдоннинг, сопол чархининг кашф этилиши ўз илдизларига кўра олтинтепаликларга хос тоштарошлик хунарини санъат даражасига кўтарган халқ Олтинтепаликлар ҳисобланади, Олтинтепада шаклланган муҳр яшаш техникаси ва технологияси, уларда ифодаланган тасвирлар окс глиптикасида тўлиқ қайтарилади.



Аммо Окс цивилизациясининг тадқиқотчилари унинг илдизларини ташқаридан излайдилар. Бунинг асосий сабаблари, Окс цивилизацияси фортификациясидаги лабиринт тизим, сопол буюмлар гардишидаги зооморф терракоталар, миниатюра шаклли база колонналар, муҳрлардаги ўзгаришлар, хул-

лас Олтинтепа ва Окс цивилизацияси ёдгорликлари моддий маданиятидаги “номутоносибликлар” тадқиқотчиларга янги цивилизациянинг илдизларини Қадимги Шарқ халқларининг миграциясидан излашларига асос бўлган.

Окс цивилизацияси аҳолисининг энеолит давридаги яратувчанлик, ижодкорлик хусусиятлари

|     |                                                                      |                        |
|-----|----------------------------------------------------------------------|------------------------|
| 1.  | Сунъий суғоришга асосланган дехкончиликнинг кашф этилиши             | Геоксур                |
| 2.  | Дехкончиликда маданий ўсимликлар турининг ортиб бориши               | Жойтун                 |
| 3.  | Мудофаа деворларининг ихтиро этилиши                                 | Анау, Номозгоҳ         |
| 4.  | Жамоа бошқарувида патриархат тизимга ўтилиши                         | Олтинтепа              |
| 5.  | Жамоаларда умумий сиғиниш хоналарининг шаклланиши                    | Анау                   |
| 6.  | Зоолатрик, аجدодлар руҳи ва самовий ибодат турларининг кашф этилиши  | Олтинтепа              |
| 7.  | Тўқимачиликнинг кашф этилиши                                         | Жойтун, Анау, Номозгоҳ |
| 8.  | Металлнинг (мис, қўрғошин, олтин, қумуш) кашф этилиши                | Жойтун, Анау, Номозгоҳ |
| 9.  | Металлга ишлов бериш технологиясининг доимий ривожлантирилиши (ойна) | Жойтун, Анау, Номозгоҳ |
| 10. | Хумдонларнинг кашф этилиши                                           | Номозгоҳ               |
| 11. | Шахсий мулкнинг белгиси сифатида муҳрларнинг пайдо бўлиши            | Анау, Номозгоҳ         |

Археология фани фактлар асосида хулосалар чиқаради. Шу жиҳатдан археолог тадқиқотчиларнинг фикрлари тўғридир. Олтинтепа сополлари билан Окс сополлари шакл жиҳатидан бир-бирига тўлиқ мос келмайди.



8-расм. Олгинтепа моддий маданиятига хос бўлмаган ашёлар.

84





Fig. 10 - Plan de Samarra et Plan de Bagdad, 800-900 AD.

9-расм. Окс цивилизацияси меъморчилигига хос бўлган лабиринт тизими. Сополлитепа, Даштли.

85

Ҳозирги замон тарих фанида тадқиқотчилар цивилизацияларни белгилашнинг учта жиҳатига асосий эътиборларини қаратишмоқдалар. Булар шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ҳокимиятга ва илоҳиятга тегишли монументал меъморчилик ва ниҳоят ёзувнинг шаклланиши<sup>207</sup>. В. М. Массоннинг фикрича, бу белгилар цивилизацияни белгилашда энг сўнгги ҳулосалар бўлмай, унинг маданиятга оид мажмуаларини ҳам белгилайди<sup>208</sup>.

А. П. Медведев илк цивилизациялар ва аҳолининг ижтимоий таркибини ўрганишда қуйидаги илмий йўналишларни энг мақбул йўл сифатида билади:

- ижтимоий жойлашиш ва тарқалиш ҳудудларини, кенглигини аниқлашда ёдгорликлар структураси ва суғорилиш шохобчалари бўйича уларнинг жойлашиш қонуниятларини ўрганиш;
- ҳар хил демографик ва ижтимоий маълумотларни берувчи ҳукмдор табақаларга оид ёдгорликлар ва бошқа ёдгорликлар ҳудудини аниқлаш;
- оила таркибини ва турларини белгилашда асосий археологик манба бўлган ёдгорлик ва хоналар кўламини аниқлаш;
- аҳолининг ижтимоий таркибини аниқлашда қабрларнинг типологиясини ишлаб чиқиш;
- қабристоннинг шаклланишида бой қабрларнинг жойлашиш тизимини ўрганиш<sup>209</sup>.

Замонавий илмий адабиётларда илк цивилизация ва давлатчилик учун кўп табақали жамият хос эканлиги уқтирил-

---

<sup>207</sup> Kluckhohn C. The moral order in the expanding society // City Invincible: A Symposium on Urbanization and Cultural Development in the Ancient Near East. Chicago, 1960; Renfrew C. The Emergence of Civilization. The Cyclades and Aegean in the Third Millenium B. C. L., 1972.

<sup>208</sup> Массон В. М. Первые цивилизации. Л., 1989. С. 9.

<sup>209</sup> Медведев А. П. К исторической оценке скотоводческих обществ на юге Восточной Европы II – I тыс. до н. э. (поиск новых подходов) // Вестник ВГУ. Серия 1, Гуманитарные науки. 2001. № 2.

моқда<sup>210</sup>. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда икки қисмли ёдгорликлар, табиийки икки босқичли жамоа жамият тараққиётининг “якка ҳокимлик” босқичига, кўп табақали жамоа эса илк давлатчилик ва цивилизацион тизим сифатида баҳоланмоқда<sup>211</sup>.

Г. Чайлд тадқиқотларидан бошлаб шаҳарларни бошқа ёдгорликлардан фарқ қиладиган энг асосий жиҳатидан бири сифатида аҳоли сони белгиланиб келинмоқда. Олимнинг ҳисоби-га кўра шаҳар аҳолисининг сони 5000 киши деб белгиланган<sup>212</sup>. Албатта, ушбу сон ҳеч ким томонидан шубҳа остига олингани йўқ ва бундан яхши вариант ҳам таклиф этилгани йўқ. Фақат Андроново маданиятига оид биронта ёдгорлик шу ўлчов асосида белгиланадиган бўлса шаҳар тоифасига кирмайди. Аркаимнинг умумий майдони 2 – 3 гектар бўлиб, энг содда ҳисоб бўйича ҳам 2000 – 2500 кишидан ошмайди<sup>213</sup>.

Аҳоли табақаси – ижтимоий гуруҳлар бўлиб, жамоада тутган мавқеи урф-одатлар, диний қоидалар, кейинги вақтларда эса юридик жиҳатдан ҳимояланган гуруҳлардир<sup>214</sup>. Аҳоли таркибини айрим ёдгорликлар, жумладан Сополлитепа ёдгорлиги

---

<sup>210</sup> *Carneiro R. L. On the Relationship between Size of Population and Complexity of Social Organization // Southwestern Journal of Anthropology. 1967. Vol. 23. P. 234 – 243.*

<sup>211</sup> *Джонсон Д. А. Соотношение между размерами общества и системой принятия решений в нем (приложение к этнологии и археологии) // Древние цивилизации Востока. Ташкент, 1986. С. 98 – 100; Антонова Е. В. Месопотамия на пути к первым государствам. М., 1998. С. 122 – 126.*

<sup>212</sup> *Cilde V. G. The Urban Revolution // Town Planning Review. 1950. Vol. 21. P. 9.*

<sup>213</sup> *Зданович Г. Б. Аркаим: арии на Урале или несостоявшаяся цивилизация // Аркаим: исследования, поиски, находки. Челябинск, 1995. С. 35.*

<sup>214</sup> *Утченко С. Л., Дьяконов И. М. Социальная стратификация древнего общества // XIII Международный конгресс исторических наук: Докл. конгресса. Т. 1, ч. 3. М., 1970. С. 129 – 149; Куббель Л. Е. Сословие // Социально-экономические отношения и соционормативная культура. М., 1996. С. 190—191.*

мисолида муҳокама этадиган бўлсак, бу ҳолатда табақаланган ижтимоий аҳоли тўғрисида гапириш ноўрин бўлади. М. Фриднинг классификацияси бўйича муҳокама этадиган бўлсак Сополлитепа аҳолиси муайян тартиб қоидага амал қиладиган “тенглаштирилган”, “тенг ҳуқуқли” жамоадир<sup>215</sup>.

### II. 3. Окс цивилизациясининг ижтимоий характери

Окс цивилизацияси фанга энди кириб келмоқда, аммо фанда илгаридан маълум бўлган бирламчи цивилизацияларнинг ижтимоий характери масаласи ҳам тадқиқотчилар томонидан тўлиқ очиб берилган эмас<sup>216</sup>. Цивилизация инсоният томонидан яратилган маданиятларга хос бўлган тушунча бўлганлиги боис ўрганилаётган цивилизациянинг жамиятни бошқарув маданиятида яратилган янгиликларни, бошқарувнинг тизим сифатида шаклланиши жараёнлари хусусида ўз муносабатимизни билдиришни мақсад қилдик.

Юқорида алоҳида таъкидлаганимиздек илк цивилизациялар, илк давлатлар, илк синфий муносабатлар, илк шаҳар маданияти каби тушунчалар бир-бирига яқин бўлган, жамият ривожланиб бориши мобайнида бир бирини тўлдириб борувчи ижтимоий категориялардир. Аммо бу категориялар орасида цивилизация бошқаларига қараганда жуда кенг тушунчага эга, шунчалик кенгки, битта цивилизациянинг таркибида бир неча давлатлар бўлиши мумкин. Унинг тарқалиш географияси маданий таъсир доираси билан белгиланади. У халқларни, давлатларни маданий ва иқтисодий ривожланиш тамойиллари асосида бирлаштиради. Аввалги бобларда ўрганганимиздек, ҳар бир цивилизацияга асос солган халқлар бўлади, унинг ри-

<sup>215</sup> *Fried M. H. On the Evolution of Social Stratification and the State // Culture in History. N. –Y., 1960. C. 715 – 721.*

<sup>216</sup> *Тойнби А. Ж. Постигжение истории. – М.: 1991; Toynbee A. The impact of the Russian Revolution 1917 – 1967. –London, 1967.*

вожланиши, тарқалиши ва етилиши жараёнида бошқа халқларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлишини кўриб ўтдик. Бу жараёни тўғри англаб олиш учун илдизи Сурия цивилизацияси бўлган, араб дунёсида пайдо бўлган ислом динининг, ислом цивилизациясининг ривожланишига Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг қўшган ҳиссасини мисол келтириб ўтиш мумкин ва бу аллома-ларнинг буюк хизматлари асосида инсоният тарихида мусулмон ренассанси даври бошланган<sup>217</sup>.

Урбанист олимлар илк цивилизацияларнинг характери асосида уларни турлича номлашган, уларнинг номи шунчалик кўпки, бунинг сабабларидан бири тадқиқотчиларнинг масала-га ҳар хил ёндашувлари асосида келиб чиққан<sup>218</sup>. Қуйида илк цивилизацияларга оид фандаги мавжуд атамаларни келтириб ўтмоқчимиз.

| №  | Илк цивилизацияга оид бўлган атамаларнинг хилма хиллиги |
|----|---------------------------------------------------------|
| 1. | “Илк цивилизация”                                       |
| 2. | “Бирламчи цивилизация”                                  |

<sup>217</sup> Мусулманский ренессанс.

<sup>218</sup> *Васильев Л. С.* Протогосударство - чифдом как политическая структура // Народы Азии и Африки. – М.: 1981, №6. – С. 157 – 175; *Гуляев В. И.* Города государства Мая. (Структура и функции города в раннеклассовом обществе). – М.: 1979. – 219 с; *Зданович Д. Г.* Синташтинское общество: социальные основы «квазигородской» культуры Южного Зауралья эпохи средней бронзы. – Челябинск, 1997. – 87 с; *Илюшечкин В. П.* Теория стадийного развития общества. – М.: 1996. – 296 с; История государственности Узбекистана. – Том I. – Ташкент, Узбекистан. – 2009. – 560 с; *Крадин Н. Н.* Вождество: современное состояние и проблемы изучения // Ранние формы политической организации. – М.: Восточная литература РАН, 1995. – С. 11 – 61; *Кузьмина Е. Е.* Дискуссионные проблемы отечественной скифологии // Народы Азии и Африки. – М.: 1980. № 6. – С. 76-82; *Массон В. М.* Формирование раннеклассовых обществ и вопросы типологии древних цивилизаций // Древний Восток и античный мир. – М.: МГУ, 1980. – С. 12-40; *Павленко Ю. В.* Раннеклассовые общества. Генезис и пути развития. – Киев, 1989. – 172 с; *Сорокин П. А.* Человек. Цивилизация. Общество. –М.: 1992 –182 с.

|     |                                    |
|-----|------------------------------------|
| 3.  | “Иккиламчи цивилизация”            |
| 4.  | “Протоцивилизация”                 |
| 5.  | “Шахармонанд цивилизация”          |
| 6.  | “Цивилизациянинг қадимги ўчоқлари” |
| 7.  | “Цивилизацион жараёнлар”           |
| 8.  | “Кўчманчилар цивилизацияси”        |
| 9.  | “Шакллана олмаган цивилизация”     |
| 10. | “Дашт чорвадорлар цивилизацияси”   |
| 11. | “Кўчманчи мегацивилизацияси”       |
| 12. | “Ўрмон цивилизацияси”              |
| 13. | “Ёй цивилизацияси”                 |
| 14. | “Омбор цивилизацияси”              |

Санаб ўтилган цивилизацияларнинг олтитаси иқтисоди деҳқончилик ва ҳунармандчиликка асосланган, илк шаҳар маданиятига эришган Қадимги Шарқ халқлари учун қўлланган. Рўйхатнинг еттинчи ва ўнинчи қаторларидан жой олган атамалар кўчманчи чорвадор халқлар учун характерли бўлса, кейинги қаторларда эсланган атамалар эса цивилизация ибора-сининг французча маъносидан келиб чиққан.

Окс цивилизацияси, аниқроғи унинг таркибидаги Сополли маданияти учун тадқиқотчилар протоцивилизация, шаҳармонанд цивилизация, илк цивилизация атамаларини қўллашган<sup>219</sup>. Ва бу ҳолат табиий, албатта. Академик А. Аскарлов томонидан Сополлитепа ёдгорлиги ўрганилаётган даврда қўлланилган протоцивилизация атамаси тўғри эди<sup>220</sup>. Негаки, Сополлитепада Окс цивилизациясига хос бўлган ҳунармандчиликнинг барча турлари шакллантирилиб бўлинган, аммо у шаҳар типидagi ёдгорлик эмас. Жарқўтон ёдгорлиги, ундаги сарой, ибодатхона, мудофаа Иншоотлари ўрганилгандан сўнг

<sup>219</sup> Аскарлов А. А, Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. — Самарканд. — 1993. — 187 с.

<sup>220</sup> Аскарлов А. А. Сапаллитепа. — Ташкент, Фан, 1973. — С. 171.

бу маданиятга нисбатан илк цивилизация, Сополлитепа учун шаҳармонанд атамаси қўлланилган<sup>221</sup>.

Окс цивилизациясининг илдизи, яъни пайдо бўлиш масаласи очиқ қолмоқда. Бу масалада биз Олтинтепа мисолида маҳаллий илдизларга<sup>222</sup>, миграциялар мисолида ташқи маданиятларга мурожаат этдик<sup>223</sup>. Моддий маданият намуналарини таққослаш усулидан фойдаландик, албатта, бу масалага археологик нуқтаи назардан қарашдир. Хулоса шундан иборат бўлдики, Олтинтепа ва Окс цивилизациялари моддий маданиятларининг кўплаб турларида умумий анъаналар мавжуд. Аммо фақат Окс цивилизациясининг ўзига хос бўлган, кулолчиликдаги чойнак, ваза, кубок, идишлар гардишида ифодаланган ҳайвонларнинг терракот ҳайкалчалари Олтинтепага хос эмас. Худди шундай, меъморчиликдаги, худофаа тизимидаги лабиринт тизими ҳам фақат Сополлитепа ва Даштли маданиятларига хос, холос.

Окс цивилизациясининг шаклланишида миграцион жараёнларни ҳам муҳокама қилдик, аммо окслиklar моддий маданиятига илдиз бўладиган, ўхшаш маданиятни Қадимги Шарқ халқлари анъаналаридан ҳам топмадик. Бир қатор моддий маданият турларида, жумладан, Сурия ва Хетт муҳрларида ўхшашликлар мавжуд, лекин улар айрим тадқиқотчилар илгари сураётганидек илдиз эмас, балки маданий алоқалар маҳсулидир<sup>224</sup>.

---

<sup>221</sup> Аскарлов А. А, Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии... 187 с.

<sup>222</sup> Массон В. М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. Л.: 1981. – 324 с.

<sup>223</sup> Титов В. С. К изучению миграций бронзового века // Археология Старого и Нового Света. М., 1982. С. 89-145; Филанович М. И. Интеграция в формировании древних цивилизаций на территории Узбекистана (эпоха бронзы и раннего железа) // International Journal of Central Asian Studies. Volume 8. 2003. – С. 22 – 32.

<sup>224</sup> Сарияниди В. И. Сиро-Хеттское происхождение Бактрийско-Маргианской глиптики // ВДИ. – М.: №1, 1999. – С. 55.

Окс цивилизацияси бўйича археологик манбаларнинг таҳлили асосида қуйидаги хулосага келдик. У мил. авв. III минг йиллик охири, II минг йиллик давомида Жанубий Туркманистоннинг Мурғоб, Жанубий Ўзбекистоннинг Сурхон, Шимолий Афғонистоннинг Даштли, Жанубий Тожикистоннинг Вахш, Кафирниҳон воҳаларида тарқалган ва ўзига хос моддий маданиятга эга бўлган<sup>225</sup>. Евроосиёнинг кўчманчи Андроново маданияти таъсирида ўз ҳудудини жанубий Афғонистон ва Эрон ҳудудларига кенгайтириб борган.

Цивилизация нуктаи назардан қарайдиган бўлсак илк бронза давридан бошлаб Жанубий Туркманистоннинг Олтинтепа ва бошқа бир қатор ёдгорликларида Окс цивилизациясига хос бўлган илк шаҳар маданиятига, кулолчилик соҳасида икки ярусли хумдон ва кулолчилик чархи кашф этилган, металл-созликда бронза жорий этилган, аҳолининг ижтимоий ҳолати кўптаркибли бўлиб, халқаро маданий алоқаларга асос солинган<sup>226</sup>. Демак, халқларнинг ҳунармандчилик соҳасида эришган техник, технологик ютуқлари, жамиятнинг ижтимоий характери жиҳатидан, яъни цивилизациянинг энг асосий маданий ютуқлари жиҳатлари бўйича Окс Олтинтепа цивилизациясининг давоми ҳисобланади. Окс цивилизациясининг илдиизи, туғилиши Олтинтепадан бошланади.

<sup>225</sup> *Аванесова Н. А., Ташпулатова Н.* Символика огня в погребальной культуры // ИМКУ 30, 1999. – С. 27 – 36; *Аскарлов А. А.* Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент, Фан, 1977; *Аскарлов А. А., Ширинов Т. Ш.* Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. – Самарканд, 1993. – 162 с; *Сарианиди В. И.* Древние земледельцы Афганистана. – М.: 1977; *Аскарлов А. А., Альбаум Л. И.* Поселение Кучуктепа. – Ташкент, Фан. 1979; *Сарианиди В. И.* Раскопки Тилля-тепе в северном Афганистане. – Вып. I. – М.: 1972; *Сагдуллаев А. С.* Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент. Фан, 1987; *Кузьмина Е. Е.* Бактрийский мираж и археологическая действительность // ВДИ. – М.: 1978. – № 2. – С. 12 – 21.

<sup>226</sup> *Массон В. М.* Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. Л.: 1981. – 324 с.

Бирламчи цивилизациялар даврида шаклланган илк давлатларнинг типлари ҳам ҳар хил номлар билан аталган<sup>227</sup>. Илк давлатларнинг шаклланиш жараёнларини, ҳўжалиги асосида пайдо бўладиган ишлаб чиқаришнинг характерини ҳам бир қолипга солиб бўлмайди, шунинг учун ҳам улар илк цивилизациялар сингари ҳар хил аталгандир. Қуйида сиёсий бирлашмалар ёки илк давлатларнинг типларини ҳам жадвал кўринишида бердик.

| №   | Илк давлатлар учун қўлланилаётган атамаларнинг хиллари |
|-----|--------------------------------------------------------|
| 1.  | “Ном”                                                  |
| 2.  | “Шаҳар-давлат”                                         |
| 3.  | “Квазигород”                                           |
| 4.  | “Чифдом”                                               |
| 5.  | “Карликовое”                                           |
| 6.  | “Вожество”                                             |
| 7.  | “Кўп таркибли вожество”                                |
| 8.  | “Илк давлатлар”                                        |
| 9.  | “Шаклланаётган илк давлатлар”                          |
| 10. | “Воҳа давлатлар”                                       |
| 11. | “Митти давлатлар”                                      |
| 12. | “Ҳавза давлатлар”                                      |
| 13. | “Худудий давлатлар”                                    |

<sup>227</sup> *Анорбоев А.* Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар // *О‘zbekiston tarixi*. 2004. № 4; Дандамаев М. А. Государства и религия на древнем ближнем Востоке // *ВДИ*. – М.: 1985, №2. – С. 3 – 9; *Дьяконов И. М., Якобсон В. А.* «Номовые государства», «территориальные царства», «полисы» и «империи». Проблемы типологии // *ВДИ*. – М.: – № 2, 1982. – С. 3 – 12; *Дьяконов М. М.* Сложение классового общества в Северной Бактрии // *СА*. XIX, 1954. – С. 219-238; *Крюков М. В.* Род и государство в иньском Китае // *ВДИ*. – М.: 1961, №2. – С. 3-22; *Қудратов С.* Ўзбекистон худудида илк давлатлар пайдо бўлишининг баъзи масалалари // *О‘zbekiston tarixi*, 1999 . – № 2. – Б. 11; *Ламберг-Карловски К. К.* Модели взаимодействия в III тысячелетии до н. э.: от Месопатамии до долины Инда // *ВДИ*. – М.: 1990, №1; *Янковская Н. Б.* Землевладение большесемейных домовых общин в клинописных источниках // *ВДИ*. – М.: 1959, №1. – С. 35 – 51; *Массон В. М.* Становление раннеклассового общества на Древнем Востоке // *ВИ*, 1967, №5. – С. 82 – 94.

Окс цивилизацияси ҳудудида шаклланган илк давлатлар ҳақида ҳам муҳим илмий тадқиқотлар олиб борилган<sup>228</sup>. Тадқиқотларнинг асосий манбаси сифатида Бактрияда Жарқўтон, Марғиёнада Гонур ёдгорликлари олинган. Мана шу икки ёдгорлик икки тарихий ҳудуднинг маркази вазифасини бажарганлиги эътироф этилмоқда, ҳудудда бошқа илк шаҳар-давлатларнинг шаклланишида муҳим вазифани ўтаганлиги таъкидланмоқда.

Окс цивилизацияси ҳудудида шаклланган илк давлатлар учун тадқиқотчилар қуйидаги атамаларни ишлатган: “Чифдом”, «Карликовое»<sup>229</sup>, “Воха давлатлар”, “Митти давлатлар”<sup>230</sup>, “Ном” типигади «шаҳар-давлат» лар<sup>231</sup>.

Урбанистика соҳасида олиб борилаётган сўнгги тадқиқотларга кўра, давлатчиликнинг «чифдом» формаси оралиқ форма бўлиб, бошқарув аппаратининг шаклланмаган даврига хослиги билан характерланади<sup>232</sup>. Адабиётларда «чифдом»га тарихий тараққиётнинг универсал босқичи сифатида қаралмоқда. Шу фикрдан келиб чиқиб, барча жамоалар, яъни, сўнгги ибтидоий ва илк синфий жамиятдаги барча маданиятлар «чифдом» деб

<sup>228</sup> Абдуллаев Ў. И. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент, Академија, 2009. – Б. 142.

<sup>229</sup> Аскаров А. А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. – Самарканд, 1993. – 162 с;

<sup>230</sup> Абдуллаев У. И. Историография древней системы управления и ранней государственности Средней Азии (XX-начала XXI в. ): Автореф. дисс.... канд. истор. наук. – Ташкент, 2008. – 21 с.

<sup>231</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Т. ф. д. дисс. Автореферати. ЎЗР ФА АИ. – Самарканд, 2009. – 57 бет.

<sup>232</sup> Васильев Л. С. Протогосударство - чифдом как политическая структура // Народы Азии и Африки. – М.: 1981, №6. – С. 157 – 175; Крадин Н. Н. Вождество: современное состояние и проблемы изучения // Ранние формы политической организации. – М.: 1995. – С. 11-61; Зданович Д. Г. Синташтинское общество: социальные основы «квазигородской» культуры Южного Зауралья эпохи средней бронзы. – Челябинск, 1997. – С. 87.

аталмоқда. К. Ренфрю “чифдом” босқичидаги жамоаларни типларга ажратади. «Чифдом» формасининг биринчи кўриниши бўйича диний урф-одатлар ва фортификация ривожланган жамоада табақалашган қабрларнинг бўлиши шарт эмас. Иккинчи типда қабрлар табақалашган, яъни мулкӣ тоифаларга ажралган бўлади. Шу билан бир қаторда фанда «чифдом»нинг ҳукмдорсиз жамоа формаси ҳам мавжуд<sup>233</sup>.

Бунга Иерихон ёдгорлиги мисол қилиб кўрсатилади. Бу ерда бошқарув аппарати бўлмаса-да, иқтисодий ҳаёт тараққӣ этган бўлиб, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, аҳоли доимий меҳнат билан таъминланган. Бу ибтидоий демократик жамият бўлиб, ҳукмдор бошқарувисиз жамоани ривожлантириш йўлидир. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу жамоада бошқаришнинг содда формаси – ишонч формаси бўлган<sup>234</sup>.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Жарқўтон ёдгорлиги юқорида кўрсатилган «чифдом» формасининг учта кўринишидан бирортасига ҳам тўғри келмайди. Ақсинча, Сополли маданиятининг бошқа ёдгорлиги - Сополлитепа ўзининг ички ва ташқи тузилиши, яъни юқори ривожланган фортификациянинг мавжудлиги ва бошқарув апаратининг йўқлиги, қабрларнинг дифференциал тенгсизлиги, ҳунармандчиликнинг барча соҳалари ниҳоятда ривожланганлиги Сополлитепада тарихий тараққӣётнинг «чифдом» шакли бўлган деган тушунчани беради.

Т. Ш. Ширинов томонидан қўлланган “карликовое” ибораси илк давлатлар учун биринчи марта Б. Г. Гафуров томонидан ишлатилган<sup>235</sup>. Бизнинг фикримизча бу ибора жамият тараққӣёти учун нотўғри қўлланган. У кўпроқ ўсимликлар ва ҳайвонат

<sup>233</sup> *Периц А. И.* Вождество. Свод этнографических понятий и терминов // Социально-экономические отношения и соционормативная культура. — М.: 1986. — С. 34–35.

<sup>234</sup> *Периц А. И.* Вождество. Свод этнографических понятий и терминов... — С. 36.

<sup>235</sup> *Б. Г. Гафуров.* Таджики... Москва, 1972.

дунёси учун хос бўлиб, уларнинг паст бўйли турлари учун қўлланилади.

Ўрта Осиёда илк давлатларнинг тарихшунослиги масаласи билан шуғулланаётган Ў. И. Абдуллаев таклиф қилган “митти” ибораси ҳам ноилмий характерга эга. Ҳар бир сўз ўз ўрнида ишлатилган тақдирда унинг жозибадорлиги бўлади. Албатта, митти сўзи давлатлар учун қўлланилади, агарда унинг антоними, яъни “катта” давлатлар бўлган ҳолатда ишлатилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизнинг фикримизча илк давлатларнинг ижтимоий характери, ички ва ташқи тузилишини “шаҳар-давлатлар” ибораси тўлиқ очиб беради. Оқс цивилизацияси ҳудудида илк давлатларнинг шаклланиш жараёнлари бўйича олиб борилган ишлар бунини тўлиқ тасдиқлайди.

Қадимги Шарқнинг маданий ўчоқларидан бири бўлган Жанубий Туркменистоннинг Мурғоб деҳқончилик ўлкасида мил. авв. II минг йилликда илк давлатларнинг шаклланиш жараёни археологик маълумотлар асосида яхши кузатилган. Воҳада жами 100 дан ортиқ бронза даври ёдгорликлари аниқланган бўлиб, улар саккизта суғорилиш районида жойлашган (Келели, Ажикуй, Аучин, Таип, Гонур, Тўғолок, Адам-Басан, Тохирбой). Ҳар бир районда битта ёдгорлик ўзининг кўлами ва морфологик тузилиши билан бошқаларидан ажралиб туради. Бу ёдгорликлар шу кичик микрооазисларнинг маркази вазифасини бажарган<sup>236</sup>.

Мурғоб деҳқончилик воҳасида жойлашган саккизта кичик ўлкаларнинг марказлари деб талқин қилинаётган Аучин I, Гонур I, Тўғолок 1 ва Тўғолок 21 ёдгорликларида кенг кўламдаги археологик тадқиқотлар ўтказилган<sup>237</sup>. Гонур ўлкасидаги

<sup>236</sup> *Сарианиди В. И.* Древности страны Маргуш. — Ашгабад, 1990. — С. 6

<sup>237</sup> *Сарианиди В. И.* Сельский храм Тоголок I в Маргиане // ВДИ. — М.: 1990, №2. — С. 10 — 13; *Сарианиди В. И.* Протозароастрийский храм в Маргиане и проблема возникновения зароастризма // ВДИ. — М.: 1989, №1; *Хиберт Ф., Мур К.* Новые стратиграфические раскопки в Гонур-депе(север) // Информационный бюллетень МАИКСА. Вып. 19. 1994. — С. 109 — 119.

марказий ёдгорлик Гонур I тепалиги бўлиб, унинг майдони 20 гектардан ортик. В. И. Сарианиди бу ёдгорликни Мурғоб воҳасининг маркази сифатида кўрсатади. Гонур I – икки қисмдан иборат, биринчи қисмда жойлашган ибодатхона муҳофаа деворлари билан ўралган бўлса, иккинчи қисм очик жойда жойлашган жамоалар яшайдиган маҳаллалардан иборат.

Шундай қилиб, Жанубий Туркменистонда бронза даври марказий ёдгорликларининг умумий майдони 12 – 20 гектаргача борган. Улар икки қисмдан иборат бўлиб, монументал ибодатхоналар жойлашган биринчи қисм муҳофаа деворлари билан ўралган. Иккинчи қисм эса очик жойда жойлашган, жамоалар яшайдиган маҳаллалар мажмуасидан иборат бўлган. Воҳаларнинг маркази бўлган шаҳарлар ибодатхона муҳофазалари томонидан бошқарилган. Марв деҳқончилик воҳасини Қадимги Шарк билан таққослаб шуни айтиш мумкинки, ибодатхоналар бу ерда ҳам каналларни қазिश – ирригация ишларини уюштириш ишларини бажарган. Омборхоналардан эса захирадага ҳосилни, ортиқча бойликларни сақлаш мақсадларида фойдаланишган. Яна шуни ҳам таъкидлаш мумкинки, Мурғоб ўлкасидаги ҳар бир кичик воҳа автоном – мухтор характериға эга бўлган. Ибодатхона ва унинг атрофида жойлашган маҳаллаларни бошқариш, хўжаликни юргизиш ибодатхоналар зиммасида – ихтиёрида бўлган.

Жанубий Бактрия, ҳозирги Шимолий Афғонистон ҳудудида ҳам бронза даврида илк шаҳар-давлатлар шаклланганлиги қузатилган<sup>238</sup>. В. И. Сарианидининг тадқиқотлари бўйича сўнгги бронза даврида бу ерда тўртта шаҳар-давлат шаклланган бўлиб, булар Давлатобод, Фаррухобод, Даштли ва Ничкин ҳудудий деҳқончилик воҳалари ҳудудларини эгаллаган<sup>239</sup>. Тадқиқотчи-

<sup>238</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Т. ф. д. дисс. Автореферати. ЎзР ФА АИ. – Самарканд, 2009. – 57 бет.

<sup>239</sup> Сарианиди В. И. Древние земледельцы Афганистана. – М.: Наука, 1977. – С. 34 – 40.

нинг Жанубий Бактрия ҳудудларида олиб борган археологик ишлари шуни кўрсатмоқдаки, Даштли деҳқончилик воҳасини тўлиқ шаклланган «ном» типигаги илк давлат деб баҳолаш мумкин. Бу ўлка ўзининг сиёсий марказига, марказ атрофида жамланган қалъа ва қишлоқларига эга бўлган.

Қадимги Шарқда кечган илк давлатларнинг шаклланиш жараёнини Ш. Б. Шайдуллаев Жарқўтон мисолида ўрганди ва бу ёдгорликни Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги шаҳар-давлат деб эътироф этди<sup>240</sup>. Илк давлатларнинг типлари учун “ном” типигаги “шаҳар-давлат” иборасининг қўлланиши услубий жиҳатдан тўғри деб ҳисоблаймиз ва таъкидлаймизки, давлатчиликнинг энг қадимги шакли шаҳар-давлатлар қадимги Шу-мерда нисбатан яхши ўрганилган. Улар унча катта бўлмаган ҳудудда, аниқроғи, бир жамоа эгаллаган ҳудудда ёки бир-бири билан узвий боғлиқ бир неча жамоа ҳудудларида ташкил топади. Аксарият ҳолларда шаҳар-давлатлар бирон-бир табиий чегара (тоғ, денгиз, чўл) билан чегараланган бўлган. Мана шундай аниқ чегараланган ҳудудга эга бўлган давлатлар «номлар» деб юритилган. Бундай шаҳар-давлат марказида шу ҳудуднинг бош «илоҳ»ига бағишлаб қурилган ибодатхона турган. Унинг атрофида маъмурият, озиқ-овқат, курул-яроғ омборлари, хунамандчилик устахоналари жойлашган. Уларнинг ҳаммаси ҳимояланиш мақсадида муҳофаа деворлари билан ўраб олинган. Шу тариқа, илк давлат маркази – шаҳар юзага келган. Шаҳар атрофларида эса бир неча қишлоқлар жойлашган бўлган. Улар сиёсий жамланган ҳолда илк давлатларнинг биринчи босқичи – шаҳар-давлатларни ташкил қилган<sup>241</sup>. Қадимги Шу-мерда мил. авв. III минг йиллик давомида шаҳар-давлатлар босқичи давом этган. Шу-мер ҳудудида 13 та мустақил шаҳар-давлатлар ҳукм сурган<sup>242</sup>. Юқорида келтириб ўтилган Жанубий Туркманистон,

<sup>240</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши... – 57-бет.

<sup>241</sup> И. М. Дьяконов, В. А. Якобсон. «Номовые государства»... – С. 3 – 11.

<sup>242</sup> В. И. Гуляев. Типология древних государств: Месопотамия и Мезаме-рика... – С. 76 – 77.

Шимолий Афғонистон ва Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида ўрганилган, бронза даврига оид “ном” характеридаги ёдгорликлар (Олтинтепа, Номозгоҳтепа, Улуғтепа, Гонур, Тўғолок, Даштли ва Жарқўтон) Шумер шаҳар-давлатларига монандлиги билан характерланади.

Қадимги Шарқ илк цивилизациялари даврида шаклланган давлатларнинг асосий ички таркибини жамоалар ташкил этган<sup>243</sup>, улар ижтимоий ва синфий характериға қараб қуйидаги шаклларда ёритилган.

| №   | Илмий адабиётларда жамоаларға нисбатан қўлланилаётган иборалар |
|-----|----------------------------------------------------------------|
| 1.  | “Қадимги деҳқон жамоалари”                                     |
| 2.  | “Умумлашган жамоа”                                             |
| 3.  | “Қишлоқ жамоаси”                                               |
| 4.  | “Илк умумлашган жамоа”                                         |
| 5.  | “Патриархал оила”                                              |
| 6.  | “Илк синфий жамоа”                                             |
| 7.  | “Илк кўчманчилар жамоаси”                                      |
| 8.  | “Аҳолиси зич сиёсий бирлашма”                                  |
| 9.  | “Якка дохийли кўп таркибли жамоа”                              |
| 10. | “Ҳарбий аристократия”                                          |
| 11. | “Кўп қатламли жамоа”                                           |
| 12. | “Сараланган жамоа”                                             |
| 13. | “Тенглаштирилган жамоа”                                        |
| 14. | “Жамиятда тутган ўрниға қараб тенглашган жамоа”                |

<sup>243</sup> Дьяконов И. М, Якобсон В. А. «Номовые государства», «территориальные царства», «полисы» и «империи». Проблемы типологии // ВДИ. – М.: – № 2, 1982. – С. 3 – 12; Павленко Ю. В. Раннеклассовые общества. Генезис и пути развития. – Киев, 1989. – 172 с; Сорокин П. А. Человек. Цивилизация. Общество. – М.: 1992 – 182 с; Зданович Д. Г. Синташтинское общество: социальные основы «квазигородской» культуры Южного Зауралья эпохи средней бронзы. – Челябинск, 1997. – 87 с; Илюшечкин В. П. Теория стадийного развития общества. – М.: 1996. – 296 с;

|     |                            |
|-----|----------------------------|
| 15. | “Ибтидоий бўлмаган жамоа”  |
| 16. | “Ғалати, кўп худоди жамоа” |
| 17. | “Оралиқ жамоа”             |
| 18. | “Ўлпон тўловчи жамоа”      |
| 19. | “Пастирь жамоа”            |

Табиийки, Окс жамоалари ҳам турлича номланган. Тадқиқотчилар томонидан энг кўп қўлланилгани “қадимги деҳқон жамоалари” иборасидир. Окс цивилизацияси тадқиқотчилари асарларининг номларини ҳам “деҳқончилик маданияти” номи билан боғлашган<sup>244</sup>. Ундан ташқари “илк умумлашган жамоа”, “умумлашган жамоа”, “қишлоқ жамоаси”, “патриархал жамоа”, “илк синфий жамоа” иборалари ҳам қўлланилган<sup>245</sup>.

Кейинги вақтда Қадимги Шарқ маданиятлари учун “илк умумлашган жамоа” (“ранние комплексные общества”) ибораси ишлатила бошлади<sup>246</sup>. Бу иборани Окс цивилизацияси учун

<sup>244</sup> Аскарлов А. А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана. – Тошкент, Фан, 1977. – 248 с; Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 1959. – № 73. – 239 с; Сариянида В. И. Древние земледельцы Афганистана. – М.: Наука, 1977. – 184 с.


<sup>245</sup> Массон В. М. Ритмы культурогенеза и концепция ранних комплексных обществ. // Вестник российского научного гуманитарного фонда. СПб. 1998. № 3. С. 1 – 95. Аскарлов А. А, Бураков Ю. Ф, Квирквелия О. Р, Радиловский В. В. Теоретические и методологические проблемы исследования в археологии. – Ташкент, Фан, 1988. – 214 с; Аскарлов А. А. Проблема становления раннегородской культуры на юге Узбекистана и ее связи с Индостаном // Древние культуры Средней Азии и Индии. – Ташкент, 1984. – С. 87 – 97; Массон В. М. Экономический и социальный строй древних обществ. – Л.: Наука, 1976. – С. 184; Массон В. М. Средняя Азия и Древний Восток. – М.: -Л., 1962. – 423 с; Пьянкова Л. Т. К вопросу о семейных и общественных отношениях в эпоху поздней бронзы (по материалам могильников Вахшской культуры) // МКТ. Вып. 4. – Душанбе, 1987. – С. 43 – 70; Сариянида В. И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002. – 279 с.

<sup>246</sup> Массон В. М. Ритмы культурогенеза и концепция ранних комплексных обществ. // Вестник российского научного гуманитарного фонда. СПб. 1998. № 3. С. 1 – 95.

ҳам қўллашни таклиф этмоқчимиз. Негаки бу цивилизация аҳолисига ижодкорлик хусусияти характерли бўлиб, Марказий Осиё халқлари тарихидаги энг катта ижтимоий воқеликларга, моддий маданиятнинг жуда кўплаб турларига, янги техника ва технологияларга асос солган халқдир.

Окс цивилизациясининг синфий дифференциялашган аҳолиси марказлашган динга, илк шаҳар маданиятига, давлатчиликка асос солиш билан бирга ҳунармандчилик соҳасида, айниқса кулолчилик чархида ишланган идишларни икки ярусли хумдонларда пишириш технологияларини йўлга қўйишган, темирни билишган, меъморчилик соҳасини санъат даражасига кўтариб, симметрия ва фортификацияда лабиринт тизимини жорий қилган, халқаро алоқалар тизимида, айланма механикага асос солиб аравани кашф этган, ҳайвон кучидан фойдаланиб ерга ишлов беришни қўллаган аجدодларимиз ҳисобланади.

Марказий Осиё халқлари тарихида шунча янгилик қилган халқни деҳқон жамоаси деб аташ, жуда ҳам жўн ва улар эришган маданият даражасига ва иқтисодига тўғри баҳо бермасликдир. Бу жамоа халқ хўжалигининг барча соҳасини тенг ривожлантирган умумлашган жамоадир.



10-расм. Тўк қора рангда Жарқўтон ибодатхонаси ўрнидаги илк қурилиш иншооти. Оч қора рангда ибодатхонанинг муҳофаа иншооти.

### III БОБ. ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ЎЗУВ ТИЗИМИ

Окс цивилизациясида пиктографик белги, пиктографик ёзув ва ашёвий ёзув турлари кенг тарқалган. Тан олиб айтиш лозимки, булар илк ёзувнинг кўринишларидир. Шу типдаги ёзув жуда кўплаб цивилизация даражасига чиқаолмаган қадимги халқларда ҳам бўлган. Бир қатор тадқиқотчилар, албатта уларнинг фикрлари тўғри, ёзувни цивилизациянинг энг асосий белгиси сифатида қарайдилар ва ибтидоий жамият ва цивилизацияни фарқлаб турадиган атрибут сифатида баҳолайдилар. И. Е. Гельбнинг хулосасига кўра ёзув фақат цивилизациялар вақтида юз беради, цивилизациялар ёзувсиз шаклланиши мумкин эмас<sup>247</sup>. Т. В. Гамкреладзе ва В. В. Ивановларнинг қарашлари бўйича, “цивилизация ёзувни кашф этган, синфий жамият маданиятидир”<sup>248</sup>. Бу хулоса билан жуда кўплаб индоевропа ва индоиран халқлари археологияси билан шуғулланувчи мутахассислар ҳамфикрдадир<sup>249</sup>. Мак-Нейл шундай жамоани цивилизацияга эришган деб ҳисоблаш керакки, жамоада туғилган ижтимоий муаммоларни ечишга қодир бўлган, обрўли жамоа бошлиқларининг ёзув текстлари шаклланган бўлсин. Албатта, цивилизация, синфий жамият ва ёзувнинг бир-бирига боғлиқлиги табиий ҳол. Р. Бартнинг фикрига кўра ёзувнинг энг асосий хусусиятларидан бири унинг ижтимоий ҳукмдорлик ўртасидаги воситачилик вазифасидир<sup>250</sup>. Қадимги Шарқ манбалари бўйича фикр юритадиган бўлсак ҳам ёзув цивилизациянинг муомала воситаси сифатида илк синфий муносабатлар шаклланган дехқончилик жамоалари даврида пайдо бўлади. Дехқончилик

<sup>247</sup> Гельб И. Е. Опыт изучения письма. М., 1982. С. 211.

<sup>248</sup> Гамкрелидзе Т. В., Иванов В. В. Индоевропейский язык и индоевропейцы. Тбилиси, 1984. Т. 2. С. 885 – 890.

<sup>249</sup> Сафронов В. А. Индоевропейские прародины. Горький, 1989. С. 72.

<sup>250</sup> Барт Р. Семиотика. Поэтика. М., 1994. С. 304 – 306.

жамоаларининг фаолият этиши билан боғлиқ бўлган, ўзига хос чуқур ижтимоий-иқтисодий ва идеологик-диний сабаблари ҳам мавжудки, авваламбор сарой ёки ибодатхона хўжалиги механизмнинг ишлашини, бутун ҳисоб-китобларни қамраб олган тизимнинг ўрнатилиши ёзувнинг шаклланишига асос бўлган.

Окс цивилизацияси аҳолисида маълумотларни бир-бирига ашёлар ёрдамида етказиш бўйича юқори ривожланган анъанавий усуллари анча ривож топган<sup>251</sup>. Шу сабабли бу жамоада ёзув маданияти унчалик ривож топмаган, шундай бўлсада белгиларга асосланган пиктографик усули мавжуд бўлган. Белгиларга асосланган ёзув усули мил. авв. II минг йиллик давомида Евроосиё кўчманчи халқларида ҳам бўлганлиги аниқланмоқда<sup>252</sup>. Бу белгилар илк алфавитга асосланган ёзувларга таққосланганда айрим ўхшашликлар ҳам кузатилган<sup>253</sup>.

### III. 1. Окс цивилизациясининг ашёларга асосланган ёзув усуллари

Ўрта Осиё халқлари тарихида ашёвий ёзувнинг ўрни ниҳоятда баланд ва жуда қадимдан маълум бўлган. Аммо изланишлар шуни тасдиқламоқдаки, Ўзбекистон тарихида бу соҳа тадқиқотчилар томонидан умуман ўрганилмаган ва илмий тадқиқотлар ўтказилмаган.

<sup>251</sup> *Avanesova N. A. Spätbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flusoase nach den Befunden der Nikropole Bustan 6 // AMIT 29, 1997. – P. 147 – 178.*

<sup>252</sup> *Пряхин А. Д. Новый этап в исследовании проблематики эпохи бронзы Евразии степи и лесостепи // Комплексные общества Центральной Евразии III—I тыс. до н. э. Челябинск; Аркаим, 1999. – С. 59 – 63.*

<sup>253</sup> *Пустовалов С. Ж. О росписях на дне катакомб ингульской культуры и о проблемах этносоциальной реконструкции катакомбного общества Северного Причерноморья // Доно-Донецкий регион в эпоху средней и поздней бронзы. Воронеж, 1998. – С. 22—51.*

Қадимги халқларда ашёвий ёзувнинг ниҳоятда ривожланганлигини биз тарих отасининг қолдирган маълумотлари асосида ҳам билсак бўлади. Геродотнинг ёзишига қараганда Аҳамонийлар ҳукмдори ва ислохотчиси Доро скиф қабилалари устига уруш очганда кўчманчилардан қуш, сичқон, қурбақа ва бешта пайкон солинган ашёлар мажмуасини олади<sup>254</sup>. Бу маълумот тарихчилар томонидан жуда кўп маротаба муҳокама этилган ва предметларнинг этимологияси хусусида қуйидаги умумий фикрга келишган "... агар сен қушлар сингари осмонларга учмасанг, сичқонлар сингари ер қарига кирмасанг, қурбақалар сингари ботқоқларга шўнғиб кетмасанг тирик қайтмайсан, шу пайконлар сенга аталган"<sup>255</sup>. Бу маълумот ашёвий ёзувнинг қадимги халқлар ўртасида кенг тарқалганлигининг ёзма манба ёрдамида исботланишидир.

Алфавитли ёзув энг ривожланган Ўрта асрлар даврида ҳам ашёвий ёзув унутилмаган. Ўрта аср манбаларидан ҳисобланган Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" ва Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406 йиллар)" асарларида ашёвий ёзувга мисол бўладиган маълумот учрайди. Шарафуддин Али Яздий Йилдирим Боязиднинг Амир Темурга элчилар орқали пешкаш тариқасида ўнта қуш ва от жўнатганлиги, бу ҳолат Амир Темурнинг жаҳлини чиқарганлигини қайд этиб ўтган: "Алқисса, Румдин келгон элчилар пешкашлари била келиб, соҳибқиронни кўрдилар. Ўн қуш ва ўн от тортиб, юкуниб, сўзларини эшитиб, йибаргон пешкашларни қабул қилмай деди: "Кишига ким саодат ёри қилмағай, насиҳат ва неххоҳлук фойда қилмас. Ҳар неча дедимким, ул мамлакатда бизнинг черикдин ташвиш тегмағай..."<sup>256</sup> Бу воқеа ҳақида турк тарихчилари ҳам қуйида-

<sup>254</sup> Геродот IV. 131 – 132.

<sup>255</sup> Лосев А. Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. – М.: 1976. – С. 131 – 134.

<sup>256</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Ахмад, Ҳ. Бобобеков. – Т.: 1996. – Б. 256.

гича фикр билдиришган: “Бир ривоятга кўра, Йилдиримнинг энг охирги юборган пешкашларидан Темурнинг жаҳли чиққан. Зеро, юборилган арғумонларнинг ҳар бирининг микдори ўн-тадан эди. Ҳолбуки, туркларда тўққиз рақами одат тусига кирганлиги сабабли, пешкаш тарзида юбориладиган арғумонларнинг сони тўққизтадан бўлиши керак эди<sup>257</sup>. ” Руи Гонсалес де Клавихо ҳам Амир Темур ўрдасида бўлиб ўтган катта базмни тасвирлаш чоғида бу одат ҳақида эслатиб ўтган: “Зиёфат ту-гаши билан унинг энг яқин аъёнларидан, хонадонининг эшик оғаси Шамелик Мирасса (амир Шоҳ Малик) ва Нораддин Мирасса (амир Шайх Нуриддин) подшоҳга совғалар тақдим этдилар. Совға узун пояли бир неча кумуш идишлардан иборат бўлиб, ҳар бирига қанд, майиз, бодом, писта ва бошқа ширинликлар солинган, устига бир парча шоҳи газлама ташланган эди. Идишлар тўққизтадан эди, чунки подшоҳга тақдим этилаётган совғалар тўққизтадан иборат бўлиши одат<sup>258</sup>. ” Туркларда тўққиз рақамининг ўзига хос аҳамиятини, никоҳ тўйларида сакланиб қолган “тўққиз товоқ” маросимидан ҳам билса бўлади.

Окс цивилизацияси аҳолиси ўртасида ашёвий ёзувнинг кенг тарқалганлигини муҳокама этишдан аввал этнографик манбаларига эътиборимизни қаратсак. Ўзбек халқи этнографиясида ҳам бу соҳа ўрганилмаган илмий йўналишлардан биридир. Аммо ашёвий ёзув бизнинг халқимиз орасида жуда кенг тарқалган, негаки этногенези бронза даврига бориб тақаладиган ўзбек халқи жуда кучли фалсафий мушоҳада қиладиган халқлар қаторида туради. Ашёвий ёзув услуби ўзбек халқи ҳаётининг ҳар бир жабҳасида кузатилади. Жумладан, куёв билан келинни унаштириш жараёнида совчилар келиши, совчилар

<sup>257</sup> *Yasar Yusel, Ali Sevim. Turkiye tarixi. C. 2. Ankara, 1990. – S. 62.*

<sup>258</sup> *Гонсалес, Руи Де Клавихо. Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406). Маъсул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев. – Т.: «O‘zbekiston», 2010. – Б. 171.*

Ўтирган жойида бирон нарсасини қолдириб кетиш одати уларнинг “биз яна бу хонадонга қайта келамиз” маъносини беради. Ёки қудаларнинг бир-бирларига “оқлик” юбориш анъанаси бир-бирларига тўкин-сочинлик, тинчлик, соғлик, баркамоллик тилашларини билдиради. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, халқимизда жуда кўп сўзларнинг иккиламчи маънолари, “перифразалар”и мавжуд. “Тулки” сўзи ҳайвон номи билан бирга, айёрлик, ёлғончилик маъносини, “қора” сўзи эса ранг маъноси билан бирга зулмат белгисини, тоқ сонлар эса айрилиқ маъноларини англатади.

Ўзбек халқининг кийиниш одобидан ҳам ҳар хил маълумотлар олса бўлади. Азадор аёлларнинг оқ рўмол ёпиниши, турмушга чиққан қизларнинг кокил қўйиш одати одамлар орасида уларнинг ажралиб туришини белгиласа, иккинчи жиҳатдан ашёлар ёрдамида уларнинг азадорлиги ёки турмуш қурганлиги ҳақида маълумот беради. Эрли аёллар кекса бўлишига қарамай қизил салла, тул қолган аёллар эса ёш бўлишига қарамай оқ салла кийиши лозим бўлган. Бош кийимидан аёлларнинг боши очиқ ёки эри борлигини билиш мумкин бўлган. Ҳозирги даврда ҳам ашёвий ёзувнинг замонавий кўринишларидан кўпгина жабҳаларда кенг фойдаланилади. Жумладан, ҳар хил спорт турларида ҳакамларнинг байроқча, хуштак, жазолаш карточкалари, қўл ҳаракатлари ва ҳ. к. лардан фойдаланган ҳолда мусобақаларни бошқаришлари ва улар томонидан амалга оширилган ҳар бир ҳаракатнинг спортчилар томонидан сўзсиз тушунилиши ашёвий ёзувнинг замонавийлашган кўринишларидан биридир. Кўчаларда йўл ҳаракатини тартибга солиб туришда, светофор чироқларининг ранглари, тирбанд чорраҳаларда турадиган тартибга солувчининг ҳаракатлари (хуштак, қўл ва тартибга солиш таёқчаси ёрдамида) ва йўл белгиларидан барча давлатларда кенг фойдаланилади. Ҳар бир давлатда, давлат рамзлари ҳисобланган байроқ, мадҳия ва тамғанинг

мавжудлиги ҳам ашёвий ёзувнинг энг мукаммаллашган кўри-нишидир. Президентимиз И. А. Каримов давлатимиз рамзла-ри тўғрисида: “Давлатимиз рамзлари – байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хоти-раси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради, мана шу рамзларни эъозлаш ўзининг кадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш демакдир”, деб аниқ таъриф берган<sup>259</sup>. Аҳоли ўртасида ҳам ҳозирги кун-да ашёвий ёзувдан фойдаланиш ҳолатларини кузатишимиз мумкин. Бундай ҳолатни халқимизнинг тўй ва маъракаларда дастурхон тузатишдаги фарқларида кўрамиз. Халқимиз қу-вончли кунларда (тўй ва базмларда) дастурхонга қўйиладиган ноз-неъматларнинг миқдорини жуфт қўйса, маъракаларда эса тоқ миқдорда қўяди. Бу билан қувончли кунлар жуфт бўлиб келишини, қайғули кунлар эса қайта такрорланмаслигини ўз ҳаракатлари билан ифодалайдилар. Хотин-қизларда соат, узук ва сирға каби тақинчоқларни тақишдаги фарқлар, кишилар-га тухфа этиладиган гулларнинг сони ва рангидаги фарқлар, овқат ва чойни сузиш ҳамда уни узатишда, дастурхон атрофи-га ўтиришда, дастурхонга қўйилган ноз-неъматларни истеъмол қилиш кетма-кетлигига риоя қилишда кишиларнинг ёши ва об-рў-эътиборига қараш ва ҳ. к шулар жумласидандир. Бу ҳолат-ларни ҳам фанда ашёвий ёзув тизими деб аташимиз мақсадга мувофиқдир.

Инсонларнинг ашёлар ёрдамида фикрини билдириши, яъни ашёвий ёзув тизими жуда қадимдан шаклланган ва символ-ларнинг пайдо бўлишига олиб келганлигини тасдиқлайди. Жарқўтон ёдгорлиги тадқиқотчилари асарларига мурожаат қи-линганди улар қабрлардан жуда кўплаб предметларнинг митти

---

<sup>259</sup> Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат//Муаллифлар: М. Абдул-лаев, М. Абдуллаева, Г. Абдураззокова ва бошқ.; А. Жалолов ва Қ. Хоназа-ров умумий таҳририда/. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 45-46.

шакллари топилганлиги тўғрисида маълумотлар беришади<sup>260</sup>. Улар кўпинча бронзадан ва лойдан ясалган бўлиб, шакл жиҳатидан доира шаклли алтар, иш ва жанг куроллари, нарвон, ҳайкал каби кўринишда ифодаланган. Яна шу нарса ҳам маълумки, митти предметлар ҳеч қачон бир дона эмас, энг камида учта, яъни комплекс ҳолатда учрайди.

Бронзадан ясалган митти ашёларни тадқиқотчилар металл ни асраш, иқтисод қилиш мадсадида металл предметларнинг ўзини эмас балки образларини ясаб, майит билан бирга кўмган деб ҳисоблашади. Бу фаразнинг ҳам фанда яшашга ҳаққи бор албатта, аммо оламдан ўтган азиз инсонлар хотираси учун кишилар ҳеч қандай предметни аямаслик ҳолатини инобатга олсак юқоридаги фикр ўз аҳамиятини йўқотади. Биз бу митти предметларнинг вазифаси хусусида ҳақиқатга яқин бўлган янги фикр билдирмоқчимиз ва оппонентларимиздан бу ғояга астойдил муносабатда бўлишларини истаб қолардик. Айтмоқчи бўлган фикримиз шундан иборатки, Жарқўтон ёдгорлиги қабрларида учрайдиган митти предметлар ашёвий ёзувлар мажмуасидир. Юқорида таъкидлаганимиздек улар комплекс ҳолда учрайди.

Бронзадан ясалган митти предметлар Сополли маданиятининг кўзали давридан бошлаб эркак, аёл ва ҳаттоки кенотаф қабрларда ҳам учрайди<sup>261</sup>. Академик А. А. Асқаров ва унинг шогирди Б. Н. Абдуллаев томонидан Жарқўтон IVa қабристонига жами 719 та қабр очиб ўрганилган. Шундан кўзали даврига оид қабрлардан жами 24 та митти ашёлар топилган бўлиб, уларнинг 14 таси пичоқ, 5 таси ханжар, 1 таси қозон, 1 таси тоба, 1 таси қошиқ, 1 таси санчки, 1 таси капкир шаклида ясал-

<sup>260</sup> *Ионесов В. И.* Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дис.... канд. ист. наук. – Самарканд. ИА АН Уз. ССР. 1990. – С. 21.

<sup>261</sup> *Асқаров А. А., Абдуллаев Б. Н.* Джаркутан (к проблеме протогородской цивилизации на юге Узбекистана). – Т.: 1983. – С. 24.

ган<sup>262</sup>. Митти предметлар топилган қабрлар кўпроқ бой қабрларда учраган. Жумладан, 30 – 35 ёшли аёл кишига тегишли бўлган № 49 қабрда бронзадан ясалган 7 та митти предмет билан бирга 17 та сопол идиш, кенотаф бўлган № 475 қабрда эса 3 та митти предмет билан бирга 8 та сопол идиш қўшиб қўмилганлиги кузатилган<sup>263</sup>.

Молали даврига оид қабрлардан жами 18 та митти предметлар топилган, улар жуда ёмон сақланганлиги боис шакллари аниқлашда қийинчилик туғилган. Тадқиқотчилар ушбу ашёларни ҳар хил кўринишдаги пичоқ, бел, этикдўз иш қуроли шаклларида ясалган деб ҳисоблайди<sup>264</sup>.

Митти предметларнинг катталиги 2 – 3, қалинлиги 0,1 см. дан ошмайди. Юқорида таъкидланганидек, улар шакл жиҳатидан турли хил идишлар, иш ва ов қуроллари кўринишида ясалган.

Академик А. А. Аскарлов ва шогирди В. И. Ионесов Жарқўтон IVв қабристонидан жами 300 дан ошиқ қабрни очиб ўрганган<sup>265</sup>. Бу қабристоннинг ҳам айрим қабрларида митти предметлар мажмуаси учраган. Жумладан, № 60 қабрга 35 – 40 ёшлардаги эркак киши қўйилган бўлиб, унинг скелети анатомик шаклда ётмай, суяклари бир жойга териб қўйилган ва устига қизил охра сепилган. Қабрда молали даврининг 10 та сопол идиши, идишларда овқат қолдиқлари излари, ҳайвон суяклари билан бирга пайкон (узуңлиги 4,5 см, эни 1,5 см), пичоқ (узуңлиги 3 см, эни 1,7 см), қилич (узуңлиги 1,5 см, эни 1,7 см) шаклли учта бронзадан ишланган митти предмет ва бош кийим шаклли қумушдан ясалган митти предметлар мажмуаси топилган<sup>266</sup>.

<sup>262</sup> Аскарлов А. А., Абдуллаев Б. Н. Джаркутан... – С. 24.

<sup>263</sup> Аскарлов А. А., Абдуллаев Б. Н. Джаркутан... – С. 67.

<sup>264</sup> Аскарлов А. А., Абдуллаев Б. Н. Джаркутан... – С. 30.

<sup>265</sup> Ионесов В. И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дис.... канд. ист. наук. – Самарканд. ИА АН Уз. ССР. 1990. – С. 21.

<sup>266</sup> Отчет Шерабадского отряда за 1985 год. Архив Института археологии

Н. А. Аванесова томонидан Бўстон 6 қабристонида лойдан ясалган, ташки тарафидан қизил оҳра билан бўялган, цилиндр шаклли идиш ва унинг коник шаклли қопқоғи топилган бўлиб, идиш деворига иккита тешикча ўрнатилган<sup>267</sup>. Мана шу идишнинг ичидан лойдан ясалган 3 дона цилиндр шаклли предмет, лойдан ясалган митти идиш, лойдан ясалган зооморф юзли одам ҳайкали, доира шаклли алтарнинг топилиши ашёвий ёзувнинг ривожланган шакли мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Биз Жарқўтон ва Бўстон ёдгорликлари қабрларини ўрганиш давомида топилган митти предметлар ҳақида маълумотлар келтирдик. Бу топилмаларнинг предметли ёзув эканлигини асослаш зарур, албатта. Юқорида биз бронзадан ясалган митти предметларнинг вазифаси тўғрисида гап кетганда Сополли маданияти тадқиқотчиларининг фикрларини қўлламаган ҳолда, яъни уларни тадқиқотчилар металлни асраш, иқтисод қилиш мақсадида предметларнинг прототиплари ясалган деган фикрларига қўшилмадик, ва ўйлаймизки, тўғри қилдик. Мана Бўстон ёдгорлигидан лойдан ясалган митти предметларнинг мавжудлиги, улар ҳам қабрлардан топилганлиги ҳақидаги маълумотларни келтирдик. Бу ҳолатда Сополли маданияти аҳолиси тупроқни ҳам иқтисод қилишганми деган табиий савол туғилади ва биз чиқарган фикр, яъни уларнинг предметли ёзув эканлигига яна бир бор ишорадир.

Митти предметлар мажмуасининг барчаси қабрларда учраганлиги сабабли ўқувчида уларни Окс цивилизацияси аҳолисининг майитни кўмиш анъанасидир деган фикр туғилиши ҳам табиий ҳол, албатта. Анъаналар қайтариловчи, такрорланувчи, аجدодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтувчи урф-одатлар, удумлардан ташкил топади. Инновация эса жамият ҳаётида юз

АН РУз. Фонд 5, Опись 1, Дело 75. – Самарканд, 1986. – С. 36 – 37.

<sup>267</sup> *Avanesova N. A. Spätbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flusoase nach den Befunden der Nikropole Bustan 6 // AMIT 29, 1997, – P. 147 – 178.*

берувчи янгиликдир. Сополли маданияти қабрларини ўрганиш мобайнида анъана ва инновацион жараёнлар бир мунча яхши ўрганилган<sup>268</sup>. Шундай бўлса-да, таъкидлаш зарурки, Жарқўтон ёдгорлигида 3000 га яқин қабр ўрганилди, шулардан жуда кам қабрларда митти предметлар учраган, демак бу ҳолатга анъана эмас янгилик сифатида қараш керак. Иккинчидан, Сополли маданиятининг илк босқичларида, сополли ва жарқўтон даврлари қабрларида митти предметларнинг учрамаслиги ҳам бу одатнинг инновацион жараён эканлигидан далолат беради. Биз илгари сураётган предметли ёзув тизимида Кўзали давридан бошлаб асос солинган, шу давр моддий маданиятида предметли ёзув усули учрай бошлайди.

Н. А. Аванесова Сополли маданиятида митти предметларнинг пайдо бўлишини Андронов маданиятининг Ўрта Осиёга кириб келиши, миграцияси воқеаси билан боғлайди<sup>269</sup>. Олима ўз қарашларига кўчманчи халқларда предметли ёзув кенг тарқалганлигини асос қилиб олади. Ҳақиқатан ҳам Жарқўтон давридан бошланган кўчманчи Андронов маданиятининг миграцияси кўзали даврига килиб жуда қучайган<sup>270</sup>.

Предметли ёзув ўша вақт инсонлари учун жуда ҳам оддий, тушунарли бўлганлиги ва тез англаб олинганлиги табиий ҳол, албатта. Чунки бу ёзув усули уларнинг фалсафий дунёқарашлари ҳосиласидир. Уларнинг онгида ифодаланган фикрларнинг ашёлар кўмагида ифодаланиш ҳолатидир. Юқорида келтириб ўтилган скифлар ва Доро ўртасидаги муомала воситаси ҳар иккала халқ учун ниҳоятда тушунарли бўлганлиги аниқ, аммо

---

<sup>268</sup> *Аванесова Н. А.* Новое в погребальном обряде Сапаллинской культуры // *Российские вести*. Вып. 4. – С. 63.

<sup>269</sup> *Avanesova N. A.* Spatbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flusoase nach den Befunden der Nikropole Bustan 6 // *AMIT* 29, 1997, – P. 147 – 178.

<sup>270</sup> *Рахманов У. В., Шайдуллаев Ш. Б.* О влиянии культур степной бронзы на керамические комплексы Сапаллинской культуры // *ОНУЗ*, 1985, № 11. – С. 58 – 63.

замонавий тарихчилар учун жумбоқлигича қолаверади. Бу табиий ҳол албатта, худди ўзбек халқи этнографиясида мавжуд бўлган сўзларнинг ва одатларнинг эквивалент маъноларининг мавжудлиги бу фикрга асос бўлади.

Предметли ёзувларни ўқиш, аниқроғи тушуниш уни яратган халқларнинг мифологик ва фалсафий дунёқарашларини билиш, англаш билан чамбарчас ҳолда кечади. Агар митти предметларнинг пайдо бўлишини профессор Н. А. Аванесова илгари сураётган Андроново маданиятининг таъсири натижасида пайдо бўлган деган фикрига қўшиладиган бўлсак, Окс цивилизациясининг предметли ёзувларини ўқишни индоарий халқларига тегишли ведалар ёрдамида ёндашишга тўғри келади. Бактриянинг худуди, яъни Андроново ва Хараппа маданиятлари оралиғида жойлашиши ҳам бу манбадан тўлиқ фойдаланишга асос бўлиб хизмат қилади.

Б. Н. Абдуллаев Жарқўтон IVA қабристонида топган ва фанга киритган митти предметларнинг сони кўп, аммо адабиётда улар умумлашган ҳолатда берилган<sup>271</sup>. Қайси қабрдан нечта топилганлиги ва комплекс ҳолда берилмаганлиги уларни англашда қийинчилик туғдиради. ЎзР ФА Археология институти Шеробод отрядининг ҳисоботларида ҳар бир қабрнинг таърифи ва топилмалари хусусида тўлиқ маълумот топиш мумкиндир. Лекин эслаб ўтилган нашрда митти идишлар ҳақида умумий маълумотлар бериш билан чегараланган, холос.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Жарқўтон IVв қабристони-нинг № 60 қабридан бронзадан ясалган пайкон, пичок, қилич ва қумушдан ясалган шлем шаклли митти предметлар мажмуаси топилган<sup>272</sup>. Ушбу митти ашёлар мажмуаси предметли ёзувнинг типик кўринишидир. Бу ерда ҳарбий саркарда образига

<sup>271</sup> Аскарлов А. А., Абдуллаев Б. Н. Джаркутан (к проблеме протогородской цивилизации на юге Узбекистана). — Ташкент, 1983.

<sup>272</sup> Отчет Шерабадского отряда за 1985 год. Архив Института археологии АН РУз. Фонд 5, Опись 1, Дело 75. — Самарканд, 1986. — С. 36 — 37.

имитация қилинган. Унинг бош кийими энг қимматбаҳо металллардан бири бўлган қумушдан ясалганлигига энг асосий эътиборни қаратиш керак. Дубулға ҳарбийлик, қумуш эса олий тоифага оидлиги нишонасидир. Бронза даврининг энг нодир қуроли жамланмаси, узоққа отиш қуроли – пайконнинг, яқиндан жанг қилиш қуроли – пичоқ ва бронза даврида кашф этилган қиличнинг бир жойга тўпланиши ҳарбий кучларнинг бир қўлда мужассам бўлганлигининг нишонаси деб хулоса қилсак, ашёвий ёзувнинг маъносини англаган бўламиз.

Бўстон 6 қабристонидан цилиндроконик шаклли идиш ичидан 3 дона цилиндр шаклли предмети, идиш, одам ҳайкали, доира шаклли алтарнинг топилиши ашёвий ёзувнинг ривожланган шакли мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди ва бу ашёвий ёзувни англаш учун тадқиқотчидан кенг фалсафий мушоҳадани талаб қилади. Бу ишни энг содда 3 дона цилиндр шаклли предметдан бошласак. Улар жуда оддий ясалган ва кўплаб тадқиқотчиларнинг умум фикрларига қараганда санок тизимини англаган<sup>273</sup>. Бу фикрга биз ҳам қўшилаемиз, негаки нафақат бронза даврида, кейинги даврларда ҳам, ҳаттоки яқин даврларда ҳам ёзувни билмайдиган чўпонлар қўй ва эчкилар сонини ёғочдан ясалган таёқчалар ёрдамида ҳисоб-китоб ишларини олиб борганлиги маълум.

“3” сони дунё халқлари мифологиясида кенг тарқалган ва кўплаб илоҳий жиҳатларни англаган. Аммо Окс цивилизациясига энг яқин бўлган ҳиндоевропа халқлар мифологиясига мурожаат қилиш билан чегаралансак. Унда “3” сони илоҳий маънони, дунёнинг вертикал жойлашишини ер, ер усти дунёси ва осмон жисмларини англаган<sup>274</sup>. Окс цивилизацияси аҳолиси билан яқиндан маданий алоқада бўлган қадимги ҳинд халқларидан қолган Ведаларга мурожаат қиладиган бўлсак, “3” сони

<sup>273</sup> Аванесова Н. А. Предметное письмо доисторической Бактрии // *Transoxiana*. – М., 2002. – С. 16 – 23.

<sup>274</sup> Дюмезиль Ж. Верховные боги индоевропейцев. – М.: 1986. – С. 12.

инсонларнинг ҳар хил инсу жинслардан тозаланишининг учта кўриниши, худолар инсонларга берадиган учта илоҳиятнинг мавжудлигини тасдиқлайди. Буларнинг биринчиси Сом берадиган қалб гўзаллиги, иккинчиси Савитара берадиган таъсирланиш, тўлқинланиш ва ниҳоят Агни берадиган энергия, кучдир<sup>275</sup>. Бизнинг фикримизча, Бўстон VI қабристонида топилган митти конуссимон уч дона предмет ҳиндоевропа халқлари космогониясига яқин тушунчани англатган, негаки Сополли маданияти муҳрларида ҳам дунёнинг уч қатламдан иборатлигига ишора қилувчи сюжетлар тасвирланган<sup>276</sup>.

Доира шаклли митти оташкадаларнинг ашёвий ёзув тизи-мида учраши табиий ҳол, албатта. Оташкадалар Ўрта Осиё-нинг жуда кўплаб бронза даври ёдгорликларида топилган ва оловга сиғиниш атрибути сифатида, протозардуштийлик ва зардуштийликнинг энг асосий элементи сифатида талқин қилинган<sup>277</sup>.

Ўрта Осиё ёдгорликларидан топилган алтарлар тузилишига кўра икки типга ажратилган:

- доира шаклдаги алтарлар;
- квадрат шаклдаги алтарлар<sup>278</sup>.

<sup>275</sup> Ригведа. IX, 67, 26.

<sup>276</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари... – 38 б. ; Sarianidi V. I. Seal-Amulets of the Murgab Style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. Recent Soviet Discoveries. Ed. by Kohl P. L., New York, 1981; Sarianidi V. *Amiet P. L'age des echanges inter-iraniens 3500-3700 avant J. – C. Paris, 1986.* Информационный бюллетень МАИКЦА Вып. 14, М., 1988.

<sup>277</sup> Аскарлов А. А, Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд. 1993. – 187с; Сарияниди В. И. Исследования памятников Дашлинского оазиса // Древняя Бактрия. Материалы 1969-1973 гг. – М.: Наука, 1976. – С. 21 – 86; Сарияниди В. И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002. – С. 279.

<sup>278</sup> Рахимов К. А. Сополли маданияти ёдгорликларида олов билан боғлиқ қурилмалар ва ошхона идишлари типологияси. Т. ф. н.... дис. автореферати. ЎЗР ФА археология институти. Самарканд, 2011. – Б. 21.

Доира шаклли алтарларнинг диаметри 0,90 – 1,6 м, девор калинлиги 15 – 22 см, баландлиги 8 – 10 см. Уларнинг Осиё бўйлаб, энеолит ва бронза даврларидан бошлаб кенг ҳудуд тарқалиши кузатилган. Доира шаклли алтарлар Жанубий Туркменистоннинг Айнатепа<sup>279</sup>, Чангтепа, Геоксюр I<sup>280</sup>, Тожикистоннинг Саразм<sup>281</sup>, Ҳиндистоннинг Калибанган<sup>282</sup>, Кавказнинг Курааракс<sup>283</sup>, Эроннинг Суза<sup>284</sup>, Туркиянинг Анадолу ёдгорликларида, яъни мил. авв. III минг йилликка оид маданий қатламларида ўрганилган<sup>285</sup>.

Иккинчи типдаги алтарлар кенг ҳудуд бўйлаб тарқалмаган, Тожикистоннинг Саразм<sup>286</sup>, Туркменистоннинг Олтинтепа<sup>287</sup>, Даштли-3<sup>288</sup> ёдгорликларида қайд этилган.

Ўрта Осиё халқлари жуда қадим даврлардан бошлаб диний удумларини оловсиз ўтказмаган бўлсалар-да, махсус қурилмалар атрофида илоҳий сиғиниш энеолит давридан бошланганлиги аниқланган ва бронза даврига келиб кенг ҳудудларга тарқалиши кузатилади<sup>289</sup>.

<sup>279</sup> Хлопин И. Н. Модель круглого жертвенника из Ялангач-депе // КСИА, вып. 98. – М.: 1964. – С. 87 – 89.

<sup>280</sup> Сарияниди В. И. Памятники позднего энеолита юго-восточной Туркмении // Археология СССР. Часть 4. – М.: 1965. – С. 87 – 89.

<sup>281</sup> Исаков А. Саразм – новый раннеземледельческий памятник Средней Азии // СА, № 6, 1986. – С. 152 – 167.

<sup>282</sup> Бонгард-Левин Г. М. Древнеиндийская цивилизация, философия, наука, религия. – М.: 1980. – С. 16.

<sup>283</sup> Мунчаев Р. М. Кавказ на заре бронзового века. – М.: 1975. – С. 156-157.

<sup>284</sup> Mecquenet R. De Fouille de suse, 1933-1939. MMA en Iran. – Paris, 1943, - XXV. – P. 107 – 108.

<sup>285</sup> Мунчаев Р. М. Кавказ на заре бронзового века. – М.: 1975. – С. 156.

<sup>286</sup> Исаков А. Саразм – новый раннеземледельческий памятник Средней Азии // СА, 1986, № 1. – С. 152 – 167.

<sup>287</sup> Массон В. М. Алтын-депе // Труды ЮТАКЭ, т. XVIII. Л., 1981. – С. 64.

<sup>288</sup> Сарияниди В. И. Древние земледельцы Афганистана. – М.: 1977. – С. 34 – 39.

<sup>289</sup> Рахимов К. А. Сополли маданияти ёдгорликларида олов билан боғлиқ қурилмалар... – Б. 21.

Алтарларнинг жойлашишига қараганда Сополли маданиятининг илк босқичларида оилавий оловга сиғиниш ва Жарқўтон босқичида эса марказлашган ибодатхонада жамоа бўлиб оловга сиғиниш амалга оширилганлиги, шу билан бирга ҳар бир патриархал оилада ўзларининг махсус оилавий оловга сиғиниш алтарлари бўлганлигидан гувоҳлик беради. Сополли маданиятининг сўнгги босқичларида эса Жарқўтон аҳолиси марказлашган ибодатхоналарда жамоа тарзда оловга сиғинишган<sup>290</sup>.

Доира шаклли алтарлар осмон ва қуёш шаклига таққослаш натижасида пайдо бўлган, унда ёнган олов ҳам қуёшга менгзалган. Митти алтарнинг қабрда учраши “истеъдодли” ўлган одамни ботаётган қуёшга ўхшатган бўлиши мумкин деб ўйлаймиз.

Биз ашёвий ёзув деб эътироф этаётган митти мажмуалар орасида одам шаклидаги, лойдан ишланган статуэтка – ҳайкалча ҳам бор. Унинг бўйи 15 см, эни бош қисмда 3,5 см, кўкрак қисмида 7 см, таз қисмда 5 см. Оқс цивилизациясининг деярли барча ёдгорликларида ҳайкаллар учраган. Улар айрим ҳолларда майитнинг ўрнига ҳам қўйилган. Юз тузилишига қараб уларни уч турга ажратиш мумкин, юзсиз, зооморф юзли ва реалистик қиёфада ишланган ҳайкаллар учрайди. Биз таҳлил қилаётган предметли ёзувлар мажмуаси орасида топилган ҳайкалчага эркак ёки аёллигига урғу берилмаган, юзи ҳам чизилмаган. Демак, хаёлий образ, мумкинки худо образи, тимсоли ифодаланган. Бизнинг тасаввуримизча, ҳайкалчанинг алтар билан бирга топилиши унинг илоҳийликка оидлиги ҳақида ишорадир. Демак бу ерда олов ҳукмдори Агни ифодаланган. Маълумки, “Ригведа” Агни гимни билан бошланади ва у худо билан инсонлар орасидаги боғловчи образ сифатида қуйланади<sup>291</sup>.

<sup>290</sup> Рахимов К. А. Сополли маданияти ёдгорликларида олов билан боғлиқ қурилмалар... – Б. 21.

<sup>291</sup> Ригведа. I. 12.

Қадимги жарқўтонликлар оддий лойдан ясалган, митти предметлар ёрдамида бутун бир фалсафий дунёқарашларини ифода эта олган. Агар биз бу топилмаларни Ведалар билан тўғри таққослаган бўлсак, бу ерда жуда катта дунёқараш, маъно яширинганлигининг гувоҳи бўламиз. Алтар — оловпарастларнинг топиниш воситаси, ҳайкалча — олов ҳукмдори Агни тимсоли, учта конуссимон шаклли предметлар санок тизими ва дунёнинг уч қатламли эканлигига, ер ости, ер усти мавжуддлари ва осмон жисмларидан иборатлилига ишора этилган.


Жарқўтонда ашёвий ёзув турининг мавжуд бўлганлигини нафақат митти предметлар, балки бу ердан топилган, лойдан ясалган иккита эмбрион шаклли, иккиқат аёлнинг қорин қисми ва ўлган эркак кишининг бюст ҳайкали мисолида ҳам кузатиш мумкин<sup>292</sup>. Топилмаларнинг ҳаммаси яхши қорилган лойдан ясалган. Эмбрион деб мушоҳада қилинаётган лой массаси думалоқ шаклда бўлиб, улар иккита. Биринчиси кичикрок ҳажмда (d - 7 см), атрофи қизил ранг билан бўялган, иккинчиси эса бироз каттароқ бўлиб, ташқи тарафидан инсон кўзи ва қулоғи қора ранг билан чизилган, лой массанинг ўзи эса қизил ранг билан бўялган.

Аёл кишининг қорни, унинг ҳомиладорлигини англатиш учун бўрттириб, думалоқ қилиб ишланган. Сақланиб қолган икки қўли эса қорни устига қўйилган ҳолатда ифодаланган. Икки қўли билан қорни ўртасида иккита илоннинг ҳаракатланиб бораётган ҳолати ифодаланган. Қорин ва қўлнинг айрим жойлари қизил бўёқ билан бўялган.

Эркак кишининг бюст-ҳайкали тўлиқ сақланган. Унинг сочи, соқол ва мўйлаблари қора рангда тасвирланган. Ёноқлари қизил рангда. Қирра бурун, шалпанг қулоқ, оғзи очиқ, кўзлари эса юмуқ ҳолатда ифодаланган. Оғзи очиқ ва кўзларининг

---

<sup>292</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари... — Б. 115.



10-расм. Жарқұтондан топилган Һайкаллар мажмуасы.

юмуқлигини инобатга олиб, ушбу ҳайкалда ўлган киши ифодаланган деб ҳисоблаш мумкин ва аждодлар руҳининг ҳомиладор аёлни ва у дунёга келтириши кутилаётган болаларини балo-қазолардан сақлашининг, яъни аждодлар руҳи дин сифатида ифодаланишининг археологик кузатилиши деб ҳисоблаймиз. Ҳомиладор аёл қорин қисмининг айрим қисмлари қизил рангга бўялиши, қўл билан қорин оралиғида илонларнинг ифодаланиши нариги дунё тушунчасини беради. Маълумки, мифологияда қизил ранг қонни, илон эса ер ости худолигини белгилайди. Шу азоб-укубатлардан ҳомиладор аёлни фикримизча, «аждодлар руҳи қутқара олиши мумкин».

Ушбу топилманинг бошқа тушунчасини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Иккинчи фикр фалсафий қараш бўлиб, дунёнинг пайдо бўлиши, унинг доимийлигини кўрсатувчи, диний қарашларга нисбатан ҳаётий манзарани тасвир этиш ғояси ётган кўринади. Ўлган одам ® ҳомиладор аёл ® инсон сифатида шаклланган эмбрион ® инсон сифатида шаклланаётган эмбрион. Қон ва илонлар тасвири эса бу ерда ҳам «қора куч»лар сифатида намоён бўлади.

Окс цивилизациясида ашёвий ёзув тизими асосан митти предметлар ёрдамида, гоҳида ҳақиқий катталиқдаги предметлар асосида ҳам ифодаланганлигининг гувоҳи бўлди. Уларнинг ҳақиқий маъносини англаш оғир масала, уларни тўғри ўқидик деб даъво қилишимиз ҳам нотўғри, бизнинг асосий мақсадимиз бронза давридан бошлаб ашёвий ёзувнинг мавжуд бўлганлигини аниқлаш, цивилизацияга эришган халқ ўз фикрини ифодалашнинг ҳар хил услубларидан фойдаланганлигини кўрсатиб беришдан иборат.

### III. 2. Окс цивилизациясининг пиктографик белгили ёзувлари

Окс цивилизациясида пиктографик белги, пиктографик ёзув ва ашёвий ёзув усуллари кенг тарқалган. Тан олиб айтиш лозимки, булар ибтидоий ёзувнинг кўринишлари. Шу типдаги ёзув жуда кўплаб цивилизация даражасига чиқаолмаган қадимги халқларда ҳам бўлган. Урбанизация ва ёзув муносабатлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган олимларнинг шу соҳа бўйича илмий хулосаларига эътибор қаратсак. Кўпчилик тадқиқотчилар, албатта, уларнинг фикрлари тўғри, ёзувни цивилизациянинг асосий белгиси сифатида қарайдилар ва ибтидоий жамият ва цивилизацияни фарқлаб турадиган атрибут сифатида баҳолайдилар. И. Е. Гельбнинг хулосасига кўра ёзув фақат цивилизациялар вақтида юз беради, цивилизациялар ёзувсиз шаклланиши мумкин эмас<sup>293</sup>. Т. В. Гамкреладзе ва В. В. Ивановларнинг қарашлари бўйича “цивилизация – ёзувни кашф этган, синфий жамият маданиятидир”<sup>294</sup>, бу хулоса билан жуда кўплаб индоевропа ва индоиран халқлари археологияси билан шуғулланувчи мутахассислар ҳам ҳамфикрдир<sup>295</sup>. К. Мак-Нейл жамоада туғилган ижтимоий муаммоларни ечишга қодир бўлган, обрўли жамоа бошлиқларининг ёзув текстлари шаклланган жамоани цивилизацияга эришган деб ҳисоблаш керак. Албатта, цивилизация, синфий жамият ва ёзувнинг бир-бирига боғлиқлиги табиий ҳол. Р. Бартнинг фикрига кўра ёзувнинг энг асосий хусусиятларидан бири ижтимоий ҳукмдорлар ўртасидаги воситачилик белгисидир<sup>296</sup>.

<sup>293</sup> Гельб И. Е. Опыт изучения письма. М., 1982. – С. 211.

<sup>294</sup> Гамкреладзе Т. В., Иванов В. В. Индоевропейский язык и индоевропейцы. Тбилиси, 1984. Т. 2. – С. 885 – 890.

<sup>295</sup> Сафронов В. А. Индоевропейские прародины. Горький, 1989. – С. 72.

<sup>296</sup> Барт Р. Семиотика. Поэтика. М., 1994. – С. 304 – 306.

Қадимги Шарқ манбалари бўйича фикр юритадиган бўлсак, ёзув цивилизациянинг муомала воситаси сифатида илк синфий муносабатлар шаклланган деҳқончилик жамоалари даврида пайдо бўлган. Деҳқончилик жамоаларининг фаолият этиши билан боғлиқ бўлган, ўзига хос чуқур ижтимоий-иқтисодий ва идеологик-диний сабаблари ҳам мавжудки, авваламбор сарой ёки ибодатхона хўжалиги механизмининг ишлашини, бутун ҳисоб-китобларни қамраб олган тизимнинг ўрнатилиши ёзувнинг шаклланишига асос бўлган.

Окс цивилизацияси аҳолисида маълумотларни бир-бирига ашёлар ёрдамида етказиш бўйича аңъанавий усуллари анча ривож топган<sup>297</sup>. Ўрта Осиёда бронза даврида шаклланган ашёвий ёзув усулининг кейинги даврларда ҳам сақланиб қолганлигини олдинги қисмда ёритиб ўтдик, ёзма манбалардан мисоллар келтирдик. Ашёвий ёзув билан бирга белгиларга асосланган пиктографик ёзув усули ҳам мавжуд бўлган<sup>298</sup>. Белгиларга асосланган ёзув усули мил. авв. II минг йиллик давомида Евроосиё кўчманчи халқларида ҳам бўлганлиги аниқланмоқда<sup>299</sup>. Кўчманчи халқлардан қолган бу белгилар илк алфавитга асосланган ёзувларга таққосланганда айрим ўхшашликлар ҳам кузатилган<sup>300</sup>.

---

<sup>297</sup> *Avanesova N. A. Spätbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flusoase nach den Befunden der Nekropole Bustan 6 // AMIT 29, 1997. – P. 147 – 178.*

<sup>298</sup> *Шайдуллаев. Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари... 37-бет.*

<sup>299</sup> *Пряхин А. Д. Новый этап в исследовании проблематики эпохи бронзы Евразии степи и лесостепи // Комплексные общества Центральной Евразии III—I тыс. до н. э. Челябинск; Аркаим, 1999. – С. 59 – 63.*

<sup>300</sup> *Пустовалов С. Ж. О росписях на дне катакомб ингульской культуры и о проблемах этносоциальной реконструкции катакомбного общества Северного Причерноморья // Доно-Донецкий регион в эпоху средней и поздней бронзы. Воронеж, 1998. – С. 22 – 51.*

Албатта, ёзув – илк цивилизацияларнинг асосий белгиси ҳисобланади. Айрим олимлар, цивилизациянинг белгиси деб, ёзувнинг пайдо бўлишини асос қилиб олсалар<sup>301</sup>, бошқалари шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ёзув ва ибодатхоналарни цивилизация белгилари деб ҳисоблайдилар<sup>302</sup>. Йирик урбанист олим К. Ренфрю ҳам жамоанинг ижтимоий табақаларга бўлинишини, ривожланган ҳунармандчиликни, шаҳар, ёзув ва ибодатхоналарнинг бўлишини цивилизациянинг асосий белгилари деб ҳисоблайди<sup>303</sup>. Бу масаланинг асосий йўналиши бўлган, синфий муносабатларнинг пайдо бўлишида ижтимоий - иқтисодий масалани бош ўринга қўювчилар кўпчиликни ташкил этади<sup>304</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, жуда кўплаб тадқиқотчилар ёзувни илк шаҳарларнинг ва цивилизацияларнинг асосий белгиларидан бири деб ҳисоблайдилар<sup>305</sup>, бу болада Ўрта Осиёда илк шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиши бўйича йирик мутахассис, биринчи ўзбек урбанист

<sup>301</sup> *Gelb I. J.* The function of language in the cultural process of expansion of Mesopotamian society // City Invincible, and Oriental institute Symposium, 1960.

<sup>302</sup> *Klackhohn C.* The moral order in the expanding societi // City Invincible, and Oriental institute Symposium, 1960. – P. 400

<sup>303</sup> *Renfrew C.* The emergence of civilization: The Cuclades and the Aegean in the third millennium B. C. – London, 1972. – P. 3.

<sup>304</sup> *Массон В. М.* Становление раннеклассового общества на Древнем Востоке // ВИ, 1967, № 5. – С. 82 – 94; *Массон В. М.* Экономические предпосылки сложения классового общества // Ленинские идеи в изучении истории первобытного общества, рабавладения и феодализма. – М.: Наука, 1970. – С. 58 – 75; *Массон В. М.* Экономический и социальный строй древних обществ. – Л.: Наука, 1976; *Массон В. М.* Формирование раннеклассовых обществ и вопросы типологии древних цивилизаций // Древний Восток и античный мир. – М.: МГУ, 1980. – С. 12 – 40; *Массон В. М.* Основные направления культурно-исторического процесса // Становление производства в эпоху энеолита и бронзы. М. . Наука, 1981. – С. 35 – 48.

<sup>305</sup> *Childe V. G.* The urban revolution // Towh planning Review. Vol. 21. 1950. – P. 9 – 16; *Гуляев В. И.* Города государства Мая. (Структура и функции города в раннеклассовом обществе). – М.: 1979. – С. 19.

олимларидан бири Т. Ш. Шириновнинг фикри куйидагича "...урф-одатларга тамомила бўйсунувчи, оғзаки ижод ривожланган, давлат бошқаруви эса кам тараққий этган жамоаларда ёзувнинг бўлиши илк шаҳарларнинг иккинчи даражали белгисидир"<sup>306</sup>.

Ш. Б. Шайдуллаевнинг фикрича, илк шаҳарлар, шаҳарлар билан бир тарихий жараёнда вужудга келадиган илк давлатлар бошланғич ёзув усули, яъни инсон ўз фикрини ифода этишисиз давлатнинг ҳам вужудга келиши мумкин эмас. Бойликнинг ошиши санокқа, хўжаликни бошқариш жараёнининг мураккаблашиши эса ёзувга эҳтиёж туғдиради<sup>307</sup>. Ш. Б. Шайдуллаев тадқиқотларининг бир қиррасини Ўрта Осиёда ёзувнинг пайдо бўлиш муаммоси ташкил этади<sup>308</sup>.

У 1983 – 2004 йиллар давомида Сополли маданияти ёдгорликларида олиб борилган археологик тадқиқотларда қатнашган, сополларга чизилган белгиларни йиғиб борган. Уларни илк пиктографик ёзув сифатида эътироф этган ва асослаб берган. Унинг фикрича Сополли маданиятини Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги цивилизация ўчоғи деб эътироф этилаяптими<sup>309</sup>,

<sup>306</sup> Аскарлов А. А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура на юге Средней Азии... – С. 27.

<sup>307</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари... 35 бет.

<sup>308</sup> Чориев З. У., Шайдуллаев Ш. Б., Аннаев Т. Ж. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 96 б. ; Шайдуллаев Ш. Б. Сополли маданиятининг пиктографик белги-ёзувлари // Ўзбекистонда ижтимоий фикр. – Тошкент, - 2003. – № 2. – Б. 35 – 38; Шайдуллаев Ш. Б. «Авеста» ва моддий маданият // «O‘zbekiston tarixi». – Тошкент, Фан. – 2004. – № 3; Шайдуллаев Ш. Б. Ўғирдаги битиклар ёхуд ёзувнинг пайдо бўлишига доир муҳим янгилик // Тафаккур. – Тошкент, - 2004. – № 4. – Б. 56 – 57; Чориев З. У., Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши тўғрисида айрим мулоҳазалар // Жайхун. – Тошкент, ТермДУ. 2005. – №2; Чориев З. У., Шайдуллаев Ш. Б. Дарбанд тош китоби // Жайхун. – Тошкент, ТермДУ. – 2008. – №2. – Б. 6 – 13.

<sup>309</sup> Аскарлов А. А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбе-

демак Сополли маданиятининг ёзуви тўғрисида ҳам мавжуд манбалар асосида фикр юритиш лозим бўлади<sup>310</sup>.

Бу белгилар асосан хум, кўза каби идишларнинг энг кўринадиган жойларида битилган. Бу белгилар сопол идишлар ясалгандан сўнг, лойлик пайтида чизилган, шундан сўнг идишлар ангобланган ва пиширилган. Пиктографик ёзувлар деб эътироф этилаётган ушбу белгиларни Сополли маданиятининг хронологик даври асосида ёритишни методик жиҳатдан тўғри деб ҳисоблаймиз, негаки идишларда ифодаланган белгилар сони ва шаклининг ўсиб ёки камайиб бораётганлигини кузатиш ҳам муҳим илмий жараён ҳисобланади.

Ш. Б. Шайдуллаев сополларга битилган белгиларнинг вазифаси хусусида, яъни улар илк ёзувми ёки бошқа вазифани бажарганми деган саволга ечим топган. Бу борада у учта фикрни билдирган. Биринчи фикри шундан иборатки, бу белгилар кулолларнинг уста белгиси бўлган бўлиши ҳам мумкин деб ҳисоблайди.

Аммо биз бу фикрга қарши талайгина далиллар топдик. Бу далиллар шундан иборатки, мавжуд белгилар маълум бир шаклли идишларда чизилган, холос (хум, кўза, қасноқ-подставка). Сополли маданиятига энг кўп характерли бўлган ваза, қадах, банка сингари идишларнинг бирортасида белгилар учрамайди. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, белгилар жуда кам сонли идишларда чизилган. Сополлитепа ёдгорлигининг тўлиқ қазиб очилганлиги ва минглаб сопол идишлар топилганлиги ва фақат 29 та белги чизилган идишнинг учраши кулолларнинг ясаган идишларига белги қўйиш одати бўлмаганлигидан далолат беради. Бу белгиларнинг кулол белгиси эмаслигига яна бир далил – худди шу шаклдаги белгиларнинг тарқалиш географи-

---

кистана... С. 117; Аскарлов А. А, Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура... С. 168.

<sup>310</sup> Шайдуллаев. Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари... 39 бет.

яси жуда кенг, яъни Жанубий Туркманистон, Шимолий Афғонистон, Марказий Эрон, Ҳиндистон ҳудудлари бронза даври ёдгорликларида ҳам худди шундай белгиларнинг сополларда чизилганлиги кузатилган<sup>311</sup>. Энг асосий жиҳати шундаки, Сополли маданияти ёдгорликларидан топилаётган мунчоқ-туморларда<sup>312</sup> ҳам худди шу шаклларда чизилган белгиларнинг топилиши бу белгиларнинг кулолларнинг уста белгиси эмаслигини тасдиқлайди.

Ш. Б. Шайдуллаев ушбу белгиларнинг вазифаси хусусида гап кетганда патриархал оилаларнинг тотем белгиси деган иккинчи фикрни ҳам айтган. Бу фикрга хизмат қиладиган қандай далилларни келтириш мумкин? Маълумки, А. А. Асқаров Сополлитепа ёдгорлигини тўлиқ очиб ўрганган. Қалъа ичида 8 та маҳалла (квартал) жойлашганлигини аниқлаган<sup>313</sup>. Сополлитепани ўрганиш давомида жами 29 та белги чизилган сополлар топган. Академик А. А. Асқаров бу белгиларни шаклларига қараб 8 та типга ажратган. Демак, саккизта маҳалланинг саккиз хил белгиси, ҳар бир жамоанинг ўз тотем-белгиси бўлган деган тушунчани айтиш мумкин. Бундан ташқари Сополли маданияти туморларида ҳам шу хилдаги белгиларнинг чизилишини ҳам жамоанинг тотем белгиси эканлигини кўрсатувчи далил деб ҳисоблаш мумкин, лекин бу фикрга қарши бир далил бор. Яъни, худди шундай белгилар Марказий Осиёнинг бронза даврига оид жуда кўплаб илк шаҳар сополларида учраши Сополлитепа патриархал оилаларининг тотем белгиси эмаслигини кўрсатувчи далилдир.

Ш. Б. Шайдуллаев сополларда чизилган ушбу белгиларнинг вазифаси тўғрисида ёзар экан, уларни пиктографик ёзув

<sup>311</sup> *Сарианиди В. И.* Бактрия в эпоху бронзы // СА. 4. 1974. – С. 49-71; *Ali Nakemi. Sahdad.* – Roma, 1977. – P. 341.

<sup>312</sup> *Асқаров А. А.* Сапаллитепа... – Табл. 30.

<sup>313</sup> *Асқаров А. А.* Древнеземледельческая культура эпохи бронзы... – С. 13 – 37.

деб аташ ҳақиқатга яқин деб ҳисоблайди. Бу борада Қадимги Шарқда ёзувнинг шаклланиши тарихига эътибор бериш керак деб ҳисоблаймиз. Унда ҳарфли ёзувларнинг пайдо бўлишига қадар бир неча босқичларни босиб ўтган. Юқорида эслаб ўтганимиздек, энг қадимги ёзувлар расм кўринишида бўлиб, инсонлар ўз фикрини ҳар хил расм ва белгилар ёрдамида ифодалаган. Сополлитепа ва Жарқўтон сополларида учрайдиган белгиларни худди шундай ёзув усули деб аташ мумкин. Бу фикрни қуйидаги археологик далиллар ёрдамида исботлаш асослидир. Биринчидан улар ниҳоятда кам учрайди, иккинчидан ушбу тасвирларнинг тарқалиш географияси анча кенг, яъни Сополли маданиятига турдош бўлган Қадимги Шарқ илк шаҳар маданиятлари тарқалган ҳудудларга ҳос бўлган одат. Агар, кулолларнинг уста белгиси дейилганда, ҳар бир ёдгорликда ушбу белгиларнинг ўзига хослик анъаналари сақланган бўлиши лозим эди. Сополлитепа патриархал оилаларининг то-тем белгиси деб аталса тарқалиш географияси бунчалик кенг бўлмаслиги лозим эди. Ҳар бир ёдгорликларга оид патриархал оилаларнинг бошқа жойларда учрамайдиган ўзига хос белгилари бўлиши лозим. Демак, Сополли маданияти кулолчилигида учрайдиган бу белгиларни пиктографик белги деб аташ ҳақиқатга яқин ва бу белгиларнинг ривожланиш босқичларини Сополлитепа, Жарқўтон ва Арабулоқ ёдгорликларида учрайдиган белги-ёзувлар асосида кузатишимиз мумкин.

Сополлитепанинг пиктографик белгилари. Сополлитепа сополларига битилган белгиларни А. А. Асқаров жамлаб чоп қилган<sup>314</sup>, лекин монографияда белгиларнинг ёзув эканлиги хусусида фикр билдирмаган. Аммо, яқинда “Мозийдан садо” журналида чоп қилган мақоласида Сополлитепанинг худди шу белгиларига пиктографик белгилар деб изоҳ берган<sup>315</sup>.

<sup>314</sup> Асқаров А. А. Сапаллитепа... – Табл. 31.

<sup>315</sup> Асқаров Аҳмадали. Энг қадимги шаҳар // Мозийдан садо. – Тошкент, 2001. №3.

Юқорида таъкидланганидек, Сополлитепадан жами 29 та белги чизилган идишлар топилган. Уларни академик А. А. Асқаров шаклларига қараб 8 та гуруҳга ажратган:

– биринчи гуруҳ белгилар ярим ой шаклида бўлиб, шу сингари 4 та белги топилган;

– иккинчи гуруҳ белгилар тортилган камон шаклида бўлиб, шу белги марказига перпендикуляр тўғри чизик тортилган;

– учинчи гуруҳ белгилар параллел икки чизикдан иборат бўлиб, уларнинг сони 6 та. Фақат биттасида параллел иккита чизикни марказидан бирлаштирувчи учинчи тўғри чизик чизилган, натижада «Н» ҳарфи кўринишидаги белги ҳосил бўлган;

– тўртинчи гуруҳ белгилар хоч шаклида бўлиб, ҳаммаси бўлиб тўртта шундай белги топилган;

– бешинчи гуруҳ белги битта идишда ифодаланган бўлиб, иккита айланани бирлаштирувчи тўғри чизикдан иборат. Ушбу белгини «арава» кўриниши деб талқин қилиш мумкин, чунки Ўрта Осиё қоя тош суратларида арава худди шу кўринишда тасвирланган<sup>316</sup>;

– олтинчи гуруҳ белгилар шакл жиҳатидан биринчи гуруҳ, яъни ярим ой кўринишидаги белгиларга ўхшайди, лекин ниҳоятда кўп букилган ҳолатда тасвирланган (4 та);


– еттинчи гуруҳ белгилар «А» ҳарфини эслатади, учта худди шундай белги топилган;

– саккизинчи гуруҳ илон шаклини эслатувчи белгилар бўлиб, иккитасида илон шаклиги монанд тасвир ифодаланган<sup>317</sup>.

---

<sup>316</sup> Хужаназаров М. Наскальные изображения Ходжакента и Каракияся. – Самарканд, 1996. – С. 98.

<sup>317</sup> Асқаров А. А. Сапаллитепа... – Табл. 31.




11-расм. Пиктографик белгилар

**Жарқўтон** даврига келиб, сополларда ифодаланган пиктографик белги-ёзувларнинг такомиллашганлигини кузатиш мумкин. Бу даврда ҳам пиктографик белги Сополли давридаги сингари маълум бир сопол идишларда, яъни хум, кўза ва қасконларда (подставка) учрайди. Бугунги кунгача Жарқўтон даврига оид сополларда 52 хил белги-ёзув битилганлиги аниқланди. Айрим белгилар сополларда 2-3 мартадан учраса, жуда кўп белгилар бир марта чизилган ва шаклан бошқа қайтарилмайди.

Сополли даврида ҳар бир белги алоҳида ифодаланган бўлса, Жарқўтон даврига келиб, ҳар хил шаклларнинг бирга ифодаланиши кузатилади (12-расм. 7, 10, 11, 13, 17, 21, 26, 27, 30, 31,

33, 34, 35, 37, 40, 41, 42, 43). Пиктографик белгиларнинг бирга ифодаланиши ёзувнинг такомиллашуви жараёнини кўрсатувчи аломатдир. Бу давр белгиларининг сони шаклан ошиши билан бирга маъноси ҳам аниқлашиб борган.

Жарқўтон даври пиктографик белгиларини шакли ва маъносига қараб қуйидаги типларга ажратиш мумкин:



12-расм. Сополли маданияти пиктографик белгилари.

I. *Хоч*. Жарқўтон даври пиктографик белги-ёзувлари орасида хоч энг кўп учрайдиган белги ҳисобланади. Хоч нафақат сополларда, балки, Сополлитепа ва Жарқўтон тумор ва муҳрларида ҳам кенг тарқалган. Сополли даври пиктографик белги-ёзувларида хоч доимо алоҳида учраса, Жарқўтон даврига

келиб хоч алоҳида учраши билан бирга (12-расм, 7), ярим ой шакли ичида (12-расм, 17), айлана шакли ичида (12-расм, 20) учраши билан бирга хочга қўшимча чизикларнинг чизирилиши ҳам характерлидир (12-расм, 30). Бу жараён хоч белгиси пиктографик ёзувда кенг қўлланилганлигидан дарак беради.

II. *Омоч*. Қадимги Шарқ илк шаҳарларининг иқтисодий аҳволи асосан деҳқончилик билан боғлиқ бўлган. Шундай экан, омоч ёрдамида ерни ҳайдашни ифодалаш пиктографик белги-ёзувда ифодаланиши кутилган сюжетлардан бири ҳисобланади. Худди шундай ифода Жарқўтон пиктографик белгиларида ҳам кузатилади (12-расм, 11). Бу белгиларнинг ҳақиқатан ҳам омоч эканлигини Миср пиктографиясида ифодаланган омоч тасвиридан билса ҳам бўлади<sup>318</sup>.

III. *Ғилдирак*. Маълумки, бронза даврида илк механикага асос солинган. Кулолчилик чархининг, араванинг кашф этилиши бунга мисол бўлади. Шундай экан, арава илк айланма механизмнинг ҳам пиктографик белгиларда ифодаланиши кутилган ҳол деб ўйлаймиз ва Жарқўтон сополларида учрайдиган айлана ва айлана ичида чизилган, ўзаро марказда кесишувчи чизикларни арава ғилдираги деб ҳисоблаш мумкин (12-расм, 13).

IV. *Нарвон*. Жарқўтон қабрларида бронзадан ясалган «нарвон» нусхасининг (вотивный предмет) учраши жуда кўп мараба кузатилган<sup>319</sup>. Тадқиқотчилар «нарвон» нусхасининг қабрларда учрашини нариги дунёга ўтиш каби анимистик тушунчалар билан боғлайдилар<sup>320</sup>. Жарқўтон пиктографик белги-ёзувларида ҳам «нарвон»нинг ифодаланиши кузатилади (12-расм, 22, 25). Шунини таъкидлаш жоизки, Марказий Эронда

<sup>318</sup> *Salonen A. Agricultura Mesopotamica: Annales Academiae Scientiarum Fennicae-Series. B 149. – Helsinki, 1968.*

<sup>319</sup> *Аскарлов А. А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы... – Табл. 31; Аскарлов А. А, Абдуллаев Б. Н. Джаркутан... – Табл. XLV, 15.*

<sup>320</sup> *Аскарлов А. А, Абдуллаев Б. Н. Джаркутан... – С. 46.*

жойлашган Шахдод ёдгорлиги пиктографик ёзувлари орасида ҳам «нарвон» тасвири туширилган ифодали ёзувнинг учраши Ўрта Осиё ва Эрон пиктографик ёзувларидаги параллелликлар хусусида гапиришга имкон яратади. Умуман Шахдод ёдгорлигида пиктографик белги-ёзувнинг ривожланган шаклини кузатиш мумкин. У ерда 333 та белги алоҳида ифодаланганлиги, 273 та пиктографик ёзувда эса белгиларнинг уйғунлашганлигини – бир жойда ёзилганлигини айтиб ўтиш лозим. Шахдод ёдгорлигидан топилган, сополларда битилган белгилар профессор Али Ҳакими томонидан пиктографик ёзув сифатида эътироф этилган<sup>321</sup>.

V. *Геометрик белгилар*. Қадимги Шарқ пиктографиясидаги каби Жарқўтонда ҳам геометрик белгилардан кенг фойдаланилган. Улар овал, айлана, бурчак, учбурчак, тўғри чизик, параллел чизик каби белгилардир.

VI. *Свастика*. Бронза даврида свастика белгиси жуда кенг тарқалган ва арийларга тегишли деган тушунча ҳукмронлик қилади<sup>322</sup>. Ҳозирга замон тарих фанида Андронов маданиятини арийлар билан боғлаш анъанаси кучайди<sup>323</sup>. Ҳақиқатан ҳам Андронов маданияти тарқалган ҳудудларда энг қадимги свастика белгилари учрайди, ҳаттоки уларнинг айрим қабрлари ҳам свастика шаклида бўлганлиги кузатилган<sup>324</sup>.

<sup>321</sup> *Ali Hakemi. Sahdad...* – P. 665 – 688.

<sup>322</sup> *Асқаров А.* Орийлар муаммоси: янгича қарашлар ва ёндошувлар. Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. – Тошкент, Фан, 2005. – Б. 69 – 80; *Генинг И. Ф., Зданович Г. Б., Генинг В. В.* Синташта. Т. 1, - Челябинск, 1992. – 342 с; Елизаренкова Т. Я. Древнейший памятник индийской культуры - Ригведа. – М.: 1972. – С. 211; *Итина М. А.* История степных племен Южного Приаралья // ТХАЭЭ, Т. X. – М.: 1977. – С. 217;

<sup>323</sup> *Кузьмина Е. Е.* Арии – путь на юг. – М.: – С. Пб. Летний сад, 2009. 557 с; *Кузьмина Е. Е.* Откуда пришли индоарии? М.: 1994. – С. 224.

<sup>324</sup> *Кузьмина Е. Е.* Классификация и перидизация памятников андроновской культурной общности // Бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып. 9. – М.: 1985. – С. 43.


Свастика нафақат Андроново, балки деҳқончиликка асосланган маданият ёдгорликларида ҳам учрайди. Жанубий Туркманистон, Хараппа маданияти ёдгорликларида ҳам кенг тарқалган. Хараппа маданияти муҳрларининг энг характерли белгиларидан бири свастикадир. Қадимги халқлар мифологиясида свастика дунёнинг тўрт томони, дунё ҳукмдори маъноларини англатган. Жарқўтон свастикаси сополда ифодаланган<sup>325</sup>.

VII. *Ўсимликлар дунёси*. Қадимги Шарқ пиктографиясида ўсимликлар тасвири асосий белгилардан бири ҳисобланади. Жарқўтон пиктографик белгиларида ўсимликлар арча, бута дарахти кўринишларида ифодаланган.

VIII. *Ҳайвонот дунёси*. Жарқўтон пиктографиясида илон, бургут, қобан каби ҳайвонлар тасвиридан кенг фойдаланилган. Бу ҳолат нафақат Жарқўтон, балки бутун пиктографик ёзув усулларига хос анъанадир. Қадимги Шарқ тарихига эътибор берадиган бўлсак, ягона худолик шаклланиб бораётган даврда ҳам эски дин кўринишлари, жумладан, тотемлар сақланиб қолаверган. Гоҳида ушбу туйғу ривожланиб, алоҳида ҳайвонларга, тотемларга сиғинишнинг зоолатрия ёки теротеизмнинг (ҳайвонларга сиғиниш) сақланишига олиб келган. Бу ҳолат умумий тарихий жараён бўлиб, Мисрда цивилизациянинг юксак ривожланганлигига қарамай, зоолатрия диний қарашлар сифатида сақланиб қолган. З. П. Соколова тадқиқотларида қараганда, қадимги Мисрдаги ҳар бир «ном» типидagi давлатлар аҳолисининг ўз топинадиган ҳайвонлари бўлганлиги кузатилган<sup>326</sup>, якка худоликка интилиш бўлмаган ҳудудларда зоолатрия одатлари кенг ва узоқ давом этади. Демак, пиктографияда ҳайвонот дунёсининг ифодаланиши табиий ҳол деган хулоса қилиш мумкин.

<sup>325</sup> Аскарлов А. А, Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд. – 1993. – С. 187.

<sup>326</sup> Соколова З. П. Культ животных в религиях. – М.: 1972. – С. 149.



13-расм. Пиктографик белгилар.

IX. *Космогоник белгилар*. Пиктографияда осмон жисмлари ой, қуёш, ярим ой, юлдузлар шаклли белгилар асосий белгилар ҳисобланади. Қадимги халқларнинг аксарияти мифологик дунёқарашларини космос жисмлари билан боғлаган, ҳар бир осмон жисмининг худолари бўлган.



*Тиллабулоқ пиктографияси*. Шеробод тумани Кўҳитангтоғ тизмалари бўйлаб, Пошхурт қишлоғи этакларида табиий булоқлар мавжудлиги ва бу булоқлар бўйида бронза даври ёдгорликлари жойлашганлиги аниқланди. Шулардан бири Тиллабулоқ ёдгорлигидир. Тиллабулоқ ёдгорлиги Мюнхень университети тадқиқотчиси, доктор Кай Каниут ва Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси Алишер Шайдуллаевлар томонидан 2005 – 2010 йиллар мобайнида тўлиқ ўрганилди<sup>327</sup>. Натижада, бу ерда Окс цивилизациясига оид қишлоқ жойлашганлиги аниқланди. Тиллабулоқ сополларида ҳам пиктографик белгилар мавжуд. Айниқса, камон ва пайконнинг бирга чизилганлиги Тиллабулоқда ривожланган пиктографик усуlining мавжуд бўлганлигидан далолат беради<sup>328</sup>.

*Ғоз ёдгорлиги пиктография ёзуви*. Шеробод воҳасидаги Уланбулоқсой ўзанининг бошланғич оқимлари Добилсой деб аталади. Добилсойнинг ўнг соҳилида Добилкўрғон ёдгорлиги жойлашган. Бу ёдгорликка илк темир даврида асос солинганлиги Э. В. Ртвеладзе томонидан 1974 йилда қайд этилган<sup>329</sup>. Добилсой ёдгорлигидан 10 – 12 км қуйида Ғоз қишлоғи жойлашган. Шу қишлоқ худудида 4 та кориз услубида қазилган сунъий суғориш шохобчалари ва учта археологик ёдгорлик жойлашган. Уларнинг энг қадимгиси Ғозтепа бўлиб, илк темир даврига оид. Шу ёдгорликдан илк темир даврига оид сополлар мажмуалари ва тошдан ясалган кели топилди. Шу топилмалар

<sup>327</sup> [www. Tilla-bulak. de](http://www.Tilla-bulak.de)

<sup>328</sup> [www. Tilla-bulak. de](http://www. Tilla-bulak. de)

<sup>329</sup> Ртвеладзе Э. В. Разведочное изучение памятников на юге Узбекистана. Древняя Бактрия. Л., 1974.



14-расм. Ғоз пиктографик ёзуви.

асосида Ғоз қишлоғида жойлашган қоризларни ҳам илк темир даври билан даврлаш мумкин.

Ахамонийлар даврида Бақтрияда тошдан тегирмон тош, ўғир, қайроқлар, мунчоқлар ясалган. Бу борада Ғоздан топилган ўғирга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим кўрдик, негаки бу топилма Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши хусусида янги маълумотларни беради.

Кели юмшоқ таркибли монолит тошдан ясалган бўлиб, баландлиги 22 см, эни 20 см. Кели косасининг чуқурлиги 12 см. Идишнинг ташқи тарафида 13 та пиктографик белгилари ёзувлар мажмуаси жойлашган (13-сурат). Юқорида Сополли маданияти даврида пиктографик белги-ёзувларнинг тарқалганлиги хусусида фикр юритдик. Ғоз қишлоғидан ушбу топилманинг топилиши Бақтрияда пиктографик ёзувнинг ривожланиши тўғрисида янги маълумотлар берди. Агар бронза даврида, Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларида пиктографик ёзувлар оддий ва алоҳида битилган бўлса, Ғоздан топилган ўғир сиртида 13 та белгининг ёзув сифатида бирга ифодаланганлигини кузатамиз. Улар тошга ўйиб ишланган, шакл жиҳатидан ҳам анча ривожланган — оддий ва мураккаб шаклларда ифодаланган.

Ўғирдаги битикларни Миср иероглиф ёзувлари билан таққослаб кўрдик. Албатта, бу оддий таққослаш эди. Чунки бақтрияликлар Миср иероглиф услубида ёзишмаган. Шундай бўлса-да иккита белгининг ўзаро мос тушганлигининг гувоҳи бўлдик. Бири «ҳақиқат», иккинчиси «нариги дунё» тушунчаларини берди. Биз Ғоз ёдгорлиги пиктографиясини таққослаб ўқидик демокдан йироқмиз. Уларнинг ёзув эканлигига ишора қиляпмиз, холос.

Ўғир (кели) форс тилида «ҳована» деб аталиб, Маздапарастликда оташкаданинг энг муҳим ашёларидан бири ҳисобланган. Ҳавм гиёҳи ҳованада янчилган ва ундан ҳавм урф-одатида ишлатиладиган шарбатлар тайёрланган.

Зардуштийликда бомдоддан чошгоҳгача бўлган вақтда ўқиладиган дуолар – номоз «ҳовангоҳ» деб аталади. Ҳована атамаси яна бир диндорлар гуруҳи, Зардуштийликдаги дин пешволари – «ҳован»лар билан ҳам боғланади. Ҳованлар илоҳий Язишна маросимини ўтказишда масъул кишилар ҳисобланиб, ҳавм шарбатини тайёрлаш уларнинг зиммасида бўлган. Келининг ясалиши илк темир даврига оид тоштарошлик санъатидан гувоҳлик берса, вазифаси хусусида унинг зардуштийлик динида илоҳийлик маъно касб этиши юқорида келтириб ўтилган маълумотлардан маълум бўлди. Айтмоқчимизки, ўғир сиртида зардуштийлик маросимларига оид воқелиklar ифодаланган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Биз таърифлаган кели келажакда фанда “Ғоз топилмаси” деб аталса ажаб эмас. Бу топилмада биз пиктографик белгиларнинг пиктографик ёзув сифатида ривожланганлигининг гувоҳи бўлдик.

### **III. 3. Окс пиктографиясини қадимги дунё ёзувлари билан таққослаш натижалари**

Қадимги Бактрияда пиктографик ёзувнинг шаклланиши масаласи билан шуғулланган Ш. Б. Шайдуллаевнинг фикрига кўра жамоалар ўртасида ўзаро ижтимоий муносабатларнинг ортиши ва бошқарувнинг такомиллашуви ёзувга, савдо ва ҳисоб-китобга бўлган талабнинг ошиши эса сонларнинг шаклланишига олиб келган<sup>330</sup>. Бу жуда тўғри, аммо жуда ҳам умумлашган фикр. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жамиятнинг ривожланиши жараёнида ёзувнинг пайдо бўлишида шароит ва

---

<sup>330</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Т. ф. д. дисс. автореферати. ЎЗР ФА Археология институти. – Самарқанд, 2009. – Б. 47.

сабаб масаласини аниқламай унинг шаклланиши муаммосини тушунтириш қийин. Оқс цивилизацияси моддий маданияти тарихини ўрганиш жараёнида, ёзув тарихи билан шуғулланувчи мутахассисларнинг тадқиқотлари натижалари асосида шу фикрга келдикки, ёзувнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши жараёнидаги шароит ва сабабларни ўрганиш бош масала сифатида қўйилиши керак. Бу масала хусусида мутахассислар бир қарорга келишган деб бўлмайди.

Бизнинг таклифимизга кўра жамоада ёзув шаклланган бўлиши учун қуйидаги ижтимоий ҳолатлар мавжуд бўлиши керак, биринчидан, Ш. Б. Шайдуллаев таъкидлаганидек, жамоада ёзувга бўлган эҳтиёж ва талаб ошиб бориши, иккинчидан тил хусусиятларининг ёзув шаклланишига таъсири бўлиши лозим, учинчидан жамоада ибтидоий расм тури анъаналарининг ривожланиши ва такомиллашиши, тўртинчидан, ҳар хил жамоалар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар ва маданий алоқаларнинг ўсиши, бешинчидан, ёзув ашёлари ва қуролларининг пайдо бўлиши ва таъсири, олтинчидан, халқ санъати ва санъат усулларининг ривожланиши ва ниҳоят аҳоли фикрлаш доирасининг кенгайиши, ўсиши ва унинг таъсири.

Ёзувнинг босқичма-босқич ривожланиб бориш қонуниятлари тўлақонли равишда М. Коэн<sup>331</sup>, В. А. Истрин<sup>332</sup>, В. А. Богородицкий ва Е. Д. Поливанов асарларида ёритилган ва уларнинг таъкидлашларича ёзувнинг пайдо бўлиши пиктографик ва идеограммадан бошлаб токи товушни ифодаловчи белгиларга қадар ривожланиши инсоният онгининг босқичма-босқич ривожланиши билан ҳамоҳанг кечган<sup>333</sup>. Бу фикр

<sup>331</sup> *Kohen M. L'écriture. — Paris. — P. 8.*

<sup>332</sup> *Истрин. В. А. Возникновение и развитие письма. — М.: Наука, 1965. — С. 530-531.*

<sup>333</sup> *Богородицкий В. А. Общий курс русской грамматики. 5-е изд. — М.: -Л., 1935. — 354 с; Поливанов Е. Д. О трех принципах построения орфографии // Избранные труды по общему языкознанию. — М.: 1968. — С. 254 — 262.*

Н. Ф. Яковлев томонидан тўлиқ қўлланган ва у алфавит тузилишининг математик формуласини ишлаб чиққан. Унга кўра “амалий ёзув, яъни алфавит маълум тилнинг барча фонетик товушини қамраб олиши шарт”<sup>334</sup>.

Ёзувнинг шаклланиши бўйича биз таклиф этаётган, яъни ишлаб чиққан шароит ва сабаблар Окс цивилизацияси ҳудудида тўлиқ мавжуд бўлган деб айта оламиз, фақат бир ҳолатда масалага ечим топа олмаймиз, бу “тил хусусиятларининг ёзувнинг шаклланишига таъсири” масаласи бўлиб, ўрганилаётган цивилизация аҳолисининг тили бўйича мутахассислар бир қарорга келишганлари йўқ. Бу борада фанда бир-бирига қарама-қарши бўлган олти та фикр айтилган. Биринчиси антропологларнинг фикри бўлиб, Сополлитепа ва Жаркўтонда ўрганилган манбалар асосида Т. К. Хўжаев Сополли маданияти аҳолисини Шарқий Ўрта Ер денгизи ирқига мансублиги тўғрисида ёзган<sup>335</sup>. Иккинчи фикр, Жанубий Туркменистонда Номозгоҳ маданияти очилганидан сўнг унинг аҳолисини арийлар деб аташ одат бўлган<sup>336</sup>. Учинчи фикр муаллифи В. М. Массон бўлиб, у дравид ёки элам тилли бўлган деб ҳисоблайди<sup>337</sup>. Э. В. Ртвеладзе Ўрта Осиё аҳолиси бронза даврида хуррит тили бўлган деган тўртинчи ғояни илгари сурган<sup>338</sup>. Бешинчи ғоя муаллифи А. А. Аскаров бўлиб у бронза даврида Ўрта Осиё

<sup>334</sup> Яковлев Н. Ф. Математическая формула построения алфавита // Культура и письменность Востока. – М.: 1928. – С. 64.

<sup>335</sup> Ходжайов Т. К. Антропологический состав населения эпохи бронзы Сапаллитепа // Тезисы докладов на сессии, посвященной итогам полевых этнографических и антропологических исследований в 1974 – 1975 гг. – Душанбе, 1976. – С. 78.

<sup>336</sup> Грантовский Э. А. Иран и иранцы до Ахеменидов. – М.: 1998. – С. 41.

<sup>337</sup> Массон В. М. Печати протоиндийского типа из Алтын-депе (К проблеме этнической атрибуции культур расписной керамики Ближнего Востока) // ВДИ. – М.: 1977, №4. – 168-175.

<sup>338</sup> Ртвеладзе Э. В. К вопросу о субстратном языке юга Средней Азии (III-II тыс. до н. э.) // Тарих, Мустақиллик, Миллий ғоя (Республика илмий назарий анжумани материаллари). – Тошкент, Академия, 2001. – С. 124.

аҳолиси эрон тили лаҳжаларидан бирида гаплашган ва шу тил асосида Қадимги Бактрия ва “Авесто” тили вужудга келган деб ҳисоблайди»<sup>339</sup>. Сўнгги йилларда А. А. Асқаров «Андроново маданиятининг бир қисм аҳолиси туркитли бўлган» деган янги ғоя билан чиқди<sup>340</sup>. Шуни алоҳида таъкидлашимиз кераки, Окс цивилизацияси аҳолисининг тили аниқ бўлган тақдирда ҳам тил хусусиятларининг ёзувни шаклланишига таъсири масаласи фанда филологик илмий йўналишга оид бўлиб, тарихчилар бу масалани умумий ҳолда англаши мумкин, аммо масаланинг моҳиятини тилшунослар ечиб берадилар.

Қолган ҳолатлар, жумладан жамоада ёзувга бўлган талабларнинг ошиб бориши масаласи Ш. Б. Шайдуллаев томонидан ёритилган бўлса<sup>341</sup>, ибтидоий расм санъатининг такомиллашиши масаласи Қадимги Бактрия ҳудудида Заравутсой мисолида яхши кузатилади<sup>342</sup>, ҳар хил жамоалар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ўсиши ва маданий алоқалар масаласи Андроново ва Хараппа маданиятлари асосида мутахассислар томонидан кенг ёритилмоқда<sup>343</sup>. Ёзув ашёлари ва қуролларнинг таъсири масаласи ҳам Хараппа ва Сополли маданияти ашёлари

<sup>339</sup> Асқаров А. А. Южный Узбекистан во II тысячелетии до н. э. // Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности. Труды международного симпозиума по этническим проблемам истории Центральной Азии в древности (II тыс. до н. э.). Душанбе, 17 – 22 октября 1977 г. – М.: 1981. – С. 167 – 179.

<sup>340</sup> Асқаров А. Ориилар муаммоси: янгича қарашлар ва ёндошувлар. Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. – Тошкент, Фан, 2005. – Б. 69 – 80.

<sup>341</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Т. ф. д. дисс. автореферати. ЎЗР ФА Археология институти. – Самарқанд, 2009. – Б. 47.

<sup>342</sup> Халқ педагогикаси. «Заравутсой-98» халқаро симпозиумининг маърузалари тўплами. – Тошкент, 1998. – 203 б.

<sup>343</sup> Аванесова Н. А. Новое в погребальном обряде Сапаллинской культуры // Российские вести. Вып. 4. – С. 63 – 70; Рахманов У. В, Шайдуллаев Ш. Б. О влиянии культур степной бронзы на керамические комплексы Сапаллинской культуры // ОНУз, 1985, № 11. – С. 58 – 63.

мисолида кузатилади. Жумладан, оқ тошдан ясалган сиёҳдон шаклли идишлар, ҳар хил рангдаги бўёқларнинг кашф этилиши бунга мисол бўлади<sup>344</sup>. Халқ санъати ва санъат усулларининг ривожланиши Бактрия ва Марғиёна глиптикаси мисолида ўз ечимини топади<sup>345</sup>. Ёзувнинг шаклланишидаги омиллар қаторида эътироф этилаётган аҳолининг фикрлаш доирасининг ўсиши ва унинг таъсири масаласида шуни таъкидлаш зарурки, Окс цивилизацияси аҳолисига ижодкорлик хусусияти характерли бўлиб, Марказий Осиё халқлари тарихида жуда кўплаб ижтимоий воқеаларга, моддий маданиятнинг кўплаб турларига, янги техника ва технологияларга асос солган жамоадир.

Окс цивилизациясининг синфий дифференциялашган аҳолиси илк шаҳар маданиятига, давлатчиликка, марказлашган динга асос солиш билан бирга хунармандчилик соҳасида, айниқса кулолчилик чархида ишланган идишларни икки ярусли хумдонларда пишириш технологияларини йўлга қўйишган, темирни билишган<sup>346</sup>, меъморчилик соҳасини санъат даражасига кўтариб, симметрия ва фортификацияда лабиринт тизимини жорий қилган, халқаро алоқалар тизимида, айланма механика асосида ишлайдиган аравага асос солган, ҳайвон кучидан фойдаланиб ерга ишлов беришни қўллаган аجدодларимиз ҳисобланади.

Албатта, Марказий Осиё халқлари тарихида шунча янгилик қилган аҳолини деҳқон жамоаси деб аташ жуда ҳам жўн ва

<sup>344</sup> Шайдуллаев Ш. Б., Дитрих Хуфф. Некоторые результаты работ Узбекско-Германской экспедиции на городище Джаркутан // История материальной культуры Узбекистана. Самарканд, — № 30. — 1999.

<sup>345</sup> Сарияниди В. И. Змей и драконы в глиптике Бактрии и Маргиании // Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культур древнего и среднего востока. — М.: 1986. — С. 66 — 71.

<sup>346</sup> Шайдуллаев Ш. Б. Находка раннего железного изделия на юге Узбекистана // Древний Ош в среднеазиатском контексте. Международная конференция «История и культура Оша и Ошской области в домонгольскую эпоху». (Ош, 28 — 30 октября 1998 г.). — Ош, 1998. — С. 39 — 41.

улар эришган маданият даражасига ва иктисодига тўғри баҳо бермасликдир. Бу жамоа халқ хўжалигининг кўплаб соҳасини тенг ривожлантирган умумлашган жамоадир.

Демак, ёзувнинг шаклланиши бўйича мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ҳолатларнинг барчасига Окс цивилизацияси аҳолиси эришган тараққиёт даражаси тўлиқ жавоб беради. Шундай бўлса-да, тарих фанининг тадқиқот усуллари-дан энг асосийси таққослаш усулидир. Асосий фикр шу усул асосида айтилади ва хулосалар чиқарилади. Бу борада биз Окс цивилизацияси аҳолиси энг яқин маданий алоқада бўлган Қадимги Ҳиндистон ва Қадимги Эрон пиктографик ёзув усуллари-ни таққослашни танладик. Негаки, Қадимги Шарқ дунёси-нинг тўртта цивилизация марказларидан ҳудудий жиҳатидан энг яқини ва энг яқин маданий ва этник алоқада бўлган халқ бу Хараппа маданияти аҳолисидир.

Хараппа маданиятида пиктографик ёзувлари С. Лангдон ва Э. Маккейлар томонидан ўрганилган. Уларнинг фикрича, қадимги ҳинд, яъни браҳма ёзуви айнан мана шу пиктографик белги-ёзувлар асосида вужудга келган<sup>347</sup>. Тадқиқотчилар томонидан Хараппа пиктографик ёзувининг тарқалиш географияси масаласи ҳам алоҳида илмий мавзу сифатида ёритилган<sup>348</sup>. Хараппа маданияти муҳрларида ифодаланган пиктографик ёзувлар Хараппа маданиятидан ташқарида жойлашган 42 та ёдгорликда қайд этилган. Булар Месопотамиянинг Киш, Ниппур, Телло, Арабистон мамлакатларининг Рас ал-Жинс, Рас ал-Хадд, Бахрайн, Доха, Файлак, Қадимги Эроннинг Суза, Луристон, Тепа Яхё, Ўрта Осиёнинг Олтинтепа, Гонур каби ёдгорликларидир.

347 Mackay E. Early Indus civilizations. — London, 1948. — P. 129.

348 Vidale M. The Short-Horned Bull on the Indus Seal: A Symbol of the Families in the Western Trade? // South Asian archeology. — Bonn, 2005. — P. 147 — 158.

Демак, Окс цивилизацияси пиктографик ёзувларининг шаклланишида Хараппа маданиятининг таъсири бўлган. Бу Олтинтепа ва Гонур ёдгорликларидан топилган, мухрларда ифодаланган Хараппа ёзуви асосида, яъни инкор этиб бўлмайдиган фактлар асосида айтилмоқда. Иккинчидан, бу ёзув усуллари таққосланганда Хараппа пиктографияси ниҳоятда ривожланганлиги билан, яъни белгиларнинг бир жойда ифодаланиши, белгиларнинг мазмунан ва шаклан бойлиги билан характерланади. Учинчидан, пиктографик белгилар таққосланганда яна шу нарса яққол кўзга ташланадики, ёзувлар ифодасида табиат, ҳайвонат ва ўсимликлар дунёсининг таъсири кучли сезилади. Жумладан, ҳайвонат олами мисолида айтадиган бўлсак, Хараппага фил тасвири хос бўлса, Оксда туянинг ифодаланиши характерлидир<sup>349</sup>. Тўртинчидан, Окс пиктографияси содда белгиларда ифодаланиши билан бирга Хараппа пиктографияси билан ўхшашлик даражаси ниҳоятда яқинлиги билан характерланади. Мисол тариқасида шуни келтириб ўтиш керакки, Сополлитепадан топилган ва А. А. Аскарлов томонидан 8 та гуруҳга ажратган пиктографик белгиларнинг, жумладан ярим ой шаклли, параллел чизик шаклли, «Н» ҳарфи кўринишидаги белги, хоч шаклли ифода, «А» ҳарфини эслатувчи ифодалар Хараппа пиктографиясида тўлиқ ўз аксини топмоқда<sup>350</sup>.

Қадимги Эрон пиктографик ёзувлари Шахдод ёдгорлиги мисолида ниҳоятда яхши ўрганилган<sup>351</sup>. Шахдод ёдгорлиги


<sup>349</sup> *Сарианиди В. И.* Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002. – С. 279.

<sup>350</sup> *Аскарлов А. А.* Сапаллитепа. – Ташкент, Фан, 1973. – С. 144; Rao S. R. Excavations at Rangpur and Other Explorations in Gujarat // *Ancient India*. Nos. 18 – 19 (1963). P. 5 – 207; Mackay E. Early Indus civilizations. – London, 1948. – P. 129; Indus civilization in Saurashtra. – Delhi, 1980. – С. 291; Gupta S. P. Archaeology of Soviet Central Asia and the Indian Border lands. Vol. II. B. R. Publishing corporation. – Delhi, 1979. – P. 167.

<sup>351</sup> *Hakemi A.* Ecriture pictographique decouverte dans les fouilles de Shahdad // Permanent Bureau of the International Congresses of Iranian Art and Archaeology. – Teheran, 1976. – P. 3 – 46.

сополларида пиктографик белги-ёзувнинг анча ривожланганлигини кузатиш мумкин. У ерда 333 та белги алоҳида ифодаланганлиги, 273 та пиктографик ёзувда эса белгиларнинг уйғунлашганлигини – бир жойда ёзилганлигини айтиб ўтиш лозим. Шахдод ёдгорлигидан топилган, сополларда битилган белгилар профессор Али Ҳакими томонидан пиктографик ёзув сифатида эътироф этилган<sup>352</sup>.




Жаркўтон пиктографиясидаги барча белгилар, жумладан, хоч, омоч, гилдирак, нарвон, геометрик белгилар, свастика, ўсимликлар дунёси, ҳайвонат дунёси ва космогоник белгилар Шахдодга ҳам хослиги кузатилди<sup>353</sup>. Окс ва Шахдод пиктографияси ёзилиш услуби, уларда ифодаланган тасвирий ифодалар ниҳоятда яқинлиги билан характерланади. Икки пиктография мактабига ҳам белгиларнинг алоҳида ифодаланиши билан бирга, белгиларнинг уйғунлашиш жараёни хосдир. Бу ҳолат Ўрта Осиё ва Эрон пиктографик ёзувларидаги параллелликлар хусусида гапиришга имкон яратади<sup>354</sup>.



<sup>352</sup> *Ali Hakemi. Sahdad... – P. 665 – 688.*

<sup>353</sup> *Шайдуллаев Ш. Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Т. ф. д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация альбоми. ЎзР ФА Археология институти библиотекаси. – Самарқанд, 2009. – 64 б; Ali Hakemi. Sahdad... – P. 665 – 688.*

<sup>354</sup> *Ali Hakemi. Sahdad... – P. 665.*



15-расм. Тиллабулок мухрлари.  
(Расмлар доктор Кай Каниут мақоласидан олинди).

## ХУЛОСА

Окс – Ўрта Осиё халқлари яратган, Қадимги Шарқ цивилизациясининг янги ўчоғи. Тарих фанидаги цивилизация жамиятларга қўйиладиган барча талабларга жавоб беради. Бу цивилизация аҳолисига ижодкорлик хусусияти характерли бўлиб, Марказий Осиё халқлари тарихида жуда кўплаб ижтимоий воқеаларга, моддий маданиятнинг кўплаб турларига, янги техника ва технологияларга асос солган.

Окс цивилизациясининг синфий дифференциялашган аҳолиси илк шаҳар маданиятига, давлатчиликка, марказлашаётган динга асос солиш билан бирга хунармандчилик соҳасида, айниқса кулолчилик чархида ишланган идишларни икки ярусли хумдонларда пишириш технологияларини йўлга қўйишган, темирни билишган, меъморчилик соҳасини санъат даражасига кўтариб, симметрия ва лабиринт тизимини жорий қилган, халқаро алоқалар тизимига, айланма механика асосида ишлайдиган аравадан фойдаланган, ҳайвон кучидан фойдаланиб ерга ишлов беришни қўллаган илк аждодларимиз ҳисобланади.

Марказий Осиё халқлари тарихида шунча янгилик қилган аҳолини деҳқон жамоаси деб аташ, жуда ҳам жўн ва улар эришган маданият даражасига ва иқтисодига тўғри баҳо бермасликдир. Бу жамоа халқ хўжалигининг кўплаб соҳасини тенг ривожлантирган умумлашган жамоадир.

Окс цивилизациясининг жамият тараққиётида эришган ютуқлари

| Жамият тараққиётида |                  |                 |                                |
|---------------------|------------------|-----------------|--------------------------------|
| Илк шаҳар           | Марказлашган дин | Илк давлатчилик | Синфий дифференциялашган жамоа |

Марказий Осиё халқларининг маданий ривожланиши Окс цивилизацияси давридан бошланади. Илк шаҳар маданияти,

жамиятнинг синфий дифференцияси, давлатчилик, ички ва ташқи маданий алоқалар заминидида шаклланган ва ривожланган техник ва технологик янгиликлар, диннинг марказлашув жараёнининг кечиши Окс цивилизацияси даврига хосдир.

Мил. авв. III минг йиллик сўнггида Бактрия ва Марғиёнада Окс цивилизацияси шаклланган, II минг йиллик давомида унинг буюк тарихий даври бошланган ва ниҳоятда кенг ҳудудга, Шарқий Афғонистон, Белужистон, Шарқий Эрон, Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларига тарқалган. Бу цивилизация умумлашган моддий маданият белгилари билан характерланади ва доимо шимолдан янги этник гуруҳларнинг, Андроново маданиятининг қўшилиб туриши билан ва жануб томон кенгайиб бориши билан характерланади.

Окс цивилизациясининг пайдо бўлиши ва шаклланиши икки илдизга эга. Биринчиси маҳаллий илдиз бўлиб, Жанубий Туркменистоннинг Олтинтепа ва яна бир қанча ёдгорликларидида Окс цивилизациясига хос бўлган анъаналарга асос солинган. Булар шаҳарсозлик (қурилиш услублари, монументал архитектура, муҳофаа Иншоотлари), хунармандчиликнинг энг асосий йўналиши бўлган кулолчиликда икки ярусли хумдоннинг, сопол чархининг кашф этилиши олтинтепаликларга хос, тоштарошлик хунарини санъат даражасига кўтарган халқ олтинтепаликлар ҳисобланади, Олтинтепада шаклланган муҳр ясаш техникаси ва технологияси, уларда ифодаланган тасвирлар Окс глиптикасида тўлиқ қайтарилади.

Окс цивилизацияси иккинчи илдизи миграциялар натижасидир, негаки фортификациядаги лабиринт тизим, сопол буюмлар гардишидаги зооморф терракоталар, миниатура шаклли база колонналар, муҳрлардаги ўзгаришлар, ҳуллас Окс цивилизацияси ёдгорликлари моддий маданиятидаги “номутаносибликлар” бизга янги цивилизациянинг илдизларини Қадимги Шарқ халқларининг миграциясидан излашимизга асос бўлмоқда. Окс цивилизациясининг пайдо бўлишида ми-

грацияларнинг таъсири ниҳоятда катта бўлган. Қадимги Шарқ, яъни биринчи цивилизация ҳудудларида энг аввало иқтисодий таназзул, мумкинки табиатда юз берган ксеротермик ҳолат натижасида аҳолининг шимолга, янги ерларни ўзлаштириш мақсадида миграцион ҳаракатлар бошланган ва Марғиёна ва Бактриянинг деҳқончиликка қулай бўлган ҳудудларига келиб жойлашган. Окснинг биринчи цивилизациялар моддий маданиятига ўхшамаслигининг сабабини миграция давомида транзит ҳудудлар моддий маданияти билан ассимляциялашиш жараёнини бошидан кечирганлигидадир.

**Окс цивилизациясининг маданий  
тараққиётда эришган ютуқлари**

| Хунармандчилик, халқаро алоқа, савдо ва санъат соҳасида |                          |                                              |                                    |                                                                                        |                                                     |
|---------------------------------------------------------|--------------------------|----------------------------------------------|------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------|
| Кулолчилик                                              |                          | Металл-<br>созлик                            | Монументал<br>архитектура          |                                                                                        | Маданий алоқа                                       |
| Икки<br>ярусли<br>хумдон                                | Кулол-<br>чилик<br>чархи | Мис,<br>кумуш,<br>бронза,<br>олтин,<br>темир | Сарой, ибодатхона,<br>фортификация |                                                                                        | Санъат                                              |
|                                                         |                          |                                              | Сим-<br>метрия                     | Лабиринт<br>тизими                                                                     |                                                     |
|                                                         |                          |                                              |                                    | Элам, Қадимги<br>Ҳиндистон,<br>Месопотамия,<br>Сурия, Хетит,<br>Андроново<br>маданияти | Ёзув,<br>Глиптика,<br>Ҳайкал-<br>тарошлик,<br>Мухр. |

Окс цивилизациясининг моддий маданияти тадқиқотчилар томонидан тўлиқ ёритилган. Аммо цивилизациянинг энг асосий белгиси бўлган ёзув муаммоси ечимини топмай келмоқда эди. Тадқиқотлар натижасида шу нарса аён бўлдики, Окс цивилизацияси аҳолиси ўртасида икки хил ёзув тизими мавжуд бўлган. Биринчиси, ашёларга асосланган предметли ёзув бўлса, иккинчиси пиктографик белгиларга асосланган ёзув тизимидир.

Предметли ёзув тизими кўпроқ маҳаллий анъаналар асосида шаклланиб ва ривожланиб келган бўлса, пиктографик ёзув

тизими Қадимги Шарқ маданиятлари таъсирида шаклланган.

Окс цивилизацияси мисолида ҳам айтишимиз мумкинки, ўзбек халқи аجدодлари жаҳон халқлари маданиятининг ривожланишига буюк ҳисса қўшган. Шундай экан аجدодларимизнинг бу хизматларини хронологик тарзда, цивилизацион қарашлар асосида кўрсатиб бериш тарихчиларининг бирламчи вазифаси эканлигини ва бу иш ўзбек тарихчиларга юкланган катта масъулият эканлигини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда цивилизацион қарашларни нафақат шакллантириш, балки методологик асосда ривожлантириб бориш давр талаби. Бронза даврида Жанубий Ўзбекистон ҳудудида илк шаҳар-давлатлар ўрнатилган, илк цивилизациялар шаклланган. Шунини алоҳида таъкидлашимиз зарурки, биз аجدодларимиз яратган бой моддий маданиятни, улар яратган цивилизацияларни етарли даражада ўрганганимиз ва баҳо бера олганимиз йўқ. Президент И. А. Каримов «Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратилдими-йўқми?»<sup>355</sup> деган саволни бизга, биз тарихчиларга берганлигини унутмаслигимиз зарур.

Ўзбек халқи аجدодлари буюк империялар қурган, жаҳон халқлари маданиятининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган, цивилизациялар яратган халқ. Биз тадқиқ этаётган Окс цивилизациядан ташқари антик даврлардаги Кушонлар салтанати, Ўрта Осиёлик буюк мутафаккирлар яшаган мусулмон ренессанси даври, Амир Темур ва темурийлар даври цивилизацияси тарихимизнинг ана шундай ёрқин саҳифаларидир. Бу саҳифалар халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этади, ғурурини уйғотади. Ўзбекистон тарихини даврлаштиришга цивилизацион ёндашсақгина бу ёрқин саҳифалар янада равшанроқ намоён бўлади.

<sup>355</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ... — Б. 137.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

### Президент И. Каримов асарлари:

*Каримов И. А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: «Ўзбекистон нашриёти», 1999. 134-бет.

### Манбалар:

*Геродот.* IV. 131-132.

*Гонсалес, Руи Де Клавихо.* Самарқандга – Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403 – 1406). Масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев. – Т.: «O‘zbekiston», 2010. – 264 б.

*Ригведа.* I. 12.

*Ригведа.* IX, 67, 26.

*Шарафуддин Али Яздий.* Зафарнома. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмад, Ҳ. Бобобекков. Т., 1996. – Б. 256.

### Монография, рисола ва тўпламлар:

*Абдуллаев Ў. И.* Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Т.: «Akademīya», 2009. – Б. 142.

